

А. Э. Тангиров
Ш. Х. Нурманов

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ

МОНОГРАФИЯ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

А.Э. Тангиров, Ш. Х. Нурманов

**МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ
АСОСИ**

Монография

Самарқанд – 2022

УО'К: 005.591.6:636

Т 21

Х 21

КВК: 65.6

45/46

Модернизациялаш самарадорликни ошириш асоси [монография]

**А. Э. Тангиров ва Ш. Х. Нурманов – Самарқанд: “FAN BULOG’I”
нашриёти, - 2022. - 164 бет.**

Монографияда чўл-яйлов чорвачилиги куйи мажмуаси ривожланиши ва унинг маҳсулотларни қайта ишлашнинг хозирги ҳолати, инфратузилма ва уни ривожлантириш, сервис хизмати кўрсатиш ва чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, чўл-яйлов чорвачилиги куйи мажмуаси ташкилий-таркибий қисмини оптималаштириш, чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва сервис хизмати корхоналари ўргасидаги ўзаро иктисадий муносабатларни такомиллаштириш, чўл-яйлов чорвачилигига кластер бошқарув технологиясини кўллашда тармокнинг ўзига хос хусусиятлари, баҳолар диспаритети ва уни бартараф килиш йўллари, чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва унинг иктисадий самарадорлиги каби масалалар ўрганилган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Такризчилар:

СамВМИ «Чорвачиликда иктисадий самарадорлик ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири, и.ф.д.

А. Алиқулов

СамИСИ “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н.

Ф. У. Турсунов

Монография Самарқанд иктисадиёт ва сервис институти Кенгашининг 2021 йил 26-ноябрдаги 4-сонли баённомасининг тегишли карори билан тасдиқланган.

ISBN: 978-9943-8335-2-4

© А. Э. Тангиров, Ш. Х. Нурманов. СамИСИ 2022.

© “FAN BULOG’I” нашриёти, 2022.

КИРИШ

Чўл-яйлов чорвачилиги кўйи мажмуаси Республика агросаноат мажмуасида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларда уствор аҳамият касб этади. Чўл-яйлов чорвачилиги асосини қоракўл қўйлари берадиган асосий маҳсулотлари билан жаҳонда тан олинган. Қоракўл ва қоракўлча халқаро мўйна аукционларда устунлик билан рақобатлаша оладиган, истеъмол қийммати бўйича бетакрор, жозибодор ўзига хос маҳслотдир. Аммо, Маказий Осиё регионида асосий вазифа қоракўл тери етишириш бўлишига қарамасдан, республика чўл-яйлов чорвачилиги кўйи мажмуасининг иктисодий потенциали тўлиқ ишга солинмаган. Қоракўл тери, жун ва ўтишишга қолдирилган кўзиларнинг яъни асосий йўлдош маҳсулотларининг мақбул(оптимал) нисбатлари бузилган, ишлаб чиқариш харажатлари ўсмокда, маҳсулотларнинг сифати пастлигича қолмокда, ушбу сабабга кўра кўп ҳолларда жаҳон стандартлари талабларига жавоб бермайди, етиширилган маҳсулотларнинг катта қисми хом ашё сифатида сотилмокда, ҳатто бир қисмiga харидор топиляпти. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш иктисодий самарадорлигини ошириш вазифасини ҳал этишни ва халқаро бозорларда соҳа рақобатбардошлигини таъминлашни кийинлаштирмокда.

2020 йил республикада 2519,6 минг тонна тирик вазнда гўшт, шундан, 406,4 минг тоннаси кўй гўшти, 10976,9 минг тонна сут, 7781,2 млн. дона тухум, 35,4 минг тонна жун, 1152,1 минг дона қоракўл тери ишлаб чиқарилган. Бироқ, бизда ҳали ушбу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш муаммолари тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айникса, пилла, жун, тери, пахта ва бошқаларни етишириш ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида номутаносиблик сақланиб қолмокда. Жумладан, пахта хом ашёсининг 34 фоизи, меваларнинг 17 фоизи, сабзавотларнинг 12 фоизи, полиз экинларининг 7 фоизи, узумнинг 25 фоизи, терининг 28 фоизи, жуннинг 17 фоизи, гўштнинг 27 фоизи, сутнинг 7 фоизи саноатда қайта ишланмоқда холос.



Бу муаммонинг ечими хом ашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш яъни босқичма-босқич истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Таъкидланган вазифани республиканинг чўл ҳудудларида ечиш учун хўжалик юритиши механизми ва шаклларини тубдан ислоҳ қилиш, чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустакам хом ашё базасини ташкил этиш биргаликда бутун агросаноат мажмуаси учун ўта долзарб муаммолардан ҳисобланган чўл-яйлов чорвачилигига кластер бошқарув технологиясини қўллашда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни, баҳолар диспаритети ва уни бартараф қилиш йўллари илмий асослаб бериш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари чўл-яйлов чорвачилиги ривожланган ҳар бир ҳудудида барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажимлари ва ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, қўшилган қийматни ошириш, аввало тобора кескинлашиб бораётган озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Энг муҳими, кўп тармоқли фемер хўжаликлари ва агрофирмаларни, чорвачилик кластерларни шакллантириб, таркибида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали авваламбор, иш ўринларига талаб жуда кучли бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъмимлаш муаммосини чўл-яйлов чорвачилиги ривожланган ҳудудларда ҳал этиш имкониятига эга бўламиз.

I-БОБ. ЧҮЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ ҚУЙИ МАЖМУАСИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ


1.1. Чүл-яйлов чорвачилиги қуий мажмуси ривожланишининг ҳозирги ҳолати

Чүл-яйлов чорвачилиги (қоракүлчилик, эчкичилик, туячилик, йилкичилик, қорамолчилик) мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланиб, республиканинг 20,6 млн. га. ер ресурсларини эгалган худуд ҳисобланади. Чүл-яйлов чорвачилиги чўл аҳолисининг озиқ-овқатга, енгил саноатни хом-ашёга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Худуд чорвачилигининг хусусан қўйчиликнинг асосий озуқа базаси яйлов ҳисобланади. Бугунги кунгача яйлов майдонлари бирикитиб берилмаганлигига қарамасдан, 18091,9 минг бош ёки 80,6 % қўй ва эчкилар дехқон хўжаликларида урчитилмоқда. 11134,2 минг га. яйловлар қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи ташкилотларига ва 1407,5 минг га. фермер хўжаликларида бириктирилган.

Чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисмини республикада дехқон хўжаликлари етиштираётган бўлса-да, ҳанузгача уларга яйловлар ажратиб берилмаган. Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини етиштриш дехқон, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга ошрувчи ташкилотларда амалга оширилмоқда. Майда шохли молларнинг асосий қисми дехқон хўжаликларида парваришланмоқда.

2021 йилда йирик шохли қорамолларнинг 92,5 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 80,6, чўчқаларнинг 65,8 паррандаларнинг 58,1 ва отларнинг 74,0 фоизи дехқон хўжаликларида парвариш қилинмоқда. Ўрганилаётган даврда қўй ва эчкилар бош сони республикамизда 6,1 фоизга кўпайиб, 21906,9,9 минг бошга етган. Майда шохли молларнинг 80,6 фоизи ёки 18091,3 минг боши дехқон хўжаликларида, фермер хўжаликларида 13,5 фоизи ёки 3032,2 минг боши ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида 5,9 фоизи ёки 1335,3 минг боши бокилмоқда (1-

диаграмма). Бу маълумотлар дехкон хўжаликлари республикамиз чорвачилигига етакчи ўрини эгаллаб турганидан далолат беради.



1-Диаграмма. 2021 йилда хўжалик юритиш шакллари бўйича қўй ва эчкилар бош сони

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 68,0 фоизи дехкон хўжаликлари, 27,8 фоизи фермер хўжаликлар қолган 4,2 фоизи эса қишлоқ хўжалик корхоналари хиссасига тўғри келмоқда. Дехкон хўжаликлида тайёрланнаётган маҳсулотларининг 48,5 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этмоқда. 92,4 фоиз чорвачилик маҳсулотлари республикада дехкон хўжаликлари, 4,4 фермер хўжаликлари ва 3,2 фоизи эса қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида (1-жадвал).

1-жадвал

**Республикада хўжалик юритиш шакллари бўйича чорвачилик
маҳсулотлари қиймати ва унинг таркиби**

T/p	Хўжалик юритиш шакллари	2017 йил		2021 йил		2021йил 2017 йилга нисбатан, %
		млрд сўм	%	млрд сўм	%	
1.	Барча тоифадаги хўжаликлар	64895,9	100,0	126198,5	100,0	194,5
	Шу жумладан:					
a.	Фермер хўжаликлари	19014,5	29,3	35083,2	27,8	184,5
б.	Деҳқон хўжаликлари	44388,8	68,4	85815,0	68,0	193,3
в.	Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида	1492,6	2,3	5300,3	4,2	355,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Демак, республика қишлоқ хўжалиги тараккиёти мулк ва хўжалик юритиш нуқтаи назардан деҳқон хўжаликларнинг ривожланишига кўп жихатдан боғлиқ.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг тонна)

Маҳсулотлари тури	Йиллар				2020йил 2017 йилга нисбатан, %
	2017	2018	2019	2020	
Барча тоифадаги хўжаликлар					
Гўшт(тирик вазнда)	2286,8	2430,5	2473,6	2519,6	110,2
Сут	10047,9	10466,4	10714,3	10976,9	109,2
Тухум, млн.дона	6332,7	7459,3	7771,2	7781,2	122,9
Жун(физик вазнда)	36,4	34,6	35,1	35,4	97,3
Қоракўл тери, минг дона	1075,1	1085,2	1150,7	1152,1	107,2
Пилла	12,5	9	21,4	20,9	167,2
Фермер хўжаликлари					
Гўшт(тирик вазнда)	69,3	109,5	125,7	112,2	161,9
Сут	337,7	397,3	462,0	519,8	153,9
Тухум, млн.дона	695,3	1079,5	1142,8	1048,9	214,1
Жун(физик вазнда)	2,2	2,8	3,2	3,7	168,1
Қоракўл тери, минг дона	59,8	85,6	91,4	103,8	173,6
Пилла	11,4	14,3	15,7	13,5	118,4
Деҳқон хўжаликлари					
Гўшт(тирик вазнда)	2145,9	2236,5	2230,9	2302,7	107,3
Сут	9641,8	9995,8	10156,5	10372,2	107,6
Тухум, млн.дона	4020,8	4335,1	4491,6	4817,9	119,8
Жун(физик вазнда)	32,4	30,5	30,5	30,1	92,9
Қоракўл тери, минг дона	906,2	904,4	975,4	966,2	106,6
Пилла	-	-	-	-	-
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида					
Гўшт(тирик вазнда)	71,6	84,5	117,0	104,7	146,2
Сут	68,4	73,3	95,8	84,9	124,1
Тухум, млн.дона	1616,6	2044,7	2136,8	1914,4	118,4
Жун(физик вазнда)	1,8	1,3	1,4	1,6	88,9

Қоракўл тери, минг дона	109,1	95,2	83,9	82,1	75,3
Пилла	1,1	3,6	5,7	7,4	672,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дехқон ва фермер хўжаликларида ҳамда республикамиз бўйича чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайган бўлса-да, Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида жун ва қоракўл тери етишириш мос равишда 11,1 ва 24,7 фоизга камайган. Шуни алоҳида тақдлаш ўринлики, мамлакатда чорвачилик маҳсулотларининг 90 фоизидан кўпроғини дехқон хўжаликлари етишириб бермоқда.

Республикада етиширилаётган гўштнинг 91,4 фоизини, сутнинг 94,5 фоизини, жуннинг 85,0 фоизини, қоракўл терининг 83,9 фоизини ва тухумнинг 61,9 фоизини дехқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг атиги 2,7 фоизи, жуннинг 4,5 ва қоракўл терининг 7,1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи ихтисослашган корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистон чўл-яйлов чорвачилиги чўл аҳолисининг озиқ-овқатга, енгил саноатни хом ашёга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этиб, асосан хом ашё етказувчи база ҳисобланади. Чўл-яйлов чорвачилигининг етакчи соҳаси бўлган қоракўлчиликнинг асосий маҳсулоти ҳисобланган қоракўл терини етишириш Республика ва вилоятлар ҳамда хўжалик юритиши шаклари бўйича таҳлилий маълумотлари 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал

**Хўжалик юритувчи субъектлари бўйича қоракўл тери ишлаб чиқариш
(2020й.)**

Республика ва вилоятлар	Хўжалик юритиш шакллари бўйича ишлаб чиқарилган қоракўл тери, дона						Ишлаб чиқарилган қоракўл териning хўжалик юритиш шакллари бўйича солмоғи, %
	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжаликлиари	Дехкон хўжаликлиари	K/x	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжаликлиари	
Ўзбекистон Республикаси							
Қорақолпоғистон Республикаси							
Бухоро							
Жиззах							
Қашқадарё							
Навоий							
Самарқанд							
Сурхондарё							
Хоразм							

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Қоракўл тери, дона



2-Диаграмма. 2020 йилда етиштирилган қоракўл териининг хўжалик юритиши шакллари бўйича миқдори

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.



Олимлар томонидан яратилган “Тўрткўл” завод типи қўйларидан олинган Қорақолпок сур терилари

Манба: Муаллифлар томонидан “Қизилкум” НШХ ги музейда расмга олинган.

Қоракўл қўйлар азалдан республикамизнинг 7 та вилояти ва Қорақолпогистон Республикасида урчитилади. 2020 йилда етиштирилган 1152149 дона қоракўл териларининг 966189 донаси дехқон хўжаликлар, 103822 донаси фермер хўжаликлар ва 82138 донасини қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи

корхоналарда етиштирган ёки уларнинг улуши тегишли равишда 83,9 %, 9,0 ва 7,1% ни ташкил этган. Республикада ишлаб чиқилаётган қоракўл териларнинг 1000910 донаси ёки деярли 86,9 фоиз, Бухоро (43,5%), Навоий(24,7%) ва Қашқадарё(18,7%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2020 йилда хўжалик юритиш шакллари бўйича қоракўл тери етиштириш миқдори 2-диаграммада келтирилган.

4-жадвалдан кўринадики, 2020 йил Республикада 35422 тонна жун шундан, 30124 тоннаси дехқон хўжаликлари, 3716 тоннаси фермер хўжаликлари ва 1582 тоннаси қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналари томонидан етиштирилган ёки мос равишда 85,0%, 10,5 ва 4,5% ни ташкил қилган. Демак, қоракўл тери ва жун маҳсулотларининг асосий қисмини бутун худуд бўйича жойлашган ҳажми жиҳатдан майда ва кўп сонли дехқон хўжаликлари ишлаб чиқармокдалар. Чўл-яйлов чорвачилигининг бу хусусияти маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ташкил қилишда ҳисобга олиниши лозим.

Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг турини кўпайтириш ҳамда қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 2 та эчкичилик, 5 та паррандачилик, 2 та балиқчилик, 1 та асаларичилик, 4 та тую ва қўй жунини, 1та гўштни, 3 та қоракўл ва қўй териларини, 2 та тую сутини қайта ишлаш, қурилиш материаларини ишлаб чиқариш, 9 та иссиқхоналар ва 3 та яйлов экинлари уруғларини етиштиришни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалиётга тадбик этиш устидан ишлар олиб борилмоқда.

**Хўжалик юритувчи субъектлари бўйича жун ишлаб чиқариш
(2020 й.)**

Республика ва вилоятлар	Хўжалик юритиш шакллари бўйича ишлаб чиқарган жун, тонна				Ишлаб чиқарилган жуннинг хўжалик юритиш шакллари бўйича солмоғи, %			
	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжаликлари	Дехкон хўжаликлари	K/x	Барча тоифадаги хўжаликлар	Фермер хўжаликлари	Дехкон хўжаликлари	K/x
Ўзбекистон Республикаси	35422	3716	30124	1582	100	10,5	85,0	4,5
Қорақолпо-қистон Республикаси	1358	157	1184	17	100	11,6	87,2	1,2
Бухоро	3842	448	3155	239	100	11,7	82,1	6,2
Жиззах	3975	466	3235	274	100	11,7	81,4	6,9
Қашқадарё	7579	461	6787	331	100	6,1	89,6	4,3
Навоий	4145	846	2871	428	100	20,4	69,3	10,3
Самарқанд	3855	250	3474	131	100	6,5	90,1	3,4
Сурхондарё	2537	354	2101	82	100	14,0	82,8	3,2
Хорозм	1135	96	1034	5	100	8,5	91,1	0,4

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Коракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш хўжалик юритиш шаклларини ва механизмларни такоммиллаштириш ҳамда ўзаро иқтисодий боғлиқ корхоналарнинг интеграциялашув жараёнларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда мукаммаллаштириш орқали таъминлаш мумкин.

Илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий ислохотларни яънада чукурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида, нафакат тармоқларни, балки тармоқлардаги мавжуд инфратузилмаларни кенг ривожлантириш

мақсадга мувофиқ. Аграсаноат мажмууда маҳсулотни ишлаб чиқариш факат қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан эмас, балки унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ривожи билан хам чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Авваламбор аграсаноатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулот (хом ашё)дан оқилона фойдаланиш лозим. Бунда ишлаб чиқаришни техникавий таъмирлаш, моддий техника, зооветиринария, агрокимё ва бошқа таъминот ва хизматларни ривожлантириш мақсадида инфратузилмаларнинг алоқаларини ва фаолиятларини тўлиқ шакллантириш керак.

1.2. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуасида маҳсулотларни қайта ишлашнинг ҳозирги ҳолати

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳатлар бугунги кунда ўзининг натижаларини кўрсатмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичидаги иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини қучайтириш, қишлоқ хўжалигини ва унинг маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқларни ислоҳ ҳамда модеринизация қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, оқилана олиб борилган молия-кредит сиёсати республика иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланишини таъминламоқда.

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 9,1 бараборга, аҳоли сони 17,8 фоизга кўпайганлигига қарамасдан аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот 7,7, амалдаги пировард истеъмол 9,9, истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 9,9 бараборга кўпайган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,2 бараборга, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 6,6 ва чорвачилик

маҳсулотлари 5,7 бараборга ошган. Чакана товар айланмаси 10,4 марта ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,7 мартага кўпайган.

Кишлоқ хўжалик маҳсулоталарини қайта ишловчи саноат соҳаларини хусусан озиқ-овқат, енгил, жумладан чарм-пойабзal ва ароқ-вино ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳамда замоновий корхоналарнинг бунёд этилиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,2 мартага, ноозиқ-овқат ва ароқ-вино маҳсулотлари мос равища 10,3 ва 11,9 мартага кўпайган. Шу даврда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш 206,1 млн. АҚШ долларларидан 1675,6 млн. АҚШ долларларигача ёки 8,1 бараборга кўпайган.

Ўрганилаётган даврда аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқиш 105,3 минг сўмдан 883,0 минг сўмгача ёки 8,4 марта, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 41,7 минг сўмдан 324,9 минг сўмгача, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 60,0 минг сўмдан 522,3 минг сўмгача, енгил саноат маҳсулотлари эса 11,1 минг сўмдан 110,3 минг сўмгача ёки мос равища 8,8, 8,7 ва 9,9 бараборга кўпайган.

Қайта ишланиб, истеъмол товарлари сифатида саноат корхоналарида ип-газлама ишлаб чиқариш 30,3 % га, гилам ва гилам маҳсулотлари 37,4, пойабзal 109,3, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 21,0, колбаса маҳсулотлари 32,3, сут ва сут маҳсулотлари 20,5, нон ва нон маҳсулотлари 0,2, консервалар 23,2, ун 8,2, ёрма 36,3, қандолат маҳсулотлари 55,8, макарон маҳсулотлари 18,0, маргарин маҳсулотлари 96,4 ва табиий чой 8,2 % га ошган. Жунли газлама ишлаб чиқариш деярли 5 бараборга, ўсимлик ёғи эса 1,0 % га камайган.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 44,8 фоизга, сут ва сут маҳсулотлари эса 49,7 фоизга кўпайган. Аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,8 кг. дан 7,1 кг. гача, сут ва сут маҳсулотлари 9,5 кг. дан 12,1 кг. гача ёки мос равища 22,4 % ва 27,4 % ошган.

Республикада ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг етишмаслиги, мавжудларининг эскирганлиги ва тўла қувват билан ишламаслиги оқибатида хом ашёнинг катта қисми қайта ишланланмасдан қолмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига етказувчи енгил саноат корхоналари асосий фондларининг эскириш даражаси 32,6 фоизни, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарники эса 60,3 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш йилдан-йилга кўпайиб барётганлигига қарамасда пахта хом ашёсининг 34 %, меваларнинг 17 %, сабзавотларнинг 12 %, полиз экинларининг 7 %, узумнинг 25 %, терининг 28 %, жуннинг 17 %, гўштнинг 27 %, сутнинг 7 % саноатда қайта ишланмоқда холос.

Бу маълумотлардан кўрниб турибдики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар сонини кўпайтириш билан биргаликда мавжудларини модеринизациялаш зарур. Шунга қарамасдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар иқтисодий самарадорлиги қишлоқ хўжалигига нисбатан анча юкори. Қишлоқ хўжалигига етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи соҳа корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари таркибида хом ашё харажатлари 86-87 фоиз бўлган ҳолда, рентабеллик даражаси 47-48 фоизни ташкил қиласа, қишлоқ хўжалигиники эса атиги 18,7 фоиз ёки деярли 3 барабор паст. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларнинг 65-75 фоизи хом ашё етиштирувчилар ҳиссасига тўғри келгани ҳолда олинадиган даромаднинг 35-40 фоизига эгалик қилишмоқда. Бошқача айтганда, хом ашё етиштрувчилар ўз маҳсулотларни ярим нархидан ҳам арzon баҳоларда беришга мажбур бўлишмоқда.


Агросаноат мажмуаси миқёсида қишлоқ хўжалигига етиштирилган маҳсулотларини саклаш алоҳида ишлаб чиқариш жараёни сифатида мустақил фаолият турига айланмоқда. Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бузулишига ва исроф

бўлишига йўл кўймасдан саклаш ўта мухим аҳамиятга эга эканлиги шундан иборатки, аҳолини йил давомида узликсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш бевосита ушбу соҳанинг шаклланиши ва ривожланишига боғлик. Аммо, саклаш ва қайта ишлаш корхоналари етишмаслиги ва замон талабларига жавоб бермаслиги, ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг исроф бўлишига олиб келмоқда. Сақлашнинг илгор усуllibарини қўллаш маҳсулотлар исроф бўлишини кескин камайтириш имконини беради.

Маҳсулотларни узоқ муддатли ва самарали саклаш қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан нархлар ошган мавсумларда сотишини ташкил этиш, уларни етиштирувчи ва сакловчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига хизмат қиласди. Сақлаш маҳсулотлар ишлаб чиқарилган яъни қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзида ёки истъемол килинадиган жойларда, маҳсус ихтисослашга корхоналарда амлга оширилади.

Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини хусусан гўшт, сут, коракўл тери, жун, мол терилари, кўзи ошқозони(ширдон) кабиларга дастлабки ишлов бериш ва саклашнинг асосий вазифаси минимал харажатлар хисобига ўз вақтида ва сифатли қабул қилиш, тозолаш, қурутиш, саклаш ва қайта ишлаш жараёнларини амалга ошириш хисобланади. Бу ишлар билан қишлоқ хўжалик, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўгулланишиади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами гўштининг 19,1 фоизини кўй гўшти ташкил этди. Жон бошига эса 11,7 кг. тирик вазнда кўй гўшти ишлаб чиқарилган. Барча гўшт турларининг ичидаги ўзбекистонда кўй гўштини етиштиришга кам меҳнат ва моддий харажатлар сарфланилади. Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларида кўй гўштини ишлаб чиқариш қорамол ва чўчка гўштига нисбатан 2,1-2,5 марта, парранда гўштига нисбатан эса 2,7-3,2 марта арzonга тушади. Шу билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари олаётган даромадларнинг 70-75 фоизи кўйларни тирик вазнда гўштга



сотишдан келиб тушмоқда. Шу сабабларга кўра қўйларни бўрдоқилаш, гўшт ишлаб чиқариш ҳамда гўштни қайта ишлаш хўжаликлар учун ўта муҳим иқтисодий-молиявий аҳамиятга эга бўлган технологик жараёнлар ҳисобланади.

Кўйларни бўрдоқилаш асосан уч усулда амалга оширилади. Биринчиси, яйловларда боқиб бўрдоқилаш, иккинчиси, аралаш яйловда боқиш ва қўшимча омухта ем бериш, учинчиси, маҳсус озиқлантириш майдончаларида яйловларда боқмасдан бўрдоқилаш. Бўрдоқилашнинг келтирилган дастлабки икки усули ҳосилдорлиги юқори бўлган яйловларда кулай, арzon ва тез семиртириш усуллари ҳисобланади.

Бўрдоқиланган молларни кечиктирмасдан, муддатида сўйиш ёки гўштга топшириш хўжаликлар учун муҳим иқтисодий ва молиявий аҳамиятга эга бўлган, технологик жараён ҳисобланади. Бу жараённи самарали ташкил этиш орқали семиртирилган молларнинг тирик оғирлиги ва гўшт чиқими кўпаяди, ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинади. Гўшт саноати молларни сўйиш, гўшт, совутилган ва музлатилган гўшт ҳамда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бевосита боғлик бўлган фаолият турларини амалга оширади. Бундан ташқари соҳа корхоналари мол гўшти ёғларини ажратиб олиш ва эритиш, гўшт ва гўшт-суюк уни, қўшимча маҳсулот ҳисобланган хом тери, ишлов берилган тери, суюк ва бошқаларни ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланишади.

Гўшт саноати корхоналарини шартли равища уч гурухга бўлиш мумкин:

сўйиш ва сўйиб совитишининг сўйишдан фарқи корхонада совутиш ускуналари мавжуд бўлиб, совутилган гўшtlарни қисқа муддатли ёки музлатилган гўшtlарни узоқ муддатли сақлашга мўлжалланган;

гўштни қайта ишловчи заводлар молларни сўйишдан ҳосил бўлган маҳсулотларни қайта ишлайди;

гўшт комбинатлари молларни сўйиш, гавдани ва олинган хом ашёларни қайта ишлаш билан шуғулланади.

Соҳанинг асосий корхоналари бўлиб, бир сменада 5 тоннадан 200 тоннагача гўштга ишлов берадиган гўшт комбинатлари ва бир сменада 10 тоннадан 40 тоннагача гўшт маҳсулотларини тайёрлайдиган гўштни қайта ишлайдиган заводлар ҳисобланади. Айрим қишлоқ хўжалик корхоналарида молларни сўйиш ва гўштни қайта ишлаш цехлари ташкил қилинган. Булар кичик ва ўртacha қувватдаги цехлар ҳисобланиб, бир сменада 2 тоннагача гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга асосан колбасалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ўрганилган даврда саноатда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 221,1 тоннага етиб, 44,8 фоизга, жон бошига эса мос равища 5,8 кг. 7,7 кг., 32,8 фоизга кўпайган. Истеъмол қилинган гўшт ва гўшт маҳсулотлари шу даврда 292,0 минг тоннадан 310 минг тоннагача ёки 6,2 фоизга ошган. Жон бошига истеъмол қилингани эса 11,1 кг. дан 9,99 кг. гача ёки 10,0 фоизга камайган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, йилига 90-100 минг тонна гўшт четдан олиб келиниб, қайта ишланмоқда.

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси корхоналари сифатли хом ашё билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммолардан бири эканлигининг сабаби жами харажатларнинг деярли 70 % чорвачилик хом ашёсига тўғри келиши, олинадиган маҳсулотларнинг истеъмол қиймати бевосита уларнинг сифат кўрсаткичларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Аниқланганки, объектив баҳо берувчи кўрсаткич бу гавда оғирлиги, у эса бевосита молнинг ёшига ва жинсига боғлиқ. Гўшт чиқими молнинг ёшига боғлиқ. Қўйларнинг тирик вазнининг тез суръатлар билан ўсиши улар ҳаётининг биринчи 5 ойллигига ва ўсишининг давом этиши эса 18 ойлигигача кузатилади.

Ҳозирги вақтда гўшт саноати корхоналари томонида 500 турдан ортиқроқ гўшт маҳсулотлари тайёрланмоқда, жумладан колбасанинг

150 тури, 50 турдан күпроқ гүштли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Аммо, чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларида молларни сўйиб, гүштни қайта ишлашнинг имкони бўлмаганлиги сабабли деярли барча моллар тирик, гүшт шаклидагисига нисбатан икки баровар арzon нархларда сотилмоқда.

Кўйчиликнинг йўлдош маҳсулотларидан бири – бу жун ҳисобланади. Кўй жунини қирқиши ташкил этиш катта меҳнат, моддий харажатлар ва жавобгарликни талаб этадиган ишлаб чиқариш жараёндир. Қоракўл қўйлари дағал жун берувчи зот бўлиб, йилига икки марта баҳор ва кузда қирқилади. Қирқишдан олдин маҳсус бассенда чўмилтирилади ва қўйларнинг жуни қуругандан кейин маҳсус жиҳозланган пунктда қириқиб олинади ва жунни дастлабки тозолаш жараёни амалга оширилади, навларга ажратилади ва зааркундаларга қарши ишлов берилиб, тойланади, истеъмолчига етказиб берилгунга қадар, жиҳозланган омборларда сақланилади.

Аммо, республикада ишлаб чиқарилаётган жунга талабнинг кескин қисқариши, жуни сотишдан олинган даромад қўйни қирқиши харажатларидан ҳам камлиги, катта меҳнат ва моддий харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилган жунни бир қисмидан воз кечишга яъни ахлатга чиқариб ташланишга ёки ёқиб юборилишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатнинг юзага келишига сабаб, ишлаб чиқарилган жунни қайта ишловчи корхоналарнинг жуда камлиги, мавжудлари ҳам техник ва технологик жиҳатдан эскирганлиги улар томонодан харид қилинган жун ҳақини йиллар давомида тўлаб берилмаслиги ҳамда маркетинг хизматининг йўлга қўйилмаганлигидир.

Қозоқистон Республикасида ҳам жунни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилгунга қадар харидор топилгандагина 1 килограмм дағал жун 5 тенгеда сотилган, қўйни қирқиши учун эса 50 тенге ҳақ тўланган. Ишлаб чиқарилган жуннинг катта қисми ёқиб юборилган ёки кўмиб ташланган. Улар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ювилган жунга талаб катта эканлиги аниқланган. Заводда

қайта ишланадиган жунни ҳаммасига экспорт шартномалари тузилган. Завод ишга тушгандан кейин қайта ишланган жуннинг харидорлари 235 млн. тенге тўловни олдиндан амалга оширишган. Ҳозирда завод қайта ишлаган 1500 тонна жуннинг 500 тоннасини экспортга юборган. Ювилган жунга талаб катта бўлганлиги сабабли йилига 3000 тонна жуни қайта ишлаш қувватига эга комбинат жунни ювиб уддалай олмаганлиги туфайли бу жараёнга Тараза ва Алмаота заводлари ҳам жалиб қилинган. Комбинат 1 кг. дағал жунни сотиб олиш нархини 18 тенгегача оширган.

Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 20 минг тонна жунни қайта ишловчи “Онтустик” СЭЗ заводи қурилиши бошланган ва у ишга туширилмасдан, Россия ва Хитой мамлакатларидан маҳсулотни сотиб оловчи харидорлар чиқишиди.

Республикамиздаги айрим тадбиркор, ҳунармандлар ва оиласлар томонидан дағал жундан тайёрланган бош, устки ва оёқ кийимлар, гилам ва гилам маҳсулотлари, уй хўжалиги ва отлар эгар-жавдуқлари учун тайёрланган жун буюмлар, совға ва свинер хамда бошқа тайёр маҳсулотларга ташқи ва ички бозорларда харидорлар кўплигини кўрсатмоқда. Демак, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган жун хом ашёсини қайта ишлашни ташкил қилиш бугунги куннинг ўта долзориб масаларидан бири ҳисобланади. Бу масаланнинг ечимини топиш фақатгина соҳа самарадорлигини оширишга, балки, чўл-яйлов чорвачилиги жойлашган худудлардаги иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг ижобий ҳал бўлишига кўмаклашади ва экологик мухитнинг яхшиланишига олиб келади.

Республика ҳудудининг истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлаштириш ва хом ашё етиширувчиларга нисбатан уни қайта ишловчилар 2-3 баробар кўп даромад олаётганлигини ҳисобга олиб, чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни жойларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Яъни, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишни бир корхона ёки бир ҳудуд миқёсида жамлаш мамлакат

худудларининг баркарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қўй жунини қайта ишлашни ташкил қилиш бизнеснинг энг кулай ва кам харажатли соҳаларидан бири ҳисобланади.

Жунни қайта ишлашнинг устунлик томони шундаки, у қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳисобланса-да, кўпчилик маҳсулотлардан фарқли ўлароқ, озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига кирмайди. Шу сабабли, ишлаб чиқариш биноларига ҳам ва ишловчи ходимларга ҳам маҳсус талаблар қўйлмайди. Ишлаб чиқариш бинолари жорий қурилиш меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши керак. 2-3 линиядан ташкил топган ўртача заводда 5-6 киши ишлаши билан биргаликда ишчиходимлар маҳсус малакага эга бўлишлари шарт эмас. Шундай қилиб, биноларга ҳам иш ҳақига(технолог ёки муҳандисдан ташқари қолган ишчилар малакасиз ходимлар ҳисобланадилар) ҳам харажатлар минимал даражада бўлади.

Заводларни чўл-яйлов чорвачилиги ривожланган худудларнинг ўзига жойлаштириш маҳсулотларни истеъмолчига сотища қулайликлар тўғдиради. Вилоят маркази ёки ўзга жойда қайта ишланадиган бўлса, жун воситачилар орқали етиб боради ва нархи ошади. Шу билан биргаликда давлатнинг қишлоқ жойларга мўлжалланган имтиёзларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бу имтиёзларга маҳсус шартларда кредитлар ажратиш, солик тўловидаги енгилликлар, техника сотиб олишдаги ва лизингга олишдаги қулайликларни киритиш мумкин.

Жунни қайта ишлаш учун карак бўладиган жиҳозлар таркиби, заводга келиб тушадиган жунга қай даражада ишлов берилишига боғлиқ. Жунни йигириш ёки ип ишлаб чиқариш, уни ювиб-тозалашга нисбатан анча кўп харажатни талаб қиласи. Жунни қайта ишлаш шаклини танлашдан келиб тушадиган хом ашёнинг ҳажмини, худуддаги жун бозори ҳолатини, уни ушбу худуддан ташқарига ёки

хорижга сотиш имкониятларини ва бошқа омиларни ҳисобга олиш зарур.

Жунни ювиб-тозолаш нисбатан кам капитал қўйилмалар талаб қиласиган ишлаб чиқарш ҳисобланади. Ювиш ҳам катта меҳнат талаб қиласиган жараён. Заводга келиб тушадиган маҳсулотни жун хом ашёси стандартлари талабларига мувофиқ қабул қилиш ва навларга ажратиш, ишлов бериш кейин эса алоҳида сотиш жараёнларини ўз ичига олади.

Дастлаб жун маҳсус машиналарда ювилади, суви сиқиб чиқарилади ҳамда қуритиш машинасида қуритилгандан кейин тойланади ва сотишга юборилади.

Линиянинг нархи бевосита унинг қувватига боғлиқ. Мисол учун меҳнат унумдорлиги 10-20 кг/соат бўлган жунни ювиш ва қуритиш линияси 15000\$ атрофига туради, меҳнат унумдорлиги 400кг/соат бўлган линиянинг қийммати тахминан 315-320 минг доллар. Бундан ташқари жунни ювиш ва қуритиш линияси қувватига мос буғ қозони ҳам зарур. Меҳнат унумдорлиги 2 тонна ва 10 атмосфера босимиға эга бўлган буғ қозони 61,0 минг доллар атрофига туради. Ишлатилган сувни тозолаш ва қайта ишлатиш учун тозолаш иншоат керек бўлади. Бу иншоат 80,0 минг доллар. Жунни пресслаб тойлайдиган (800Х400 Х600мм. ва оғирлиги 70-80 кг.) стоноқ 4800\$ туради. Жуннинг тойлангани тойланмаганига нисбатан юқори баҳоланишини такидлаш ўринли. Шу сабабли, жун пресслаш станоги ишлаб чиқариш жараённи такомиллаштиришнинг даслабки босқичи дейиш мумкин.

Тозаланган жундан ип ишлаб чиқариш анча мураккаб технологик жараён. Бу кўп микдорда инвестицияни ва ишлаб чиқариш биноларини кенгайтиришн, ҳамда хизмат қилувчи ходимлар сонини кўпайтиришни(жунни ювишда 7-8 киши банд бўлса, ип ишлаб чиқаришда 20-25 киши ишлайди)талаб қиласи. Жун йигириш машинаси 400,0 минг доллар, ип ишлаб чиқариш линияси қувватига (бир сменада 4 ёки 8т.) қараб 580-990 минг доллар туради.

Жун ишлаб чиқаришнинг асосий манбаси – қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик ва туючилик каби соҳаларни ўз ичига оловчи чўл-яйлов чорвачилиги. Деярли 22,0 млн.бош майдада шохли молларнинг 6,0 млн. бошдан кўпроғи қоракўл қўйлари, 2,0-2,3 минг боши эчкилар ва 21-22 минг боши туюлар. Ўзбекистонда етиштириладиган жуннинг асосий қисмини дағал жун ташкил этиб, уларнинг ичидаги қоракўл қўйлари жуни нисбатан юқори сифатга эга. Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси, тизимида жунни тайёрлаш ва қайта ишлаш “Қизилқум ВУУЛ Текс” кўшма корхонаси (1500 тоннагача Навоий вилояти), “Келес жун” (1500 тоннагача Тошкент вилояти), “Комтекс ПООШ” (Бухоро вилояти) каби корхоналарда марказлашган ҳолда амалга оширилади. Бу корхоналар турли сабабларга қўра ўз қувватларидан тўлиқ фойдалана олмаяптилар.

Булардан ташқари “Кенимех Комтекс”, “Шик” “WOOI tehs” ва бошқа кичик хусусий корхоналар ташкил этилган, улар жунни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда ярим фабрикат ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғилланишади. Ишлаб чиқилаётган жуннинг 20 фоизи саноат корхоналари томонидан қайта ишланади. Чўл-яйлов худудларида маҳалий аҳоли томонидан 18-20 фоиз жун қайта ишланиб гилам, гилам маҳсултлари, тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 60 фоиз атрофида жун қайта ишланмасдан қолади. Жунни қайта ишлаб, сотишни ташкил этиш жунни хом ашё сифатида сотишдан кўра 2,5-3,0 марта кўп даромад келтиради. Аммо, Ўзбекистонда йилига 35,0 минг тонна атрофида жун ишлаб чиқарилишига қарамасда жунли газлама ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Республикада жунли газлама ишлаб чиқариш 164,9 минг m^2 дан 36,6 m^2 гача ёки деярли 5,0 баробарга камайган. Бунинг асосий сабаби мамлакатда мавжуд жунни қайта ишловчи корхоналарнинг техник-технологик жиҳатдан жуда эскирганлиги, уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари етишмаслиги, жун хом ашёсини паст нархларда сотиб олиши ва тўловини йиллар давомида амалга оширмаслиги, жунни қайта ишлаш, ички ва ташқи

бозорда жун ва жун маҳсулотларини сотиш бўйича зарур чоратадбирлар олиб борилмаётганлигидир.

Қоракўл қўйининг асосий маҳсулоти қоракўл терилари – ўзининг истеъмол қийммати бўйича қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат-корхоналари учун тенги йўқ хом ашё ҳисобланади. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган 1,1-1,2 млн. дона қоракўл териларнинг 0,97 млн. донаси ёки 75-80 фоизи дехқон хўжаликларида етиширилиб, эски ананавий усулда ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқувчининг ўз қўл меҳнати ёрдамида қўзилар алоҳида сўйилиб, дастлабки ишлов берилмоқда, яъни тузланиб курутилмоқда холос.

Юқори сифатли қоракўл терилар ишлаб чиқариш учун қўзидан тери арчиб олиш, бирламчи ишлов бериш, сақлаш ва уларни ташибни ташкил этиш жараёнлари қоидаларига сўзсиз амал қилишни талаб қиласди.

Бунинг учун эса маҳсус сўйиш пункитларини ташкил этиш ва қоракўл териларни ҳамда қўшимча маҳсулотларни қайта ишлашнинг илғор усулларини қўллашни талаб қиласди. Сўйиш пунклари 5,0 минг ва унда қўп қўзиларни сўйишга мўлжалланган бўлиб, қўзини сўйиш ва ундан терини ажратиб олиш, терини ёғсизлантириш, бирламчи консервалаш ва маълум муддатга сақлаш амалга оширилади. Шу ернинг ўзида ширдон ва қўзи гавдасига дастлабки ишлов берилади.

Қўзиларни сўйишда конвейер технологиясидан фойдаланиш мумкин. Бу технологияда деярли барча жараёнлар машина ва механизмлар ёрдамида бажарилиб, меҳнат унумдорлиги 2-2,5 баробарга ошади, қоракўл терга ишлов харажатларини кескин камайтиради.

Қоракўл териларни консервалашда тузлаш усулидан фойдаланилмоқда. Териларга белгиланган меъёрларда туз сепилгандан кейин очик майдонларда 8-10 кун қутилилади. Тузланган терилар қутилигандан сўнг тозоланилади. Тозолаш жараёнини ҳам машинада бажариш мумкин. Терини тозолашда машинадан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини 10 ва ундан кўп

марта ошириш имконини бериш билан биргаликда қоракўл терининг рангини очиб, мафтункорлигини оширади яъни товар жозибадорлигини кучайтиради.

Республикада етиштирилаётган қоракўл териларни қайта ишлаш, ошлаш ва улардан жозибодор, бозор ва экспортбоп буюмлар тайёрлашнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли дастлабки консервалаш билан якунланмоқда холос. Шу вақтгача қоракўл териларни ошлашни амалга ошириб келган мамлакатда ягона бўлган “Бухоро қоракўл“ акциядорлик жамияти 1991 йилда 1073,1 минг дона терини ошлаган бўлса, 2001 йилга келиб атиги 168,1 минг дона терини ошлаган. Бугунги кунда эса замон талабларига жавоб бермаганлиги туфайли ўз фаолиятини бутунлай тўхтатган. Ҳозирда қоракўл териларни ошлаш ва тайёр ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бир неча ўнлаб, кам қувватга эга бўлган кичик корхоналар шуғулланишмоқда. Кичик корхоналарнинг фаолиятлари таҳлили кўрсатдики, бир дона ошланган қоракўл терини ўртacha 11-12 доллардан четга сотишмоқда, “Бухоро қоракўл“ заводи эса 2000 йилларда 8-10 доллар сотган. Ошланган тери дастлабки консерваланган терига нисбатан 1,7-1,8 марта, буюмга айлантирилгани эса 3,0 баробардан кўп корхонага даромад келтирмоқда. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, чўл-яйлов чорвачилиги кичик комплексининг истиқболда барқарор ривожланишини таъминлаш бевосита ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини вужудга келтиришга ва ўзаро кооперациялашувини ва интеграциялашувини шакллантириш ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий механизмларни бозор талабларига мувофик ишлаб чиқиш ва жорий этишга боғлиқ.

Қоракўл қўйининг яна бир маҳсулоти сут ҳисобланади. Қўй сути қадимдан халқмизнинг қимматли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган оқсили, ёғ, шакар ва бошқа минераллар, витаминалар мажуд.

Қўй сути таркибидаги жами қуруқ моддалар миқдори 20 фоизни ташкил этиб, унинг нордонлиги сигир сутига нисбатан анча юқори - 20-25°Тни ташкил этади. Ҳозирги вақтда қўй сути бутун дунё миқёсида кенг кўламда ишлатилади ва унинг миқдори йилига 7-8 млн. тоннани ташкил этмоқда.

Республикада қўй сути ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Қоракўлчиликда 40-50 % туғилган қўзилар қоракўл тери учун 1-3 кунлик ҳолатида сўйилади. Қўзиси сўйилган қўйларни лактация муддатида, яъни ўртacha 2-3 ой соғиш натижасида ҳар бир қўйдан ўртacha 30-50 килограммдан юқори сифатли қўй сути олиш имконини беради. Ҳар бир қўйдан кунига ўртacha 400-500 грамм сут соғиб олиш ва уларга қайта ишлов бериш туфайли сифатли сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин.

Қўй сути республикамиз миқёсида етарлича фойдаланилмаётган ресурслардан бири ҳисобланади. Бу ресурслардан фойдаланилмасликнинг сабаблари қилиб қуидагиларни қайд этиш мумкин: яйлов шароитидаги отарларда қоракўл қўйларини соғиш ва сутга бирламчи ишлов бериш бўйича етарли илмий-тадқиқот ишлари ва тавсияномаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, қоракўл қўйларини соғиш учун мос техника воситаларининг мавжуд эмаслиги, қоракўл қўйларини соғишдаги табиий қийинчиликлар, яъни уларнинг соғишга мослашмаганлиги, соғиш вақтида ушлаб туришдаги ўзига хос қийинчиликлар ва кўп меҳнат сарфи, қоракўлчилик отарларидағи моддий техника воситаларининг етарлича эмаслиги, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ва соғиладиган қўйларни қўшимча озиқлантириш, ферма ва отарларда кичик технология асосида сутни қайта ишловчи имкониятларнинг мавжуд эмаслигидир.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қўй сутини соғиб олиш учун зарур бўлган шароитларни яратиш мумкин. Ҳозирда қўйларни соғиш аппаратлари, соғилган сутни қайта ишлашнинг замоновий технологиялари, сут ва сут маҳсулотларини ташишга мослашган маҳсус транспорт воситалари мавжуд.

Россия ФРда бир станокли қўй соғиши аппарати яратилган. Удан фойдаланиш соғиши жараёнини жуда енгилаштиради ва соғлаётган сутнинг ҳар хил бактериялар билан ифлосланишининг олидини олиб, маҳсулот сифати пасайишига йўл қўйилмайди. Бу машинада 40-50 бош совликни бир соатда соғиб олиш мумкин. Қўйларни машинада соғиши тизимидан барча хўжаликлар, хусусан фермер ва дехкон хўжаликлари юқори самара билан фойдаланишлари мумкин.

Ҳозирги кунда 1,1-1,2 млн. бош қўзилари қоракўл терига сўйилган она марри қўйлар мавжуд бўлиб, улардан йилига 55-60 минг тонна қўй сути соғиб олиш ва қайта ишлаб юқори сифатли қимматбаҳо сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Лекин, озиқ-овқат муаммоси дунёда, жумладан, республикамиизда ҳам долзориб бўлиб турган бир вақтда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш йўлга қўйилмаганлиги сабабли чўл-яйлов чорвачилик худудларида, марри қўйларни соғишидан воз кечилмоқда ва катта микдордаги шифобахиш қўй сути маҳсулотлари истеъмолчига етказиб берилмаслиги оқибатида хўжаликлар олиши мумкин бўлган йирик микдордаги даромаддан маҳрум бўлишмоқда.

Такидлаш ўринлики, чўл-яйлов чорвачилиги худудларида қўй сути билан биргаликда биологик ва истеъмол хусусияти бўйича бетакрор от, тую ва эчки сутларини ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам мавжуд. Аммо, бу ресурслардан ҳам деярли фойдаланилмаяпти. Кузатишлар натижасида аниқландики, Навоий вилоятида 1л. тую сути 50-60 минг сўмга, Бухорода 70-75 минг сўмга сотилмоқда. Демак, чўл-яйлов чорвачилигига сут етиштиришни замоновий технологиялар асосида йўлга қўйиш, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё, аҳолини қимматбаҳо озиқ-овқат билан таъминланиш дарижасини оширади ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун йирик молиявий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қоракўл қўйлари териси пўстин-мўйна ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун муҳим хом ашё манбаи бўлиб хизмат қилишига

қарамасдан етарли даражада фойдаланилмасдан келинаётган соҳа ресурсларидан яна бири ҳисобланади.

Қўй териси қоракўлчиликда қўшимча маҳсулот ҳисбланганлиги ҳамда териларни хом ашё сифатида хорижга чиқариш чекланиб қўйилганлиги сабабли уларнинг сифатига жуда кам эътибор берилади.

Республикада ҳар йили барча тофадаги хўжаликлар томонидан 12,0 млн. дона тери хом ашёси олиниб, унинг 7,5 млн. дона майда ва 4,5 млн. дона йирик шохли мол терисидир. Қоракўлчилик хўжаликларида эса 1,7-1,8 дона майда шохли моллар териси етиширилмоқда. Аммо, Ўзбекистонда чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари тайёрлаш 11,8 марта кўпайган бўлса-да, териларни қайта ишлаш 30,0 фоиздан ошмаяпти. Республикада мол териларни қайта ишловчи корхонлар етишмаслиги, терини хом ашё сифатида хорижга сотиш чекалниб қўйилганлиги сабабли ишлаб чиқарилган териларнинг бир қисмига харидор топилмаяпти.

Навоий “Қоракўл” уюшмаси тизимидағи хўжаликларда 73711 дона мавжуд териларнинг 46882 донаси тайёрлов ташкилотларига сотилган, 5787 донаси бартер қилинган, 1215 донаси хўжалик аъзоларига иссиқ овқат учун берилган, 7632 донаси меҳнат ҳақи сифатида тўланган, қолган 12195 донаси сотилмасдан қолган. Умуман олганда 40 фоизга яқин ишлаб чиқилган мол териларига харидор топилмаган. Бундан 8-10 йил олдин бир дона қоракўл қўйи териси 35-50 минг сўмдан хорижга экспорт қилувчилар томонидан сотиб олинган бўлса, бугунги кунда хўжаликлар донасини 4000-5000 сўмдан харидори топилсагина сотишга мажбур бўлишмоқда.

Айрим тадбиркорлар ва кичик корхоналар қўй терисидан пўстин ишлаб чиқариб, четга 200-250 доллардан ва ички бозорда эса 2,0-2,2 минг сўмга сотишмоқда. Демак, қўй ва бошқа мол терилари замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб тайёр маҳсулотга айлантириб сотилиши ишлаб чиқарувчилар учун йирик молиявий манба бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

П-БОБ. ЧҮЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ ҚУЙИ МАЖМУАСИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Чүл-яйлов чорвачилиги қуий мажмуаси инфратузилмаси ва уни ривожлантириш

Агросаноатда ишлаб чиқаришнинг пировад натижаси бевосита қишлоқ хўжалигининг ривожланиши даражасигагина эмас, балки унга хизмат қилувчи тармоқларнинг ривожланиши даражасига ҳам боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ҳажмининг кўпайиши билан бирга моддий-техника ресурслари, зарур хом ашёлар, ёрдамчи материаллар ва бошқалардан фойдаланиш миқдори ўсиб боради. Хўжаликларнинг электро-энергияга, транспортга, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш учун омборлар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжи ортади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник-таъмирлаш хизматига, моддий-техника таъминоти ташкилотига, муҳандислик, зооветеринария, наслчилик, агрокимё хизмати ва бошқа хизматларга боғлиқлиги ўсади. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг зарур миқдорини олишга мослашган тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш билан бир қаторда маҳсулотдан самарали фойдаланишни таъминловчи ва уни истеъмолчига етказиб берувчи ташкилотларни ривожлантириш ҳам муҳимдир. Аммо, чўл-яйлов чорвачилиги ҳудудларида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси эмас ҳатто ижтимоий инфратузилмаси ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан анча паст даражада ривожланган.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг даражаси ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртacha 70-80 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич мамлакатимизда 55 фоиздан ошмайди. Мамлакат аҳолисининг ярмидан қўпи қишлоқ жойларда истиқомат қилишига қарамай, бу ерда хизмат кўрсатиш ҳажми охирги йилда 25-27 фоиздан ошмади. Такидлаш ўринлики, қишлоқ аҳолиси ва корхоналарнинг таъминот даражаси шаҳарникига нисбатан анча паст. Қоракўлчилик тармоғи жойлашган ҳудудларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан

таъминот даражаси 10-15 марта паст. Буни озиқ-овқат, пуллик ва майший хизмат, электр энергияси, газ, сув таъминоти, моддий-техникавий таъминот, корхоналарнинг асосий фонdlар билан таъминланганлик даражасида яққол кўриш мумкин. Мамлакат қишлоқ хўжалик тармоқлари ичида таъминланганлик даражаси бўйича қоракўлчилик тармоғи энг охирги ўринда туради. Чўл-яйлов худудлари таъминоти бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш мақсадга мувофиқдир.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари технологик ва энергетик жиҳатдан кам таъминланган, уларда ўзаро ва қайта ишловчи корхоналар ҳамда савдо ташкилотлари билан иқтисодий муносабатларнинг пастлиги, инвестициянинг ва хом ашёни қайта ишловчи мутахассисларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Ҳозирда уларнинг яшаш эҳтиёjlари учун ҳаётий зарур бўлган таъминот даражаси атига 60-70 фоиз қондирилмоқда холос, бунда тиббий, майший, маданий ва бошқа ижтимоий таъминотларнинг кескин камлиги аниқланди. Чўл-яйлов чорвачилиги жойлашган худудларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат билан бандлик даражаси 65 фоиздан ошмаяпти.

Барча товарлар бўйича аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси шаҳарларда 2844,1 минг сўм, қишлоқ жойларда эса атига 901,7 минг сўмни, шу жумладан, мос равища озиқ-овқат 1333,9 ва 427,4, нозик-овқат маҳсулотлари 1510,2 ва 474,3 минг сўмни ташкил қилган ёки товар айланмаси қишлоқ жойларда 3 баробардан ҳам паст.

Қорақолпоғистон Республикаси шаҳарларида барча товарлар бўйича аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси республика ўртacha кўрсаткичидан 38,1 %, Қашқадарё вилояти туманларида 17 %, Жиззах вилояти туманларида 15,3 % ва Самарқанд вилояти туманларида 14,1 % кам. Аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси Қорақолпоғистон Республикаси қишлоқ жойларида барча товарлар бўйича республиканинг ўртacha кўрсаткичидан 43,4 %, Хоразм вилоятиники 18,8 %, Сурхондарё вилоятиники 17,5 %, Қашқадарё вилоятиники 15,5 %, Самарқанд вилоятиники 15,6 %, Сирдарё вилоятиники 15,4 % га паст. Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича аҳоли жон бошига чакана

товар айланмаси Қорақолпоғистон Республикаси қишлоқ жойларида республика ўртача кўрсаткичидан 186,0 минг сўм, ноозик-овқат маҳсулотлари бўйича эса 205,8 минг сўмга Хоразм, Суҳондарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида мос равишда 80,3 ва 89,1, 74,7 ва 82,9, 66,5 ва 73,8, 65,8 ва 73,1 сўмга кам.

Демак, аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси қишлоқ жойларда фақат шаҳарларга нисбатан паст бўлибгина қолмасдан вилоятлар бўйича ҳам кескин фарқ қилиб, бир қатор вилоятларда республика қишлоқ жойларининг ўртача кўрсаткичларидан ҳам сезилари даражада кам.

Республикада аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш 275,1 минг сўмдан 728,0 минг сўмга етган ёки 2,6 баробарга кўпайган. Шу билан биргаликда аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш ҳудудлари бўйича кескин фарқ қилиб, деярли иккига teng. Сирдарё вилоятида 390,2 минг сўм, Сурхондарё вилоятида 410,3, Жиззах вилоятида 423,7, Қашқадарё вилоятида 442,7, Қорақолпоғистон Республикаси 501,4, Наманган вилоятида 523,5, Хоразм вилоятида 571,8, Форғона вилояти 613,7, Самарқанд вилояти 629,9, Бухоро вилояти 707,1 минг сўмни ташкил этиб, республика ўртача кўрсаткичидан мос равишда 46,4%, 43,6, 41,8, 39,2, 31,1, 28,1, 21,5, 15,7, 13,5, 2,9 фоизга кам.

Пуллик хизмат кўрсатиш турлари ҳажмида ҳам ҳудудлар бўйича катта фарқ мавжудлиги кузатилмоқда. Маиший хизмат ҳажми Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига 17,2 %, Самарқанд вилоятида 15,8 %, Навоий вилоятида 15,8 %, Қорақолпоғистон Республикасида 6,1 фоиз юқори бўлса, аксинча, Сурхондарё вилоятида 23,4 минг сўмни, Қашқадарё вилоятида 50,2, Жиззах вилоятида 59,3, Бухоро вилоятида 60,8 минг сўмни ташкил қилиб, республика ўртача кўрсаткичидан тегишли равишда 77,0 %, 29,2, 16,4, 14,2 фоизга кам. Транспорт хизмати бўйича Сирдарё вилояти 82,3 %, Сурхондарё вилояти 74,6, Қашқадарё вилояти 72,4, Жиззах вилояти 70,2, Қорақолпоғистон Республикаси 62,2, Бухоро вилояти 36,0 фоизга паст. Алоқа хизмати бўйича Сурхондарё вилояти 26,5, Қашқадарё вилояти 25,7, Самарқанд вилояти 20,0, Жиззах вилояти

17,7 фоизга, республика ўртача кўрсаткичидан кам. Уй-жой-коммунал хўжалик хизмати бўйича Сурхондарё вилояти 56,9, Қашқадарё вилояти 47,5, Жиззах вилояти 35,7, Самарқанд вилояти 25,9, фоизга республика ўртача кўрсаткичидан паст. Деярли шундай ҳолат маданий, сайёхлик-экскурсия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда санатория-курорт ва соғламлаштириш хизматлари бўйича ҳам кузатилмоқда.

5-жадвал

Республикада аҳолига майший хизмат кўрсатиш ва унинг динамикаси (сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2014 й. 2010 й-га нисбатан, %
	2010	2011	2012	2013	2014	
Аҳоли жон бошига майший хизмат кўрсатиш ҳажми	21857,0	30746,1	36927,0	56333,2	70940,9	324,6
шу жумладан:						
Шаҳарда	24823,3	36207,7	40520,2	58938,8	74790,5	301,3
қишлоқ жойларда	18304,2	24778,0	32897,4	53238,7	66478,4	363,2
Қишлоқ жойлар шаҳарга нисбатан, %	73,7	68,4	81,2	90,3	88,9	15,2 банд

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда майший хизматнинг ўрни бекиёс. Бошқа хизмат турлари каби республика аҳолисига майший хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аҳоли жон бошига майший хизмат кўрсатиш ҳажми 21,9 минг сўмдан 70,9 минг сўмгacha ёки деярли 3,25 баровар кўпайган. Шаҳар аҳолисига майший хизмат кўрсатиш таҳлил қилинаётган даврда 24,8 минг сўмдан 74,8 минг сўмгacha, қишлоқ аҳолисиники эса 18,3 минг сўмдан 66,5 минг сўмгacha ёки мос равища 3,0 ва 3,6

мартага ошган. Шу даврда қишлоқ жойларда майший хизмат кўрсатиш салмоғи шаҳарга нисбатан 73,7 фоиздан 88,9 фоизгача ошган. Аммо, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш деярли 4 баробарга кўпайган бўлса-да, шаҳар аҳолисига нисбатан 8,3 минг сўм ёки 11,1 фоизга кам. Республика ҳудудлари бу кўрсаткич бўйича бир-биридан кескин фарқ қиласи. Аҳоли жон бошига майший хизмат кўрсатиш Сирдарё вилоятида 23,2 минг сўмни, Қашқадарё вилоятида 49,7, Хоразм вилоятида 53,5, Жizzах вилоятида 58,7, Бухоро вилоятида 60,3 минг сўмни ташкил этган ёки республиканинг ўртacha кўрсаткичидан тегишли равишда 67,3 фоизга, 29,9, 24,5, 17,2, 15,0 фоизга паст. Республика шаҳарлари бўйича эса бу кўрсаткичнинг фарқи 5 мартадан, қишлоқ жойларида эса 8 баробардан ортиқ. Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларида аҳоли жон бошига майший хизмат кўрсатиш 10,3 минг сўмга, Сирдарё вилоятида 17,0, Тошкент вилоятида 22,9, Жizzах вилоятида 32,8, Бухоро вилоятида 41,2, Фарғона вилоятида 61,2 минг сўмга тенг ёки республика ўртacha кўрсаткичидан мос равишда 84,5 фоиз, 74,4, 65,6, 50,7, 38,0,0 8,0 фоизга кам.

Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларида аҳолига майший хизмат кўрсатиш шаҳар аҳолисига майший хизмат кўрсатишнинг атиги 10,9 фоизини, Тошкент вилоятида 17,5, Жizzах вилоятида 37,1, Бухоро вилоятида 50,1, Сидарё вилоятида 56,1, Фарғона вилоятида 66,7, Навоий вилоятида 70, фоизни ташкил этган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, чўл-яйлов ҳудудлари аҳолисига республиканинг қишлоқ туманларига нисбатан ҳам 30-40 фоиз кам ҳажмда хизмат кўрсатилмоқда.

6-жадвал

**Республика ҳудудлари бўйича аҳолига майший хизмат
кўрсатиш ҳажми**

Ҳудудлар	Аҳоли жон бошига, минг сўм			
	Жами	шу жумладан:		
		шаҳар жойларда	қишлоқ жойларда	Қишлоқ шаҳарга нисбатан, %
Ўз.Республикаси	70,9	74,8	66,5	88,9
Қорақолпоғистон Республикаси	74,7	65,1	82,9	127,3
Андижон	76,1	46,0	102,5	222,8
Бухоро	60,3	82,1	41,2	50,1
Жиззах	58,7	88,3	32,8	37,1
Қашқадарё	49,7	94,7	10,3	10,9
Навоий	81,5	96,7	68,3	70,6
Наманган	65,9	46,9	82,6	176,1
Самарқанд	81,3	80,8	81,7	101,1
Сурхондарё	82,2	18,2	138,2	759,3
Сирдарё	23,2	30,3	17,0	56,1
Тошкент	73,4	131,2	22,9	17,5
Фарғона	75,4	91,7	61,2	66,7
Хоразм	53,5	31,1	73,0	234,7
Тошкент ш.	88,1	88,1	-	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

7-жадвал

**Навоий ва Самарқанд вилоятларида чакана товар айланмаси
ва майший хизмат кўрсатиш ҳажми**

Худудлар номи	Аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси				Аҳоли жон бошига майший хизмат кўрсатиш			
	Минг сўм	Вилоятга нисбатан, %	Шахарга нисбатан, %	Туманлар ўртачасига нисбатан, %	Минг сўм	Вилоятга нисбатан, %	Шахрига нисбатан, %	Туманлар ўртачасига нисбатан, %
Навоий вилояти	3260,8							
Навоий ш.	7459,9	100						
Вилоят туманлари бўйича ўртача	2442,1	74,9	228,8	32,7	43,7	56,1	133,5	47,9
Нурота коракўлчилик тумани	1370,1	42,0						
Самарқанд вилояти	1712,5	100						
Самарқанд ш.	3574,3	208,7	47,9	18,4	60,7	72,2	419,3	81,4
Вилоят туманлари бўйича ўртача	1377,7	80,5	259,4	124,3	67,6	162,1	302,7	58,8
Нуробод коракўлчилик тумани	57,7							
	987,5							

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида

7-жадвалдан кўринадики, қоракўлчиликка ихтисослашган Нурота туманида аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси Навоий шаҳри кўрсаткичининг 18,4 фоизини, Навоий вилояти ўртачасиникининг 42,0, Навоий вилояти туманлари ўртачасиникининг 56,1 фоизини ва аҳоли жон бошига майший хазмат кўрсатиш мос равища 37,4, 72,3, 89,8 фоизини ташкил этган холос.

Шунингдек, қоракўлчиликка ихтисослашган Нуробод туманида аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси Самарқанд шаҳри кўрсаткичининг 27,6 фоизини, Самарқанд вилояти ўртачасиникининг 57,7, Самарқанд вилояти туманлари ўртачасиникининг 71,7 фоизини ва аҳоли жон бошига майший хазмат кўрсатиш мос равища 11,4, 47,9, 58,8 фоизини ташкил қиласди холос.

Алоҳида такидлаш ўринлики, хизмат кўрсатилиш ҳажми бўйича ҳам чўл-яйлов худудлари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Масалан, Самарқанд вилояти Нуробод туманида аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси 987,5 минг сўмни ташкил қилиб, Навоий вилояти Нурота туманидан 382,6 минг сўмга ва аҳоли жон бошига майший хазмат кўрсатиш эса мос равища 34,6, 26,1 минг сўмга ёки 27,9 ва 43,0 фоизга кам.

Чўл-яйлов худудлари аҳолисини хаётий зарур товарлар билан таъминлашни тубдан яхшилаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кескин ривожлантириш асосида худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш кун тартибида турган муҳим масалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, чўл-яйлов чорвачилиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатиш ҳам бугунги кун талаблари даражасида эмас.

8-жадвал

**“Навоий қоракўл” бирлашмаси тизимидағи ширкат
хўжаликларида мавжуд асосий воситалар ҳолати(минг сўм)**

Т/Н	Асосий восита турлари	Йиллар					
		2013		2014		2015	
		Асосий воситалар Эскриши	Даражаси. %	Асосий воситалар Эскриши	Даражаси. %	Асосий воситалар Эскриши	Даражаси. %
1.	Бино	4066100					
2.	Иншоат	2728271					
3.	Узатиш мосламалари	339454					
4.	Машина ва ускуналар	1609164	144928	672878	1836149		
5.	Транспорт воситалари	1512070	652131	42,7	45,2		
	Жами асосий воситалар	82962420	4510273	837876	5,4	55,4	40,5
		1576752	81490659	940596	5,9	59,7	42,3
		1625549	1629966	687250	47,3	28,3	42,7
		151332	731162	9420964	116390728	1300410	1608498
		2582561	4607626	940596	5,9	59,7	42,3
		1965360		687250	5,9	59,7	42,3
				1625549	5,4	55,4	40,5
				1576752	5,9	59,7	42,3
				1609164	5,9	59,7	42,3
				1512070	5,9	59,7	42,3
				82962420	5,9	59,7	42,3

Манба: “Навоий қоракўл” бирлашмаси маълумотлари асосида.

8-жадвалдан кўринадики, ишлаб чиқариш бинолари 44,5 фоизга, иншоатлар 34,9, узатиш мосламалари 48,0, машина ва ускуналар 35,8

ва транспорт воситалари 64,8 фоизга эскирган. Бу асосий воситалар жисмоний эскирган бўлиши билан биргаликда замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермаганлиги сабабли ишлаб чиқриш самарадорлиги пастлигича қолмокда.

Маълумки, яйлов қораўл кўйларининг асосий озуқа базаси ҳисобланади. Аммо, яйловлар деградацияси йилдан-йилга кучайиб бормокда. Яйловларнинг инкрозга учраши оқибатида уларнинг йиллик ҳосилдорлик кўрсаткичлари кейинги йилларда 2,4 ц/га. дан 1,84 ц/га, яъни 21 фоизга пасайган. Ҳосилдорликнинг пасайиши Қорақалпоғистон Республикаси яйловларида-27%, Бухоро вилоятида-18,5, Жиззах вилоятида-16,9, Навоий вилоятида-26,5, Самарқанд вилоятида-10,9 ва Қашқадарё вилоятида-6,2%-ни ташкил қиласди. Ҳозирги кунда чўл яйловларига комплекс баҳо берадиган бўлсак, уларнинг 58% ини яхши яйловлар, 17 %ини ўрта яйловлар, 10 % ини қониқарли ва 12% ини яроқсиз яйловлар тоифасига киритиш мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра, тоғ олди ярим чўл худудида 40,0 минг тонна, гипсли чўлда 90,7 ва кумли чўл худудида 59,4, жами 190,1 минг тонна яйлов озуқаси танқислиги мавжуд.

Яйловлар инкрозини юзага келтирувчи энг асосий омил – яйловлар ханузгача ўз эгасини топмаганлиги натижасида улардан узлуксиз ва палапартиш фойдаланиш бўлиб, рационал фойдаланиш ва мавсумий фойдаланиш тизимига тўсқинлик қилувчи муҳим омил – уларнинг сув таъминотидаги узилишидир. Аксарият сув манбалари (шахтали қудуклар ва скважиналар) ҳамда чўпон уйлари, очик ва ёпик кўралардир, улар бундан 50-60 йил олдин ишга туширилган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг қўпчилиги таъмирлашга муҳтож ёки умуман ишдан чиқсан. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан келиб чиқадиган бўлсак, яйловларни, қудукларни, чўпон уйлари, очик ва ёпик кўралар ҳамда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи озуқа тайёрлаш жараёнини ва цехларини, зооветеринария, сунъий уруғлантириш ва қўзиларни қоракўл тери учун сўйиш, жун қирқиши, пунктларини машина-трактор паркларини, машина ва механизимларни таъмирлаш устахоналарини ва бошқа обьектларини модеринизациялаш зарур.

Республика «Коракўлчилик» уюшмаси тизимидағи коракўлчилик хўжаликларида мавжуд чорва бинолари тўлиқ, шахтали кудукларнинг 450 таси ёки 20,0 фоизи, скважиналарнинг 247 таси ёки деярли 34,0 фоизи таъмир талаб ҳисобланади.

Навоий вилоят “Коракўлчилик” уюшмаси тизимидағи хўжаликларида маданий маший ва коммунал хўжалигида хизмат килувчи ходимлар олдинги йилларда 5 кишини ташкил этган. Кейинги йилларда эса бу турдаги хизматларга барҳам берилган. Умумий овқатланиш ва савдо хизмати билан 2 киши шуғулланмоқда. Хўжалик ичida қурилишда шуғулланувчилар таҳлил қилинаётган даврда 61 кишидан 45 кишигача ёки 26,2 фоизга камайган. Иморат иншоотларни таъмиrlаш амалга оширилмаган ва болалар боғчаси фаолият кўрсатмаган.

Ўрганилаётган даврда хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 2,5 фоиздан 1,9 фоизгача ёки 0,6 бандга, меҳнат ҳақи ва одам соат бўйича эса тегишли равишда 2,3, 1,7, 0,6 ва 2,1, 1,7, 0,4 камайган.

9-жадвал

“Навоий қоракўл” бирлашмаси тизимидағи ширкат хўжаликларида меҳнат сарфи ва унинг таркиби

Т/Н	Тармоклар	Йиллар					
		2013		2014		2015	
		Минг одам соат	Жамига нисбатн, %	Минг одам соат	Жамига нисбатн, %	Минг одам соат	Жамига нисбатн, %
1.	Ўсимчилик	605	9,9	563,6	10,5	586,3	10,9
2.	Чорвачилик	4525	72,4	3851,8	71,6	3857,8	71,9
3.	Тамирлаш устахонаси техника ва куроллар, электр таъминоти ва сув таъминоти	224,5	3,6	173,8	3,2	128,3	2,4
4.	Кўрсатилган	133,8	2,1	83,6	1,6	84,4	1,6

	хизмат, курилиш						
5.	Кўп йиллик кў- чатлар ўтқазиш, ўстириш ва хизматлар	-	-	-	-	-	-
6.	Маҳсулот сотиши харажатлари ва жорий харажатлар	-	-	-	-	-	-
7.	Умумхўжалик харажати	679	10,9	689,3	12,8	688,3	12,8
8.	Тарнспорт харажати	19	0,3	19	0,3	19	0,4
9.	Жами	6247,9	100	5381,1	100	5364,1	100

Манба: “Навоий қоракўл” бирлашмаси маълумотлари асосида.

Меҳнат сарфи таҳлили кўринадики, ўрганилаётган даврда таъмирлаш хизмтларига 224,5 минг одам соатдан 128,3 минг одам соатгача, кўрсатилган хизматларга эса 133,8 минг соатдан 84,4 минг соатгача ёки мос равишда 42,9 ва 36,9 фоизга меҳнат сарфи камайган. Шу даврда транспорт хизматлари учун сарфланган меҳнат микдори ўзгаришсиз қолган, умумхўжалик хизматлари 679 минг одам соатдан 688,3 минг одам соатгача ёки 1,4 фоизга кўпайган холос.

Сарфланган меҳнатнинг 10,9 фоизи ўсимликчилик, 71,9 фоизи чорвачилик, 2,4 фоизи таъмирлаш, 1,6 фоизи кўрсатилган хизмат, 12,8 фоизи умумхўжалик хизматлари ва 0,4 фоизи транспорт хизматлари ҳиссасига тўғри келган.

Демак, хозирги кунда чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси тизимидағи ишлаб чиқаришда иштирок этаётган кишилар 80-83 фоизни, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи, маҳсулотни қайта ишловчи, савдо ва таъминот вазифасини бажарувчи кишилар 17-20 фоизни ташкил этади. Қуи мажмуада бу кўрсаткични босқичма-

босқич, тегишли равишда 70:30; 60:40; 50:50; 40:60; 30:70 даражага етказиш шарт.

Қоракўлчилик ишлаб чиқарилишига хизмат кўрсатишнинг ўта муҳим турларидан бири унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Маълумки, қоракўл қўйлари йил давомида яйловдан озукланишга мослашган (қишининг қорли-қировли қунларидан ташқари) чорва молларининг ўзига хос зоти ҳисобланади ва эҳтиёжи учун зарур бўлган озуқанинг 85-90 фоизи ҳатто кўпрогини ҳам табиий яйловлар ҳисобидан қондириш хусусияти маҳсулотларни арzon ишлаб чиқаришнинг ўта муҳим омилларидан бирдир. Аммо, ўтказилган таҳлилар натижасида аниқландик, яйловларнинг катта қисми деградацияланганлиги ва сув манбалари билан етарли даражада таъминланмаганлиги ҳамда ҳосилдорлик йилнинг келишига бевосита боғлиқлиги сабабли қоракўл қўйларининг яйлов озуқаси билан таъминланиш даражаси атиги 50-55 фоизни ташкил қилмоқда, бир қатор хўжаликларда эса 25-30 фоиздан ошмаяпти. Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Ўзбекистон” хўжалигига бир отарга (500 бosh қўйга) 314 га. яйлов тўғри келмоқда.

Бир бosh қўй яйловдан 800,0 кг. ўрнига 188,4 кг озуқа олмоқда ёки яйлов озуқаси танқислиги 611,6 кг., 500 бosh қўйга эса 3058 центнерни ташкил қиласи. Хўжаликлар етишмаган озуқани суғориладиган майдонларда етиштирилган пичан ва бошқа турдаги хашак ҳамда омухта емларни сотиб олиш ҳисобига қопламоқда. Бундан ташқари хўжаликлар ҳар йили дағал хашак жамғариш, сақлаш, майдалаш ва қайта тайёрлаш ҳамда охурларга сепиб чиқиш учун катта микдорда моддий ва меҳнат ресурсларини сафарбар қилишга мажбур бўлишмоқда. Мисол учун 2015 йилда “Ўзбеккоракўли” компанияси тизимидағи қоракўлчилик ширкат хўжаликлар 1661089 бosh шартли қўйларга 249165 тонна дағал-хашак жамғариши учун 293 та бригада ташкил қилишни, 2685 кишини ва 775 дона техника воситаларини жалб қилишни режалаштирган. Булар эса ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетишига олиб келиб, соҳа самарадорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Чўл-яйлов чорвачилиги хусусан қоракўлчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган инновацион технологияни кенг миқёсда жорий этиш – қоракўл қўйларининг озуқага бўлган талабини тўлиқ қондирилиши ҳисобига четдан дағал хашак ва омухта ем сотиб олиш ҳамда хашак жамғариш ва уни қайта тайёрлаш учун сарфланаётган харажатларни минимал даражагача камайтиради ёки деярли бутунлай бартараф қилиш имконини беради. Таклиф қилнаётган инновацион технология бўйича отарда табиий ёғин-сочин ҳисобига 150 га кўп компонентли, юқори ҳосилли (25 ц/га) яйлов агрофитоценози яратилса, агрофитоценозлардан 374 тонна, қолган 164 га табиий яйловдаги 49 тонна, жами бўлиб 423 тонна яйлов озуқасини олиш мумкин бўлади. Демак, бу ҳолда ҳайвонларни яйлов озуқаси билан таъминланиш даражаси 105,7 % га етади. Бу эса ўз навбатида нафакат қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни, қайта ишлашни, сотишни ҳам бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, тубдан янги замонавий технологиялар асосида ташкил этишга имконият яратиб бериши мумкин.

Қоракўлчиликда она қўйларни сунъий қочириш жараёнини илмий асосда ташкил этиш ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади. Республикада 6,0 млн. бош қоракўл қўйлар мавжуд бўлиб, шу жумладан 3,4-3,5 млн. боши дехқон хўжаликларида, 1,2 млн. боши фермер хўжаликларида ва 1,3 млн. боши қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида парваришиланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи хўжаликларида боқилаётган 680,0 минг бош она қўйлардан 520-525 минг боши ёки 77,0 фоизи сунъий қочирилмоқда холос. Дехқон ва фермер хўжаликларининг 2,2-2,3 млн. бош она қўйлар эркин яъни куйикиш даврида қўчкорларни қўшиб қўйиш йўли билан амалга оширилмоқда. Она қўйларни эркин уруғлантириш қўчкорлар бош сонини 3-4 март кўпайиш ҳисобига уларни парваришиш харажатларининг ошишига олиб келиши баробарида олинадиган маҳсулот сифатининг кескин пасайишига ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун она қўйларни сунъий

уруглантиришни хам илғор технологиялар асосида такомиллаштириш ва мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.

Құзиларни 2-3 кунлигіда қоракूл тери учун сўйиш ва дастлабки қайта ишлаш мұхим технологик жараёнлардан бири ҳисобланиб, юқори сифатли қоракूл терилар тайёрлашда аҳамияти бекіёс. 2020 йил республикада 1152,1 минг дона қоракूл тери ишлаб чиқарылған. Шу жумладан, 82,1 минг донаси қишлоқ хұжалиги корхоналарида, 966,2 минг донасини дәхқон хұжаликларида ва 82,1 минг донаси фермер хұжаликларида етиштирилған. Мавжуд құзиларни сўйиш ва танадан терини арчиб олишнинг механизациялашган конвейер жиҳозлари ва улар жойлаштирилған бинолар эскирганлиги туфайли фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолған. Шу ва бошқа сабабларга кўра құзиларни сўйиш, қоракूл терини қўзи танасидан арчиб олиш ва бирламчи ишлов бериш хұжаликларда маҳсус малакага эга бўлмаган, ёлланған ишчилар ёки чўпонлар томонидан қўл меҳнати орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида құзиларни сўйиш ва дастлабки ишлов бериш, омборда сақлаш жараёнларидан терига етказиладиган нұқсонларнинг кўпайишига ва сифатининг пасайиш ҳатто яроқсиз маҳсулот бўлиб қолишига сабаб бўлмокда. Бундай ҳолатларга мавжуд замановий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда маҳсус ихтисослашган доимий ва кўчма қоракूл құзиларни сўйиш пунктлари ва маҳсус жиҳозланган омборларни ташкил этиш йўли билан барҳам бериш мумкин.

Құзиларни қоракूл тери учун сўйиш, қўйлар жунини қирқиб олиш ва жунга дастлабки ишлов бериб тойлаш хам марказлышган ва механизациялашган маҳсус пунктларда бажарилар эди. Аммо, жун қирқиши пунктлари, жунни сақлаш омбор бинолари ва улардаги машина ва механизмларнинг ишлатишга яроқсиз ҳолга келиб қолиши ҳамда янгиланмаганлиги оқибатида қўйлар жунини қирқиб олиш ҳам қўл меҳнати асосида молларга маъсул шахслар томонидан бажарилмоқда. Демак, қўйлар жунини қирқиши ва дастлабки ишлов беришни хам илғор технологияларни қўллаган ҳолда қайта ташкил этишда лозим.

Қишлоқ хўжалигида турли мулк шаклларига асосланган хўжаликларнинг кўпайиши билан уларга хизмат кўрсатадиган турли хизмат кўрсатувчи яъни ММТП, СФУ, Минибанклар, ЁММ сотиш шохобчалари, Минерал ўғитлар сотиш шахобчаси, Ахборот таъминот ва консалтинг марказлари, зооветерания, молларни сунъий ўрчитиш, омухта ем сотиш пунктларининг, ветеренария дорихоналарининг, ишлаб чиқилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг сони ортаётир.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида агросервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг тутган ўрни ҳам муҳим. Чоп этилган маълумотларга кўра, республикамиз қишлоқ хўжалигида сифатли хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун бугунги кунда республика бўйича 1404 та минибанк, 1720 та муқобил МТП, 1711 та СИУ, 917 та агрокимё ва минерал ўғит, 1377 та ЁММ сотиш ва 424 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шохобчалари, 2540 та зооветеринария ва наслчилик хизмати, 301 та ахборот таъминоти ва консалтинг, 82 та транспорт, 78 та тара идиш таъминлаш хизматлари шохобчалари ҳамда 267 та агрофирма ташкил этилган. Аммо, жойлардаги ҳолатни ўрганиш кўрсатдики, сервесь хизмати миқдори ва сифати талабларга жавоб бермайди. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўтказилган анкета сўровлари якуни кўрсатиб турибдикি, техникавий хизматларга бўлган талабнинг қондирилиши бўйича берилган саволга сўралганларнинг 18,4 % и “ҳа” деб, 69,3 % и “йўқ”, деб жавоб берганлар, 12,3% и эса жавоб беришга қийналганлар, шу тариқа наслчилик, молиявий ресурслар билан таъминлаш ва транспорт хизматларига бўлган талабнинг қондирилмаслигини қайд қилганлар мос равища 68,5%, 68,3% ва 62,3% ташкил этган, бошқа турдаги хизматлар бўйича ҳам шунга яқин ҳолатни кузатиш мумкин.

Қайси турдаги сервисни устувор ривожлантириш зарурлиги бўйича берилган саволга ҳам сўралганларнинг 68,3% и техникавий, 66,5% и транспорт, 62,3% и ветеринария, 59,7 % и агрокимё, 53,6% и уруғчилик, 52,3% и молиявий ресурслар билан таъминлаш хизматлари, деб жавоб қилдилар.

Сервис тузилмалари билан ўзаро муносабатларда нималар қониқтирмаслиги ҳақида сўралганда, респондентларнинг 100% и хизмат кўрсатиш баҳоларининг юқорилиги, 73,6% и шартнома шартларининг номукаммаллиги, 66,3% и хизмат кўрсатиш сифатининг қониқарсизлиги, 55,9% и ишларни ўз вақтида бажармаслиги, 52,3% и хизматлар тур ва сон жихатидан етарли эмаслиги, 42,5% и хизмат кўрсатиш кўламининг торлиги ва зарур моддий-техника воситаларининг этишмаслигини эътироф этганлар.

Демак, хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, яъни турли мулкчилик шаклидаги муқобил бўлган сервис тузилмалари сонини қўпайтириш, хизмат кўрсатиш баҳоларини белгилаш бўйича илмий асосланган услубиятга қатъий амал қилиш, хизматлар сифати ва хизмат кўрсатиш муддатларига риоя этишни қаттиқ назоратга олиш, шартнома шартларини қайта кўриб чиқиш ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, сервис корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва бошқа бир қатор ташкилий-иктисодий тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Асосий турдаги сервис хизматларига бўлган талаб ва уни қондириш даражасини таҳлил қилиш натижаси кўрсатишича, Қашқадарё вилояти бўйича техника сервиси кўрсатиш 785,6 млн. сўмлик буюртма олинган бўлиб, хақиқатда бажарилган ишлар 644,2 млн. сўмни ташкил этган (82,0 %), кимё хизматлари бўйича бу кўрсаткичлар мос равишда 925,1 млн. сўм, 841,8 млн. сўм (91,0 %), транспорт хизматлари бўйича 589,0 млн. сўм, 496,0 млн. сўм (84,2 %), зооветеринария хизматлари бўйича 33,0 млн. сўм, 27,0 млн. сўм яъни (81,7 %) ни ташкил қилган. Шу билан биргаликда кўпчилик ҳудудларда зооветеринария ва наслчилик хизматлари ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Бунга сабаб, сервис тизими монопол ҳолати, зооветеринария ва наслчилик хизматлари тизимли равишда ташкил этилмаганлиги, моддий техника ва малакали кадрлар таъминоти даражасининг пастлиги, бу мавсум даврида улардан фойдаланиш самарасини пасайтиради.

**Республикада чорва молларига күрсатылган зооветеринария
сервис хизмати**

		Худудлар									
		Карақалпогис шт. Рес.		Андижон							
		Бухоро	Жizzах								
		Навоий	Наманган								
		Самарканд	Кашкадарё								
		Сурхондарё	Сирдарё								
		Тошкент									
8474	3718	9401	14455	6267,4	5442,6	15217	8164,8	11188,5	9530,5	9016,5	Шартты ¹ күй, минні бөш
203	80	279	434	140	81	295	146	215	192	125	Пунктар соңи, донা
41,7	46,5	33,7	33,3	44,8	67,2	51,6	55,9	52,0	49,6	72,1	1 пунктта тұгры келалған шартты күйлер соңи, минг бөш
550,5	218,2	659,3	1140,3	413,4	433,9	967,9	577,0	725,1	583,9	585,6	Сервис хизматы, мәнн. сүм
64,9	58,7	76,1	78,9	66,0	79,7	63,6	70,7	64,8	61,3	64,5	1 болынға тұгры келедіктан сервис хизматы, сүм
9209	3873	10151	16012	6633	5562,3	16997,5	9259	12615,1	10818	9764	Шартты күй, минн. бөш
203	80	279	434	140	81	295	146	215	192	125	Пунктар соңи, донা
45,4	48,4	36,4	36,9	47,4	68,7	57,6	63,4	58,7	56,3	78,1	1 пунктта тұгры келалған шартты күйлер соңи, минг бөш
700,9	270,7	834,3	1396,7	521,0	542,6	1242,3	714,7	888,6	735,7	736,1	Сервис хизматы, мәнн. сүм
76,1	69,9	82,2	87,2	78,5	97,5	73,1	77,2	70,4	68,0	75,4	1 болынға тұгры келедіктан сервис хизматы, сүм

Фарғона	8695	223	39,0	569,3	65,5	9893	223	44,4	695,0	70,3
Жами ²	112034,2	2591	43,2	8002,6	71,4	125407	2591	48,4	10006,1	79,8

1. Йирик ва майда шоҳли моллар ҳамда паррандалар шартли кўйга айлантирилган.

2. Республикада мавжуд чорва моллари шартли кўйга айлантирилган.

Манба:Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мъалумотлари асосида тайёрланган.

10-жадвалдан кўринадики, республикка чорва молларига зооветеринария сервис хизматини кўрсатувчи пунктилар сони ўрганилаётган даврда 2591донани ташкил қилиб, ўзгаришсиз қолган. Аммо, бир зооветеринария пункти томонидан кўрсатиладиган ўртacha шартли кўйлар сони 43,2 минг бошдан 48,4 минг бошга ёки 12,0 фойизга кўпайган. Бир зооветеринария пункти чорва молларнинг жойлашган худуд майдонини катта-кичиклигига қараб 8,0-12,0 минг бош шартли кўйлар ўринига 48,4 минг бош ёки 4-6 баробар кўп шартли кўйларга хизмат кўрсатмоқда. Битта зооветеринария пунктига тўғри келадиган чорва моллар сони бир-биридан кескин фарқ қиласди. Масалан, Сурхондарё вилоятига 36,4 минг бош, Қорақалпоғистон Республикасига 78,1 минг бош шартли кўй тўғри келади ва бу икки баровардан ҳам кўпдир. Бир бош шартли кўйга кўрсатилган зооветеринария сервис хизмати 71,4 сўмдан 79,8 сўмгача ёки 11,8 фойизга ошган бўлс-да, хизмат кўрсатиш ҳажми (меъёр бўйича 15,0 минг сўм) ўта пастлигидан далолат беради.

Ушбу кўрсаткич миқдори Андижон вилоятида 68,0 сўм, Навоий вилоятида 97,5 сўм, фарқи 43,3 фойизга тенг. Бу эса ўз навбатида чорва молларининг катта қисмига зооветеринария хизматлари кўрсатилмаётганлигидан далолат беради. Натижада чорва моллари маҳсулдорлиги пасайиши, маҳсулот сифатининг ёмонлашиши ва молларнинг меъеридан ортиқача исроф бўлишига олиб келади. 2013 йил Навоий “Қоракўл” бирлашмаси хўжаликларида ҳаром ўлган майда шоҳли моллар сони 9527 бош, мажбуран сўйилганлари эса

16854 бошни ташкил қилган бўлса, йирик шохли моллар, отлар, туялар мос равища 12 ва 11 бошни, 120 ва 69, 73 ва 60 бошни ёки 7 ва ундан кўп фоизни ташкил этмоқда.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларининг гўшт етиштириш бўйича тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, маҳсус жиҳозланган қушхоналар ва транспорт воситаларининг жойларда деярли мавжуд эмаслиги сабабли молларни сўйиб гўшт ва гўшт маҳсулотлари шаклида сотиш икки марта ва ундан кўп миқдорда даромад келтиришига қарамасдан катта қисми тирик ҳолда сотилмоқда.

11-жадвалдан кўринадики, республикада 383 та қушхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бир туманга ўртacha 2,4 та қушхона тўғри келиб, бир қушхона 197,6 минг аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Республикадаги шаҳарларни ҳам туманларга қўшиб хисоблайдиган бўлсак, маъмурий ҳудудлар бирлигига тўғри келадиган қушхоналар сони 2,4 та ўрнига 1,3 тага teng бўлади. Қушхоналар сони ўта кам бўлиши билан биргаликда маъмурий ҳудудлар бўйича бир хил тақсимланмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятида бир туманга ўртacha 1,2 та қушхона тўғри келиб, 227,6 минг кишига, Бухоро вилоятида эса мос равища 5,1 та 162,3 минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Сирдарё вилоятида бир қушхона ўртacha 97,1 минг кишига, Самарқанд вилоятида эса 251,1 минг кишига хизмат кўрсатиб ўртадаги фарқ деярли 2,6 баробарни ташкил қилмоқда. Бунинг натижасида молларнинг катта қисми жойларда анъанавий якка тартибда санитария ва гигена талабларига роия қилинмасдан сўйилиши бир қатор мураккабликларни келтириб чикармоқда, хусусан молни сўйиши натижасида ҳосил бўладиган чиқинди маҳсулотларни ҷарарсизлантириш масаласи билан биргаликда қўшимча гўшт маҳсулотлари ҳамда қимматбаҳо тери хом ашёсини жойларда қайта ишлаш, саклаш ва сотиш имкониятлари чегаралангандиги сабабли исосий қисми истроф бўлиб кетмоқда.

**Республикада қүшхоналар сони ва уларнинг маъмурӣ
худудлар бўйича тақсимланиши**

Худудлар	Күшхоналар сони, (дона)	Аҳоли сони, (минг киши)	Қишлоқ туманлари	Бир туманга тўғри келадиган қүш- хоналар, (дона)	Бир қүшхона гўри келадиган аҳоли сони, (минг киши)
Ўз.Республикаси	383	31022,5	157	2,4	197,6
Қоракалпогистон Рес.	22	1763,1	14	1,6	125,9
Андижон	34	2857,3	14	2,4	204,1
Бухоро	56	1785,3	11	5,1	162,3
Жиззах	38	1250,1	12	3,2	104,2
Кашкадарё	15	2958,9	13	1,2	227,6
Навоий	19	913,2	8	2,3	114,2
Наманган	25	2554,2	11	2,3	232,2
Самарқанд	22	3514,8	14	1,6	251,1
Сурхондарё	24	2358,3	13	1,8	181,4
Сирдарё	15	777,1	8	1,9	97,1
Тошкент	33	2758,3	14	2,4	197,0
Фаргона	35	3444,9	15	2,3	229,7
Хоразм	17	1715,6	10	1,7	171,2
Тошкент ш.		2371,3	11		

Шаҳарлар сони-119 та ва шаҳар туманлари 11та.

Манба:Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Навоий вилояти худудий “Қоракўл” бирлашмаси тизимидағи ширкат хўжаликларида 2014 йил ишлаб чиқарилган терилар(корамол, қўй ва бошқа) 20608 дона ва ўтган йилдан қолган 53103 дона билан биргаликда 73711 донани ташкил қилган. Мавжуд мол териларининг 46882 донаси тайёрлов ташкилотларига сотилган, 5787 донаси бартер қилинган, 1215 донаси хўжалик аъзоларига иссик овқат учун берилган, 590 донаси мол ва парранда учун сарфланган ва 7042 донаси меҳнат ҳақига натура шаклида берилган, 12195 донасига хардор топилмаган. Бошқа ташкилотларга сотилган бир дона қўй терисини ўртacha сотиш нархи 2000 сўмни, иш ҳақига берилгани

4504,5 сүмни, қорамол териси мос равища 40000 ва 21136 сүмни ташкил қилган.

Республиканинг чўл-яйлов худудларида сут ишлаб чиқариш учун сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг деярли шакилланмаганлиги сабабли 1,1-1,2 млн. бош марри она қўйларни соғишдан воз кечилмоқда. Агарда она қўйларни соғиш аппаратлари, зарур жиҳозлар, сутни ташувчи маҳсус автомашиналар, қайта ишлаш на сотиши тизими вужудга келтирилса, йилига 450-500 минг тонна озукавий қийммати юқори бўлган қўй сутини соғиб олиш ва қайта ишлаш имконини вужудага келтиради.

2.2. Сервис хизмати кўрсатиш ва чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш

Чўл ва ярим чўл худудларидаги мавжуд кескин экстремал шароит ҳамда молларни тартибсиз боқиши яйлов ўсимлик қоплами деградациясини янада кучайтирувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Яйловлар деградациясининг олдини олувчи илмий асосланган ишланмалар мавжудлигига қарамасдан, боқиладиган моллар сонини яйлов сифимига мувофиқлаштиришнинг иложи бўлмаганлиги сабабли ҳозиргача ишлаб чиқаришга жорий этилмасдан қолмоқда. Чоп утилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда 40 % яйловлар турли даражада “инкроз”га яъни деградацияга учраган, ҳосилдорлиги эса ўргача 21 % га пасайган. Бунинг натижасида қоракўл қўйларининг озукага бўлган талаби яйлов ҳисобидан камида 85 фойз таъминланиши ўрнига атиги 50-55 фойзга қондирилиши, қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг 30-35 фойз ошишига ёки республиканинг сугориладиган майдонларда етишириладиган озукаларни сотиб олиш ҳисобига бир бош қўйга ўртacha 21-22 минг сўм ортиқча харажат қилишга олиб келмоқда. Яйлов озукаси танқислиги сабабли амалиётда, ҳар бир шартли қўй бош сонига қишлоғ мавсуми учун ўртacha 150-200 кг. дагал ҳашак ва 35-40 кг. омухта ем захираси жамғарилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажмини кўпайтириш, уларнинг таннархини пасайтириш, сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини оширишда

бу тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳаттоди, озуқа базаси мустаҳкам бўлмаган хўжаликларда қишлоғ мавсуми оғир келган йилларда қўй бош сонининг ярми ва ундан кўпроғи қирилиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра қоракўл кўйларнинг маҳсулдорлигига тўғридан-тўғри таъсир этадиган омил – озиқлантириш омили бўлиб, ўрта ҳисобда 67,0 фоизни ташкил этар экан. Маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсир этувчи ташки омиллар ичиди энг юқориси озиқлантириш ҳисобланади. Қоракўл кўйларини паст ҳосилли ва сифатсиз озуқага эга бўлган яйловларда боқиш, уларнинг нафакат маҳсулдорлигига, балки зоогигиена жаҳатидан соғлигига ҳам салбий таъсир килади. Бундай шароитда чорва моли нақадар наслли бўлишига қарамасдан ўзининг генетик маҳсулдорлик кўрсаткичларини тўлиқ намоён эта олмайди. Наслчилик ишларини олиб борганда ҳам, албатта озиқлантириш омилига қатъий риоя килиш мақсадга мувофиқ.

Шу сабабли чўл-яйлов чорвачилиги хусусан қоракўлчиликни асосий озуқа базаси яйловлардан фойдаланишда инновация технологияларини жорий этиш йўли билан нафакат ишлаб чиқаришни, балки, соҳага хизмат кўрсатиш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш тизимини чўл-яйлов худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тубдан яхшилаш мақсадида такомиллаштириш зарур.

Ер курраси ўсимлик дунёси бир йилда 160 млрд. тонна CO_2 газини ютиб, 120 млрд. тонна кислородни ишлаб чиқариши, яъни глобал исишининг олдини олувчи асосий экологик омил эканлиги маълум. Шу нуктаи назардан, яйлов ўсимликлар нафакат яйлов чорвачиликнинг озуқа базаси, балки бир квадрат метр яйлов майдонидаги ўсимликлар 250-520 граммгача CO_2 газини утилизация қилувчи муҳим экологик восита ҳам ҳисобланади. Шу сабабли яйловларнинг ўсимлик қопламидан рационал фойдаланиш, уни муҳофазалаш, ўсимлик турлари билан бойитиш ва яйлов чорвачилиги самарадорлигини ошириш ҳамда сув тақчиллиги кучайиб бораётган ҳозирги даврда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш Ўзбекистон Республики учун ҳам ўта ўткир муаммоларидан бири ҳисобланади.

**Яйловлардан фойдаланиш технологиялари ва уларнинг
самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Технология номи		
	Анъанавий (500 бош)	Инновацион (500 бош)	Инновацион (2500 бош)
Мавжуд яйлов майдони, га	314	314	1500
Талаб қилинадиган яйлов майдони, га	1500	314	1500
Шундан: табиий сунъий	1500	164 150	783 717
Яйлов хосилдорлиги, ц/га: табиий сунъий	3,0 -	3,6 25,0	3,6 25,0
Яйлов ялпи хосилдорлиги, табиий сунъий	942,0	590,0 3750,0	2818,8 17925,0
Жами ялпи хосилдорлик,	942,0	4340,0	20743,8
Бир бош кўйга талаб қилинадиган йилилк озука, кг	800,0	800,0	800,0
Бир бош кўйга тўғри келадиган яйлов озукаси, кг	188,4	868,0	829,7
Озука билан таъминланниш шаржаси %	23,6	108,5	103,7
Она кўйлар, бош	500	500	1750
Олинадиган кўзилар, бош	500	500	1750
Шундан: ўстиришга, бош коракўл терига, дона	275 225	275 225	962 788
Етиштириладиган маҳсулот микдори:			
гўшт, ц	81,0	81,0	377,0
жуи, ц	12,2	12,2	63,0
барра гўшт, дона	225	225	788
сут, ц	135,0	135,0	394
Озука харажатларини тежаш хисобига олинадиган фойда, млн. сўм	0	112,5	540,0

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Бу муаммоларни сув ресурсларидан фойдаланмай, табий ёгин-сочин хисобига яйловни ҳимояловчи саксовул ихотазорларини барпо қилиш технологияси ҳамда юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларидан мавсумий фойдаланиш схемасини кўллаган ҳолда ечиш мумкин.

Қоракўл қўйларини яйловда боқишининг амалдаги технологиясида сув манбаси (кудук) атрофидаги яйловлардан йил бўйи фойдаланилади, яйлов алмашиниш тизими йўқ, яйловларнинг кўй сифими хисобга олинмаган. Масалан, 500 бош кўйни бир йил мобайнода яйловда бокиш учун 400 тонна яйлов озуқаси зарур. Яйловлар ҳосилдорлиги ўртача 2,5-3,0 ц/га бўлган тақдирда 500 бош кўй учун 1500 гектар яйлов зарур бўлади. Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Ўзбекистон” хўжаликда бир отарга (500 бош кўйга) 314 га яйлов тўғри келмоқда.

12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бир бош кўй яйловдан 800, кг ўрнига 188,4 кг озуқа олмоқда ёки яйлов озуқаси танқислиги 611,6 кг, 500 бош кўйга 3058,0 центнерни ташкил қиласди. Хўжаликлар етишмаган озуқани сугориладиган майдонларда етиширилган пичан ва бошқа турдаги хашак ҳамда омухта емларни сотиб олиш хисобига қопламоқда. Бундан ташқари хўжаликлар ҳар йили дағал хашак жамғариш учун катта микдорда моддий ва меҳнат ресурсларини сафарбар қилишга мажбур бўлишмоқда. Мисол учун 2015 йилда “Ўзбеккоракўли” компанияси тизимидағи қоракўлчилик ширкат хўжаликлари 1661089 бош шартли қўйларга 249165 тонна дағал хашак жамғариш учун 293 та бригада ташкил қилишни, 2685 кишини ва 775 дона техника воситаларини жалб қилишни режалаштирган. Булар эса ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетишига олиб келиб, соҳа самарадорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Таклиф этилаётган инновацион технология бўйича отарда табий ёгин-сочин хисобига 150 га кўп компонентли, юқори ҳосилли (25 ц/га) яйлов агрофитоценози яратилса, агрофитоценозлардан 374 тонна, қолган 164 га табий яйловдаги 49 тонна, жами бўлиб 423 тонна яйлов озуқани олиш мумкин бўлади. Демак, бу ҳолда ҳайвонларни яйлов озуқаси билан таъминланиш даражаси 105,7% га

етади. Яйлов ихотазорларини яратиш ва улардан мавсумий фойдаланишга ўтиши эса табиий яйловлар ҳосилдорлигини 20% га ошириш имконини беради. Бунда 164 га табиий яйловдан олинадиган озуқа олдинги 49,2 тонна эмас, балки 59 тонна бўлади. Кўп компонентли агрофитоценозлар ва табиий яйловдардан олинадиган жами озуқа $374\text{t} + 59\text{t} = 433$ тоннани ташкил қиласи, яъни яйлов озуқаси билан таъминланиш даражаси 108,5 % га етади. Бу эса 250 га сугориладиган майдонда ($250 \times 150\text{ц/га}$)=375 т беда пичанини этиштириш учун сарфланадиган ($250 \times 1100\text{м}^3 \times 5$)= 1375000м^3 сувни тежашга ва отарда ҳар йили озуқага сарфланаётган харажатларни тўлиқ тежаш имконини беради. Демак, ҳар бир отардан олинадиган даромад фақат озуқа харажатларини тежаш ҳисобига 112,5 млн. сўмга ортади. Шу билан биргаликда, сув ресурсларидан фойдаланмай, табиий ёғин-сочин ҳисобига яйловлар ўсимлик қопламидаги биологик хилма-хиллик кўп компонентли яйловдаги ўсимлик турлари ҳисобига (саксовул, черкез, терескен, чўғон, изен, куйровук, эркак ўт, ўсиарцет) камидা 8-10 турга бойитилади, яйлов озуқаси сифати кескин ортади ҳамда ҳозирда чўл-яйлов хўжаликларида озуқа шахирасини яратиш учун сарфланаётган моддий-техника ресурслари на ишли кучини кескин камайтириш ёки бутунлай барҳам бериш имконияти вужудга келади.

Яйловни ҳимояловчи саксовул ихотазорларини барпо қилиш технологияси ҳамда юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларидан мавсумий фойдаланиш технологиясини 1500 га табиий яйлов майдонига жорий этишнинг ўзи 1200,0 га сугориладиган майдони ва 6600000 м^3 сувни тежаш имконини беради. Тежалиши мумкин бўлган ср ва сувдан озиқ-овқат экинларининг бошка турларни шарвариша шашда фойдаланиш имкониятини вужудга келтиради. Шу билан биргаликда фақат озуқа харажатларини 540,0 млн. сўмга тежалиши ва қоракўлчилик маҳсулотларнинг хусусан ўстиришга қолдириладиган қўзиллар сонини 275 бошдан 962 бошга, қоракўл тери 225 донадан 788 донагача, тирик вазнда гўшит этиштиришни 81,0 центнердан 377,0 центнерга, жунни 12,2 центнердан 63,0 центнерга, барра гўштини 225 донадан 788 донага ва қўй сутини 135,0 центнердан 394,0 центнерга кўпайтириш ва мақбул(оптималь) тўлиқ

пода айланмасни шакллантириш имконияти вужудга келади. Бу эса озуқ-овқат хавфсизлигинин таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилиши муққарар.

Таклиф этилаётган технологияни қоракўлчилик хўжаликлари га жорий этиш учун дастлаб аҳолига савдо ва майший хизмат қўрсатиш соҳаларини ҳамда бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур хусусан чўл озуқабоп ўсимликлари уруғларини 100-120 гектар майдонда этиштириб берувчи фермер хўжаликларини чўл-яйлов чорвачилиги ҳудудларидаги ҳар бир туманда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чўл озуқабоп ўсимликлар уруғларини этиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари туман ҳудудида жойлашган чўл-яйлов чорвачилиги билан шуғулланадиган ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари ўсимлик уруғларини етказиб бериш билан биргаликда экиш ва парваришлиш технологияси бўйича амалий ёрдам беришни ҳам ташкил этишлари лозим.

1500 га табиий яйловда таклиф этилаётган технологияни жорий этилишини таъминлаш бозор иқтисодиёти механизмига биноан фаолият юритадиган кўп тармоқли фермер хўжаликлари ва агро фирмаларни шаклланишига олиб келади. Ушбу технология асосида шаклланиши мумкин бўлган фермер хўжаликлари ва агро фирмалар чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан биргаликда, уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига етказиш ва сотиш билан ҳам шуғулланишиди. Бу шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар этиштирган маҳсулотларини хусусан қоракўл, қўй ва бошқа молларнинг терилари, жуни, гўшти ва сутини қайта ишловчи замонавий технология билан жиҳозланган кичик саноат корхоналарнинг ҳудудда фаолият қўрсатаётган ихтисослашган хўжаликлар, фермер ва дехқон хўжаликлари билан ўзрао интеграциялаши асосида ташкил этишлари мумкин бўлади.

Маълумки, хом ашёга нисбатан уни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш хўжалик юритувчи субъектларига ками билан 2-2,5 баровардан ортиқ даромад келтиради. Таклиф қилинаётган технология бўйича 1500 га яйлов майдонидан олиниши мумкин бўлган маҳсулотларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига етказилса, жорий баҳоларда

хисобланилганда 468,5 млн. сўм ўрнига 936,9-1171,2 млн. сўмгача кўпайтириш имконини туғдириш билан биргалиқда маҳсулотларни қайта ишлаш ҳисобига 12-15 та янги иш ўринлари ташкил этилишига олиб келади.

Демак, чўл-яйлов худудларида сунъий яйловларни барпо этиш озуқа етиштириш учун ажратилаётган сув ва сугориладиган ерлардан озиқа экинларининг бошқа турларини парваришлаш, чорва молларини йил давомида яйлов озуқаси билан тўлик таъминлаш, озуқа харажатларини кескин камайтириш ҳисобига тармоқ самараордорлигини ошириш, чўлланишнинг олдини олиш, экологияни барқарорлаштириш имкониятини яратади.

Юкорида такидланганидек, чўл-яйлов худудларида хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни инновация технологияларни қўллаш орқали жадаллаштириш, коракўлчилик туманлари ижтимоий-иктисодий ривожланиши республиканинг бошқа худудларидан пастлигини хисобга олиб, уни тезлаштириш кўп жиҳатда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси ташкил этилиши ҳамда фаолият қўрсатиш даражаси билан биргалиқда чўл аҳолисига ижтимоий хусусан пуллик, савдо ва маиший хизматлар қўрсатилиш ҳажмига ҳам боғлиқ.

Коракўлчилик республиканинг жуда катта ер майдонларида тарқоқ, шаҳар ва саноат марказларидан бир неча 100 км. узоклиқда жойлашган хўжаликларда ўрчитилиши, коракўл қўйларининг 56-58 фоизи нисбатан майда деҳқон хўжаликларида парваришланиши ва соҳа етиштираётган маҳсулотларининг асосий қисмини хусусан, коракўл териларининг 78-80 фоизини ишлаб чиқараётганлигини ва чўл-яйлов чорвачилигининг йил давомида яйловдан-яйловга ўтказилиб боқилишини ва бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳамда бозор иқтисодиёти талабларини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришга хизмат қўрсатишни шакллантириш лозим.

Чўй-яйлов чорвачилигига, хусусан коракўлчиликда ишлаб чиқариш ривожланишини барқарорлаштириш яйловлар деградациясининг олдини олувчи, ҳосилдорлигини кескин оширувчи технологияларни жорий этиш билан биргалиқда чўпон уйларини,

ишлиб чиқариш биноларини, сув манбаларини ва ишлиб чиқаришга хизмат кўрсатувчи бошқа обьектларни модеринизациялаш керак.


Қоракўлчилик соҳасининг ишилб чиқариш бўйлималари(отарлар, чорвачилик комплекслари, дехқон ва фермер хўжаликлари) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи ёки хусусий тадбиркорлар томонидан хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган куйидаги иншоатларни куриш:

Кўйларни чўмилтириш иншоати, зарур машина ва жиҳозлар билан таъминланган кўй жуни қирқимини ташкил этиш пункти, сунъий қочириш пункти, зооветеринария тадбирларини ўтказишга мўлжалланган лаборатория, чўпон уйлари, очик ва ёпиқ қўтонлар, гараж, озуқа цехи ва озуқа саклаш омборлари, сувни захира саклаш учун иншоат, Беккер ер тўласи(1- расм). Шу билан биргаликда чўл-яйлов ўсимликлари уруғларини етиштириб беришга ихтисослашган фермер хўжаликлари, етиштирилган маҳсулотларни дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш обьектларни хусусан қўзиларни сўйиш, қоракўл тери ва жунига бирламчи ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш ҳамда сақлаш, кўйларни гўштга сўйиш ва гўштни қайта ишлаш, марри кўйларни согиши ва сутни қайта ишлаш, кўй ва бошқа моллар териларни қайта ишлаш обеъктларини жойларда бунёд этиш мақсадга мувофиқ. Электр-энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотидаги узулишлар ва хизмат кўрсатувчи обьектларни кўчма ҳолда ташкил қилиниши уларнинг альтернатив энергия манбаси билан жиҳозланган бўлишини таълаб қиласи (2-расм).

Маълумки, 1 тонна гўнгни қайта ишилб 100m^3 биогаз олиш, 2500 бош кўйдан йилига 560-570 тонна гўнг тўплаш ҳамда $56000-57000\text{m}^3$ биогаз ишилб чиқариш мумкин. Унинг бир қисми газ ёқилғиси сифатида чўпон уйларида, транспорт воситаларига ёнилғи сифатида ишлатилса, иккинчи қисми электр энергияси ишилб чиқариш учун генераторларни юргизишида фойдаланилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида кунлик турмушда чўпон уйлаларига ва бошқа ходимларга қулайлик яратиши билан биргаликда ишилб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар нархининг сезиларли даражада арzonлашиши ва иш жараёнларининг бир маромда узликсиз амалга ошириш имкониятини яратади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлили кўрсатмоқдаки, ихтисослашган хўжалиги отарларида боқилаётган кўйларнинг сони 500-600 бошдан кўп эмас. Масалан, “Саҳоба ота” наслчилик хўжалигига ўртача 230 бош кўйлар парваришлангаётган отарлар 7 фоиз, 363 бош—15,8, 470 бош— 37 бош, 543 бош— 21, ва 717 бош ўрчитилаётган отарлар— 19 фоиз. Ўртача бир отарда боқилаётган кўйлар 499 бошни ташкил этмоқда. Фермер хўжаликлари 206 бош— 66, 2 фоиз, 411бош—22,5, 666 бош—5 ва 1200 ва ундан кўп бош парваришлангаётганлари 6,3 фоиз. Декон хўжаликларида ўртача 50 бош кўйга эга бўлганлар 72,3 фоиз, 206 бош— 20,7 ва 400 ва ундан кўп бош кўйларни парваришлаётганлар 7,0 фоиз.

Хизмат кўрсатувчи объектлар ва уларнинг таркиби



Қоракўл кўйлар парваришиланишининг ушбу ва юқорида такидланган хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда ҳамда янги, илғор технологияларни жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи соҳа обьектларини турғун ва кўчма шакилда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Яйловлардан фойдаланишининг инновация технологиясини жорий қилиш ҳисобига қўйлар сонини 2500-3000 бошга етказган фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда ихтисослашган хўжаликлар отарлари учун хизмат кўрсатиш обьектларини турғун ҳолда қўйларни яйловдан-яйловга ўтказиб боқиши жараёнида кўчма чўпон уйидан фойдаланиш, майда хўжаликлар ва отарлар учун 2500-3000 бошга хизмат кўрсатувчи қўй жунини қирқиши, сунъий қочириш, қўзиларни қоракўл тери учун сўйиши, лаборатория ва қушхоналарни кўчма ҳолда ташкил қилиш иқтисодий нуқтаи назардадан ўзини оклади (1-расм).

Чўл ва яримчўл минтақаларида чўл-яйлов чорвачилигини имкониятлари кенг аммо, бошқа тармоқларнинг ривожланиши учун иқтисодий шароитлар деярли мавжуд эмас. Тармоқнинг табиий, технологик, ташкилий ва иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиб, бу ерда қишлоқ саноатини ривожлантириш ҳам иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан афзал ҳисобланади. Бу минтақаларда омухта-ем ишлаб чиқариш, озуқа, қоракўл ва мол териларни, гўшт, жун ва сутни қайта ишлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари аҳолига ва ишлаб чиқаришга сервис хизмати кўрсатадиган пунктларни шакллантириш лозим. Бир гурух олимлар бундай шаклдаги корхона ва ташкилотларларни корпоратив мулк сифатида, яъни чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларнинг инвестиция маблағларини жамлаб хўжаликлараро, ташкилотлар барпо этиш ҳамда кичик бизнесни ривожалантириб, хусусий кичик корхоналар тариқасида ташкил этишни таклиф қилишса, иккинчи гурух иқтисодчилар эса қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти шароитида факатгина вертикал коопарация асосида ривожлантиришни тавсия этадилар. Бунда, “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи корхоналар нафакат ишлаб чиқарувчилар билан, балики маҳсулотни қайта ишловчи, уни тайёрловчи, савдо, тижорат-воситачи, сервис хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан иқтисодий алокаларни ўрнатишлари


ва улар билан чамбарчас боғлиқликда фаолият кўрсатишлари лозим”(30). Бизнинг фикримизча чўл-яйлов чорвачилиги жойлашган минтақалар барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш, аҳолига маданий, майший хизмат ва ишлаб чиқаришга сервис хизматлари кўрсатиш сахоларини интеграциялаш йўли билан яхлит хўжалик организмини ташкил этиш яъни бир фирма миқёсида жамлаш мақсадга мувофиқ.

Такидланганидек, чўл-яйлов чорвачилиги етиштираётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ўз ечимини тўлиқ топмаган муаммолардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмни қайта ишлаш қувватлари етишмаётганлиги, қўй сути, мол териси ва жун каби маҳсулотлардан деярли фойдаланилмаётганлиги ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлаштириш ва чўл аҳолиси турмуш фарованлигини мамлакат шаҳарлари даражасигача тенглаштириш мақсадида хом ашёни жойларнинг ўзида қайта ишлашни ташкил этиш ўзини оқладиган ташкилий, иқтисодий, ижтимоий тизим ҳисобланади.

Таҳлилар кўрсатдики, Навоий вилоятида 116530 тонна ишлаб чиқарилган гўштнинг саноат асосида қайта ишлангани 30024,9 тоннани ёки атига 25,8 фоизни ташкил қилган. Қоракўлчилик туманларида ишлаб чиқарилган гўштни қайта ишлаш ҳатто 0,5 фоиздан ҳам ошмайди, айрим туманларда умуман қайта ишланмайди яъни молларни гўштга тирик ҳолда сотишмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқарувчилар олиниши мумкин бўлган даромадларининг 60-70 фоизидан маҳрум бўлишмоқда. Шунинг учун ҳам чўл-яйлов чорвачилиги ҳудудларида 2 тоннагача гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи хусусий мулкка ёки кооперацияга асосланган кичик цехларни ташкил этиш шаҳарларда жойлашган саноат корхоналари томонидан ўзлаштирилаётган катта миқдордаги даромад учун жойларда унумли фойдаланиш имконини вужудга келтириш билан биргаликда ҳозирда катта қисми исроф бўлиб кетаётган қўй ва бошқа моллар терисини қайта ишлашни йўлга қўйиш ва бу орқали яна бир муҳим даромад манбаига эга бўлиш имкони туғилади (2-расм).

2-расм

**Чўл-яйлов худудида қоракўлчилик маҳсулотларни қайта
ишлаш ва сотиш тизими**



**2015 йилда Навоий вилоятида гўшт ишлаб чиқариш ва уни
қайта ишлаш ҳолати**

Туманлар	Гўшт ишлаб чиқариш, тонна	Гўштни қайта ишлаш, тонна	Гўштнинг қайта ишланиш даражаси, %
Навоий вилояти	166530,0	30024,9	18,0
Конимех	12954,8	61,1	0,5
Томди	11357,5	34,0	0,3
Учкудуқ	9201,9	-	0,0
Нурота	21329,0	6,4	0,03

Манба: Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи битта цех бир йилда факат майда шохли моллар ҳисобидан 1200-1700 дона тери хом ашёсини тайёрлаш мумкин. “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси маълумотларига кўра республикада йилига 12,0 млн. дона тери хом ашёси олинади. Бундан 7,5 млн. донаси майда ва 4,5 млн. донаси йирик шохли моллар терисидир. Бу маълумотларга хўжалик ва хонодонларда сўйилган моллар, аммо, тайёрлов ташкилотларига топширилмасдан, йўқ қилиб юборилган мол терилари кирмаганлиги аник. Бизнинг ҳисоб-китоблармизга кўра йилига 600 млн.кв.дм. эмас балки, 1500-1600 млн.кв.дм. чарм маҳсулотлари тайёрлаш имкони мавжуд. Демак, 35-38 фоиз тери хом ашёси қайта ишланмоқда холас. Такидлаш ўринлики, эркаклар оёқ кийимиға бўлган талаб “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси корхоналари томонида 70-80 фоизга, аёллар ва болалар пойабзалига бўлган эҳтиёжнинг эса атиги 13 фоизини ташкил этмоқда. “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси корхоналарининг барчаси шаҳарларда жойлаштирилганлиги қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини чегараловчи омиллардан бири ҳисобланади. Мол териларини жойларнинг ўзида қайта ишлашни ташкил этиш ҳам қишлоқни саноатлаштиришга олиб

келади ва барқорар ривожланишини таъминлаш билан биргаликда инфратузилманинг ривожланиш ва қўшимча иш ўринлари яратилиши ҳисобига қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширади.

Кўй териси ўртacha 80 кв.дм. ташкил қиласидиган бўлса, бир донасини 4-5 минг сўмга эмас балки, чарм қилиб тайёрлангандан кейин 52-55 минг сўмга сотиш мумкин. Гўшт ва гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи битта цех томонидан тайёрланган териilar ҳудудга 70,0-90,0 млн. сўм фойда келтириш имконини яратади.

14-жадвалдан кўринадики, Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган жуннинг 21,4 фоизигина, бир қатор туманларда эса қайта ишлаш умуман мавжуд эмас.

14-жадвал

**2015 йилда Навоий вилоятида жун ишлаб чиқариш ва уни
қайта ишлаш ҳолати**

Туманлар	Жун ишлаб чиқариш, тонна	Жунни қайта (ювиш) ишлаш, тонна	Жуннинг қайта ишланиш даражаси, %
Навоий вилояти	3488,0	744,8	21,4
Конимех	948,0	251,0	26,5
Томди	511,8	215,9	42,2
Учкудуқ	283,3	0,0	0,0
Нурота	509,2	2,6	0,5


Манба: Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида.

Жун қирқилгандан кейин дастлаб тозаланади, навларга ажритлади, тойланади ва сотилгунга қадар маҳсус жиҳозланган омборда сақланади. Етиштирилаётган жуннинг 60 ва ундан кўп фози қайта ишланмасдан қолаётганлигини ва ювилган жун 2,5-3,0 баробар кўп даромад келтиришини ҳисобга оладиган бўлсак, жойларда жунни ювиш бўйича кичик корхоналарни ташкил этиш лозим. 15000-20000 бош қўйлари мавжуд ҳар бир ҳудудда йилига 22-44 тонна жунни ювиш қувватига эга бўлган, жорий баҳоларда қиммати 160-162 минг

долларга тенг биттадан мини завод қуриш мақсадга мувофиқ. Тозоланган жундан ип ишлаб чиқариш технологик анча мураккаб жараён ва катта инвестиция талаб қиласидиган иш. Жундан ип ишлаб чиқариш учун яна 650-700 минг доллар сарфлаш ва жунни ювиб-тозалайдиган 25-28 та мини заводга битта ип йиградиган линияни ишга тушириш лозим.

Такидлаш ўринлики, якка тартибдаги тадбиркорлар ва кичик корхоналарга мўлжалланган жун титувчи, таровчи ва калаваловчи кичик ҳажмли машиналар қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ва улардан жойларда жунни қайта ишлашда унумли фойдаланиш мумкин. Қўзини сўйиб қоракўл тери олингандан кейин дастлаб тузланади ва 8-10 кун давомида маҳсус тайёрланган очик майдонларда қуритилади. Қоракўл териларни тозаловчи, юмшатувчи ва силликловчи кичик ўлчамли машиналар мажумаси институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган.

Қоракўл териларга дастлабки ишлов бериш жараёнида ушбу машиналар мажмуасидан унумли фойдаланиш мумкин. Такидланган машиналарни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаганлиги сабабли қуритилган қоракўл териларни тозалаш, юмшатиш ва силлиқлаш ишлари ҳозирги кунга қадар қўл меҳнати ёрдамида амалга оширилмоқда.



**Қайта ишлаш корхонасида қоракүл териларини навларга
ажратиш жараёни**

Қоракўл териларни қайта ишлашнинг кейинги босқичи уларни ошлаш. Ошланган қоракўл терилардан турли буюмлар ишлаб чиқариш жараёни бошланади. 5000 донагача қоракўл териларни қайта ишлаш қувватга эга бўлган мини заводлар мавжуд. Демак, 15000 бош она қўйлари мавжуд бўлган ҳудудда битта қоракўл терини қайта ишловчи мини завод қуриш мумкин. Бундан ташқари 1500-2000 дона қоракўл терини қайта ишлашга мўлжалланган технологиялар ҳам ишлаб чиқарилган.

Қоракўлчиликда фойдаланилмаётган ресурслардан яна бири – мари қўйлардан сут соғиб олинмаётганлиги ва қайта ишланмаётганлигидир. Қўйни соғиш кўп меҳнат талаб қиласиган жараён. Лекин, қўйларни соғишни енгиллаштирада машиналардан фойдаланиш меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишини таъминлайди ва соатига 50 бош қўйни соғиб олиш имконини беради. Қўй сутини чукур қайта ишлашни ташкил этиш учун 3500-4000 бош она қўйи мавжуд ҳудудда битта мини завод қуриш мумкин.

Ш-БОБ. ЧҮЛ-ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ КҮЙИ МАЖМУАСИДА ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Чүл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари сотиш тизимини такомиллаштириш ва тармоқни модеринизациялаш

Хозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси таркибига товар-хом ашё биржалари, чорвачилик маҳсулотлари ярмаркалари, тижорат-воситачи фирмалар, кичик ҳажмда чорвачилик маҳсулотлари улгуржи ва чаккан савдоси билан шуғулланувчи дўконлар, супермаркетлар, савдо уйлари, дехқон бозорлари ва бошқа савдо шаҳобчаларини киритиш мумкин.

Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини етказиб бериш тизими талаб даражасида шаклланмаганлиги, қайта ишловчи корхоналар етишмаслиги натижасида маҳсулот етиширувчилар ҳам итъемолчилар ҳам зарап кўришмокда. Кўп ҳолларда тадбиркорлар ўз маҳсулотларини яқин жойлашган бозорларга олиб чиқиши маҳаллий бозорда маҳсулотлар миқдорининг кўпайшига ва нархнинг пасайишга ҳамда ишлаб чиқаривчининг зарап кўришига олиб келади. Қайта ишловчи корхоналар етишмаслиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бир қисми сотилмасдан қолмоқда.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ҳар куни бозорга маҳсулот чиқариш имкониятига эга эмаслар. Шу сабабли улар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотишда имтиёзли шароитлар яратилиши лозим.

Бу муаммо чўл-яйлов чорвачилигига маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган кооперативлар ташкил этиш йўли билан ечилади. Бундай кооперативларга чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва товар маҳсулотларини сотиш ҳамда транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарни киритиш мумкин.

Коракўл тери ва жуннинг асосий қисми республикада 3-4 та фирма томонидан тайёрлананилмокда ва улар Ўзбекистон бозорида

монопол мавқеийга эгадирлар. Бу эса етиширилган маҳсулотлар бозор баҳоларидан анча паст сотилиши ва ишлаб чиқарувчилар моддий манфатдорлиги камситилишига олиб келмоқда. “Меховая Мода” МЧЖ фаолияти таҳлили кўрсатдики, тузланган қоракўл терини ўртacha 38,0 минг сўмдан сотиб олган, уни ошлаб 65,0 минг сўмдан сотган. Ушбу терилардан тайёрланган шубадаги бир дона қоракўл терининг ўртacha нархи 118,0 минг сўмни ва мос равиша олинган фойда 17,0 ва 64,0 минг сўмни ташкил қилган.

“Истиқлол” ихтисослашган наслчилик хўжалиги (ИНХ) тирик вазнда 1 центнер гўштни 683,6 минг сўмдан, гўшт шаклида 2000,0 минг сўмдан ва колбаса шаклида эса 2780,0 минг сўмдан сотган ва мос равиша 229,1, 985,9 ва 1810,0 минг сўм фойда олинган. “Сайхан” ИНХ, 1 центнер жуни 800,0 минг сўмдан кигиз тайёрловчи цехга сотиб 26,1 минг сўм фойда олган, цех эса тайёр маҳсулот шаклидаги жунни 3478,6 минг сўмдан сотиб, 1735,7 минг сўм фойда олган.

Такдлаш ўринлики, қайта ишлаш корхоналари етишмаслиги, маҳсулот ишлаб чиқариладиган жойларда уларнинг деярли йўқлиги сабабли маҳсулотларнинг катта қисми хом ашё шаклида сотилмоқда, ҳатто бир қисми сотилмасдан қолмоқда.

Шу сабабли кооперативларнинг асосий вазифаси – чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини майда товар ишлаб чиқарувчилардан йиғиш ва қўлай йўллар билан сотишни ташкил этиш, ҳамда бозор талабидан келиб чиқсан ҳолда уларни қайта ишлаш. Шу билан биргаликда кооперативлар майда товар ишлаб чиқарувчиларни омухта ем ва дағал харакат билан таъминлайди, уларга зооветеринария хизматлари шунингдек, республиканинг чўл-яйлов минтақаларидағи товар ишлаб чиқарувчиларга ва аҳолига бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишади. Бу шаҳар ва йирик аҳоли яшаш пунктларидан узоқда жойлашган майда товар ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли учун ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий масала ҳисобланади.

Чўл-яйлов чорвачилигининг барқарор ривожланиши ва мамлакат аҳолисини узлиksиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида (гўшт, қўй, от ва түя сути) ҳамда қоракўл териси, жун, қўй териси, ширдон ва бошқа турдаги йирик моллар териси каби қимматли хом ашёнинг жойларда тўлиқ қайта ишланишини амалга ошириш учун тармоқда ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий, технологик ва экологик тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофик.

Ташкилий тадбирлар – селекция-наслчилик ишлари қисмида: юқори маҳсулдор, рақобатбардош тегишли рангдаги ва рангбаранликдаги (сур, кўк, кумуш, пўлати ва бошқа.) ва гул типидаги (қавурғасимон, ясси, қоракўлча) қоракўл тери берадиган қоракўл қўйларининг завод типларини яратиш, зотнинг мавжуд генфондини саклаш ва бошқа мамлакатлардаги қоракўл қўйининг генотиплари билан уни бойитиш, зарур иқтисодий манфаатдорлик чораларини амалга ошириш, салоҳияти юқори наслли қўчкорлар сперма банкини яратиш, генофонднинг сакланишини таъминлайди ва мавжуд зотларни такомиллаштиришнинг муҳим усулларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, барча хўжаликларни аввалом бор дехқон ва аҳоли ёрдамчи хўжаликларини юқори маҳсулдор она қўйлар ва наслли қўчкорлар ҳамда уларнинг спермалари билан таъминлаш лозим;

- қоракўл қўйини озиқлантириш ва саклаш қисмида: озуқа тайёрлашнинг самарали технологияларидан фойдаланиб, уларни тўла қиймматли (оқсил ва витаминалар билан бойитилган) озуқалар билан таъминлаш, яйловнинг ҳосилдорлигини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёт захира озуқани тайёрлаш;

- яйловлардан фойдаланиш ва чўлда озуқа тайёрлаш қисмида: яйлов ўсимликлари деградацияга учраганлиги сабабли кейинги йилларда молларнинг яйловдан оладиган озуқаси миқдори кескин камайган. Бунга сабаб, табиий яйлов озуқа захирасига нисбатан 3-4 марта кўп миқдордаги молларнинг боқилишидир. Сув манбаларининг эскриши ва ишдан чиқиши бир яйлов майдонида моллар ортиқча

боқилиши, иккинчисида эса боқилмаслигига олиб келмоқда. Шу сабабли янги яйлов майдонларини ўзлаштириш, сув манбалари билан боғлиқ бўлган масалани ечиш, ҳосилдорликни ҳисобга олган ҳолда яйловни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш. Яйловлардан рационал фойдаланиш тизимини қўллаш ва ернинг кадастр баҳосини аниқлаш, юқори ҳосили навлардан фойдаланган ҳолда деградацияланган яйлов майдонларини фитомелиорациялаш, уруғ этиштириш майдонлари ташкил этиш, босқичма-босқич яйловларни сув манбалари билан таъминлаш, ҳамда юқори ҳосилдорли (табиий яйловга нисбатан 3-5 барабор кўп ҳосил берадиган) суъний яйловларни яратиш;

- чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишлаш қисмида: биринчидан, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, уларни қайта ишловчи, агросевис ва ахолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи кўп тармокли фермер хўжаликлар ва агрофирмаларини шакллантириш; иккинчидан, жойларда кооперация асосида чўл-яйлов маҳсулотларидан тайёр товарлар тайёрловчи ва озук-овқат маҳсулотларини сотувчи, ҳамда тайёр буюмлар ишлаб чиқувчи ихчам саноат корхоналарини қуриш;

- тайёр товар маҳсулотларини сотиш қисмида: қоракўл териси ва ундан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар халқаро мўйна аукционларида муンтаазам иштирок этишлари учун, шунингдек, қоракўл тери, жун, мол териларидан ишланган буюмларни сотиш мақсадида ўзга юртларда савдо уйлари очиши учун давлат уларни қўллаб-қувватлаши лозим;

- товар ишлаб чиқаручилар билимини ошириш қисмида: чўл-яйлов маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ўқув-қўлланма тайёрлаш, уни ҳар бир ишлаб чиқарувчига етказиш ва ишлаб чиқариш самародорлигини ошириш бўйича жойларда семинар-тренглар ташкил этиш;

- моддий техника таъминоти қисмида: ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўладиган жиҳозлар ва материаллар хусусан

хорижий мамлакатлардан етказиб берилишида ишлаб чиқаручиларга давлат имтиёзли шароит яратиши ва молиявий ёрдам кўрсатиши лозим.

Иқтисодий тадбирлар. Чўл-яйлов чорвачилиги минтақаларининг ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаси республиканинг ўртacha кўрсаткичидан 5-6 марта камлигини ҳисобга олиб, ушбу иқтисодий ночор худудлар ривожланишини барқарорлаштиришга қаратилган инфратузилмавий лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахслар учун бир фоизлик ҳамдардлик (солидарлик) солиғини 5 йил муддатга жорий этиш ва шакллантирилган маблағларни чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни модеринизациялаш ва диверсификациялашга йўналтириш мақсадга мувофиқ;

чўл-яйлов чорвачилиги минтақаларида хўжалик юритиш шаклларини мукаммалаштириш даврида солик, кердит, бож, суғурта, лизинг, ижара тўловлари ва зарур моддий ресурслар, машина ва механизмлар ҳамда жиҳозлар харид қилишда давлат томонида имтиёзлар камида 5 йилга белгиланишини;

бозорнинг бошқа турлари билан биргаликда республикада насли қоракўл қўйлари бозори, мўйна ва қоракўл териси аукционини ташкил этишни;

- чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи субъектларга замонавий агросервис хусусан зооветеринария хизматлари кўрсатишни қишлоқ жойларда шакллантириш учун хусусий зооветернария ва бошқа турдаги агросервис хизматларини кўрсатувчи шахобчаларни ташкил этиш мақсадида тадбиркорларга тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилиши мақсадга мувофиқ.

- чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини жойларда қайта ишловчи хусусий, ихчам саноат корхоналарини ташкил этилишини йўлга қўйиш мақсадида тадбиркорларга давлат молиявий ёрдам

кўрсатиши ва тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиши;

- ихтисослашга аукционлар наслли ва бошқа моллар сотилишни йўлга қўйиш, шунингдек, зооветеринаия, наслчилик, молларни гўштга сўйиш ва бошқа хизматларни кўрсатадига пункитларни ташкил этиш йўли билан чўл-яйлов чорвачилиги ривожланган минтақаларда тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш;

- чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиб ва истеъмолчига етказиб беришнинг илфор усуллари ва замонавий технологиялари ҳамда уларнинг ўзаро ишлаб чиқариш-шартнома-молиявий муносабатлари бўйича маҳсус ўкув курслари ташкил этиш;

- замонавий технологик жиҳозларни, юқори самадорлиги технологиялар ва мини цехларни сотиб олиши учун чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишловчи хўжалик ва корхоналарга узок муддатли кредитлар ажратиш;

- чўл-яйлов чорвачилигига муҳим вазифа – чорвадор-хўжайин шаклланишига қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Бунинг учун бозор майдони, бозорнинг барча таркибий бўлинмалари (ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, савдо, ижтимоий-истеъмол инфратузилмаси ва тижорат-воситачилик ташкилотлари) ва уларнинг ўзаро фаолият кўрсатиш механизмлари, босқичма-босқич хусусий мулкка асосланган фермер ва кўп тармоқли фермер хўжаликлари, ҳамда агрофирмалар ва бошқа хўжалик юритиш шаклларини чўл минтақаларида ташкил этиш, бунда ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сотиш ва фойдани тақсимлашда ишлаб чиқарувчининг иқтисодий эркинлиги таъминланади.

Хуқуқий тадбирлар: Чўл-яйлов чорвачилиги ривожланишини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун “Яйлов тўғрисида” ва “Коракўл қўйларини асраш тўғрисида” қонунлар ва қонун ости

хужжатлари ишлаб чиқилиши ҳамда амалётга тадбик этилиши мақсадга мувофиқ.

“Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисида” “Қоракўлчилик наслчилик фермер хўжаликлари тўғрисида” ва “Қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликлари негизида агрофирмалар ташкил этиш тўғрисида”, “Чорвачилик кластерларини ташкил этиш тўғрисида”ги Низом лойиҳаларини амалдаги қонунлар ва чўл-яйлов худудлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлашни;

- чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари билан тайёрлов, қайта ишлаш, сотиш ва уларга хизмат қилишга ихтисослашган субъектлар ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатларнинг қонуний ва хукукий жиҳатдан устуворлигини белгилаш асосида томонларнинг ўзларига юклатилган мажбуриятларининг бажарилиши, уларнинг жавобгарликлари, хукуклари ва вазифаларини бозор тамоилларига мос келишини таъминлаш;

Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва уларга хизмат қиладиган субъектларни тенг хукуқда мустақил фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган сертификатлаштириш, лицензиялаштириш, стандартлаш ва рўйхатга олиш каби жараёнларни эркинлаштириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Технологик тадбирлар: Республика яйловларидан рационал фойдаланиш учун мавжуд шахтали қудук ва скважиналарни модернизациялаш ва янги сув манбаларини ишга тушириш ҳисобига сув билан таъминланмаган яйловларни ўзлаштириш ҳамда яйлов айланмаси тизимидан самарали фойдаланиш. Шу билан биргаликда яйловни ҳимояловчи ихотазорларини барпо қилиш ва юқори ҳосилли кўпкомпонентли яйлов агрофитоценозларини яратиш йўли билан уларни тубдан яхшилаш;

- инновацион технологиялар ҳисобига молларни озуклантириш ва саклашни такомиллаштириш ҳамда озуқа тайёрлашнинг замонавий

технологияларидан фойдаланилган ҳолда уларни тўла қиймматли озуқалар билан таъминлаш, яйлов ҳосилдорлигини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёт захира озуқа тайёрлаш;

- пода таркибини ва сифатини такомиллаштириш (она қўй салмоғи ками билан 70-75 %) ҳамда селекция ва наслчиллик ишларини тубдан яхшилаш ҳисобига чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари рақоботбардошлигини таъминлаш ва ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- чўл-яйлов чорвачилигидаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида ресурсотежамкор ва атроф – муҳитни муҳофазаловчи технологиялардан фойдаланишнинг долзориблиги, бозор талабларидан келиб чиқсан ҳолда хўжаликлар фаолияти коракўл теридан гўшт ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги (катта ёшлиларни бўрдоқилаш ва 2-3 ойлик қўзилардан қўзи гўшти етиштириш), чўл-яйлов чорвачилиги урчитиладиган жойларда қайта ишлаш корхоналарини қуриш, коракўл териси, мол терилари, жун, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий технологиилар билан уларни жиҳозлаш;

- чўл-яйлов чорвачилиги мажмуасига кирувчи барча корхоналарда зооветеринария тадбирларини юқори даражада ташкил этиш.

Экологик тадбирлар: Чўл-яйлов чорвачилиги жойлашган минтақалардаги аҳолини доимий иш ўринлари, шунингдек, ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси ва бошқа кундалик зарур эҳтиёжлар таъминотини тубдан яхшилаш, табиий яйловлар деградациясини бартараф қилиш ва инкрозга учраган яйлов майдонларини тиклаш;

- яйлов ўсимлик қопламидан рационал фойдаланиш, тиклаш ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, биологик хилма-хиликни ҳимоялаш ва бойитиш, чўл худудларининг экологик ҳолатини яхшилаш ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;

- инновацион технологиялардан фойдаланиб, моллар гүнгидан биогаз ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Юқорида илгари сурилган таклиф ва тавсиялар чўл-яйлов чорвачилиги барқарор ривожланишини, озиқ-овқат ва хом ашё ҳамда тайёр товар маҳсулотлари ишлаб чиқилиши кўпайишини таъминлайди, шунингдек, тармоқ иқтисодий самарадорлиги ошишига имконият яратади.

3.2. Чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси ташкилийтаркибини оптималаштириш.

Республиканинг чўл-яйлов минтақаларини қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга ихтисослаштириш, чўл ҳудудларининг табиий имкониятларидан интенсив фойдаланиш, чекка туманларда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши, агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш ва ушбу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ечиш долзориб муаммолардан бири ҳисобланади.

Қоракўлчилик қуи мажмуасининг халқ хўжалигидаги аҳамияти тормоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан белгиланади. Чўл-яйлов чорвачилигининг муҳим хусусияти – арzon табиий яйлов озуқаси ҳисобига ривожланишидир. Қоракўлчиликда қоракўл териси, жун, қўй териси каби саноат учун ўта қимматбаҳо хом ашё, мазали қўй гўшти ва шифобахш сут каби озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириб берувчи ўзига хос чорвачиликнинг ноёб соҳасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида агросаноат комплексини барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш бевосита қишлоқ хўжалигини илмий асосланган хўжалик юритиш тизимини ишлаб чиқариш ва уни хўжаликларда, туманларда ҳамда ҳудудларда жорий этишдир. Бу тизимнинг марказий бўғини қоракўлчилик ҳудудлари учун яйловларни модернизациялаш ва қорқўлчилик маҳсулотларини интенсив технологиялар асосида ишлаб чиқаришни

ташкил этиш ҳамда уларни жойларда қайта ишлашни йўлга қўйиш. Бу жараёнда мухим масала – қоракўлчилик қуи мажмуасини мақбул (оптимал) ишлаб чиқариш таркибини аниқлаш, иқтисодий механизм ва унинг амал қилишини шакллантириш ҳисобланади.

Қоракўлчилик хўжаликлари ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлималари ҳажмига хўжалик юритиши шакли, аҳоли яшаш пунктлари худудда жойлашиш ўринлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ҳолати, қишлоқ хўжалик ерлари майдони, қўйлар бош сони, ишловчилар сони, хўжаликнинг ихтисослашганлик даражаси, ишлаб чиқариш йўналиши яъни наслчилик хўжаликлари, наслчилик-маҳсулотлари (репродукторы) хўжаликлари, товар хўжаликлари, табиий яйловлар ва яйлов айланмаси билан таъминланганлиги, озуклантириш ва саклаш технолгиясининг қўлланиш даражаси, сув манбалари билан таъминланганлик ҳолати ва бошқаларга боғлиқ.

Юқорида такидланган омилларнинг мутонасиблиги хўжалик ва ишлаб чиқариш бирликларининг оптималлигини таъминлайди, буларнинг ичida ҳал қилувчиси озуқа билан таъминланганлигидир.

Яйловлардан узлуксиз ва пала-партиш фойдаланиш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш имконини берувчи фитомелиоратив тадбирларнинг олиб борилмаслиги туфайли ҳозирги кунда аксарият яйловларда турли даражадаги инқироз юзага келган. Кейинги йилларда олинган маълумотларга кўра, республика чўл-яйловларининг 9 млн. гектарида ўсимликлар дефляцияси натижасида ҳосилдорлик 20% га, 5 млн. га яйловда 20-30 % га ва 2,5 млн. га яйловда 40 % ва ундан юқори даражада пасайган. Яйлов инқирозини юзага келтирувчи асосий омил эса уларда меъёридан ортиқ мол боқишидир. Бундан ташқари, яйлов ўсимлик қопламидан ўтин сифатида фойдаланиш, техноген омиллар, қазилма бойликларни ўзлаштириш, магистрал қувурларни ётқизиш каби инсон фаолияти ҳам чўл-яйлов экотизимларига катта салбий таъсирини ўтказмоқда.

Аммо, чўл-яйловларининг катта қисми деглодацияланганлиги, табиий яйловлар ҳосилдорлиги пасайиши ва сув манбалари билан етарли даражада таъминланмаганлиги, моллар бош сонининг кўпайиши қоракўл қўйларнинг табиий яйловларда ками билан 85,0 фоиз озуқасини олиш ўрнига атиги 50-55 фоизини олиши ҳамда хўжалик ва ишлаб чиқариш бирликларига хизмат кўрсатиш самарадорлигини тубдан ошириш ва етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга кўйиш мақсадида яйловларни модеринизациялаш асосида чўл-яйлов чорвачилиги комплексларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари фаолиятини ўрганиш натижалари кўрсатдики, ихтисослашган хўжаликларида отарлардаги қўйлар бош сони 750 бош сони 500-600 бошдан ошмайди ёки ўрнатилган меъёрларга нисбатан 20-33 фоиз паст. 60 фоиздан кўпроқ дехқон хўжаликларида 50 бошгacha, 18-20 фоизида 100 бошгacha, 7 фоизида 200 бошгacha, 5 фоизида 300 бошгacha ва 3 фоизида 500 ва ундан кўп қўйлар парваришланмокда. Фермер хўжаликлари хажми ҳам қўй боши бўйича турлича бўлиб, 1000 ва ундан кўп бош ўрчитаётган фермерлар атиги 8-10 фоизни ташкил қиласди. Отарлар ва хўжаликларнинг қўй бош сони бўйича майдалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни чегараловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ихтисослашган хўжаликларида бирламчи ишлаб чиқариш бирликларини (отарлар), фермер ва дехқон хўжаликлари размерлари ишлаб чиқилган, янги технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда оптималлаштириш мақсадга мувофиқ.

500 бош қўйни озуқа билан таъминлаш учун 1500 га. табиий яйловлар талаб қилинади. Ушбу майдонларга яйловларда фойдаланишнинг инновация технологиясини жорий қилиб, яъни бир бош қўйга 0,28-0,29 га. юқори ҳосилли сунъий яйловлар яратиб, қўйлар сонини ширкат хўжаликлари бирламчи ишлаб чиқариш бирликларига ва фермер хўжаликларида 2500 бошга ва дехқон хўжаликларида 300-500 бошга етказиш ва ишлаб чиқариш

самарадорлигини кескин ошириш имконини бериш билан биргаликда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланиши ва маҳсулотларни қайта ишлашни шакллантириш ҳисобига чўл худудларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига муҳим маблағ манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Чўл-яйлов чорвачилиги комплексларини ташкил қилиш учун замон талабларига жавоб берадиган чўпон уйлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун уй-жой, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатувчи бино ва иншоатлар қуриш. Шулар билан биргаликда қоракўл қўйларининг асосий қисми майда дехқон хўжаликларида парваришланаётганлигидан келиб чиқиб, ҳамда мавжуд техника ва технологияларнинг қувватини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш шоҳабчалири миқдорини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Ҳар 8000-12000 бош қўйлар мавжуд ҳудудда битта зооветеринария хизмати кўрсатувчи шаҳобча, ҳар 3500-4000 бош она қўйга битта турғун ёки кўчма сунъий қочириш пункти, ҳар 10000-12000 бош она қўйи мавжуд ҳудудда қўзи сўйиш ва қўйлар жунини қирқиши пункtlари, 700-800 бош марри қўйга 5 та соғиши аппаратидан иборат соғиши майдончаси, 54,0-55,0 минг бош қўйга эга бўлган ҳудудда битта гўштни ва қўй териларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш лозим.

15-жадвалда чўл-яйлов чорвачилигининг жойлашиш хусусиятларини ва мавжуд технологияларнинг имкониятидан келиб чиқиб, Навоий вилояти ва қоракўлчилик туманлари бўйича ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш шоҳобчалари миқдори келтирилган. Уни ташкил қилиш янги иш ўринлари ташкил этилишига олиб келади.

**Навоий вилоятида чорвачиликка хизмат кўрсатиш
шоҳабчаларга талаб**

Кўрсаткичлар	Навоий вилояти	Туманлар				
		Конимех	Қизилтепа	Нурота	Томди	Учкудуқ
Зооветеринария пункти:						
шартли қўйлар сони, минг бош	2721,9	495,3	402,3	418,0	332,1	142,9
хизмат кўрсатиш меъёри, бош	10000	10000	12000	10000	8000	8000
талаб қилинадиган пункт сони, дона	272	50	33	42	41	18
Сунъий қочириш пункти:						
она қўйлар сони, минг бош	1046,6	267,7	102,8	205,2	162,9	64,9
хизмат кўрсатиш меъёри, бош	4000	3500	4000	4000	3500	3500
талаб қилинадиган пункт сони, дона	262	76	26	51	46	18
Қўзиларни сўйиниш пункти:						
сўйиладиган қўзилар сони, минг бош	494,9	132,4	43,4	92,4	89,3	38,4
хизмат кўрсатиш меъёри, бош	5000	5000	5000	5000	5000	5000
талаб қилинадиган пункт сони, дона	99	26	9	18	18	8
Кўй жунини кирқиши пункти:						
кўйлар сони, минг бош	1869,0	453,7	166,9	350,7	316,4	125,7
хизмат кўрсатиш меъёри, бош	12000	12000	12000	12000	12000	12000
талаб қилинадиган пункт сони, дона	156	38	14	29	26	10
Кўй сутинни согиниш майдончаси:						
марри она қўйлар сони, минг бош	494,9	132,4	43,4	92,4	89,3	38,4

хизмат кўрсатиш меъёри, бош	800	800	800	800	800	800
талақ килинадиган пункт сони, дона	618	165	54	12	11	5

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Масалан, зооветирнария пунктлари ҳисобидан Навоий вилоятида 1360-1370 та иш ўрни яратиш имконияти вужудга келади. Она қўйларни сунъий қочириш пунктларини ташкил этишда бир ой давомида 785-790 кишини иш билан банд қилиш, қоракўл қўзиларни сўйиш пунктларига 30-35 кун давомида 1180-1190 кишини қоракўл терисига даслабки ишлов беришга, 1870-1875 кишини қўй жунини кирқишга ва 2-3 ой давомида 7415-7420 кишини марри қўйлар сутини соғиб олишга жалб қилиш мумкин бўлади.

Чўл-яйлов чорвачилиги худудлари иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг орқада қолиш сабабларидан бири етиширилаётган маҳсулотларнинг ҳом ашё шаклида истемолчиларга етказиб берилаётганлигидадир.

16-жадвал

Маҳсулот бирликлари нархлари (минг сўм)

T/p	Маҳсулот номи	Сотиб олиш нархи	Тайёр маҳсулотдаги сотилиш нархи	Тайёр маҳсулотдаги сотилиш нархининг сотиб олиш нархига нисбатан, %
1.	1дона қора қоракўл тери	38,0	118,0	310,5
2.	1ц гўшт	2000,0	2780,0	139,0
3.	1 ц жун	800,	3478,6	434,8
4.	1 дона қўй териси	15,0	225,0	1500,0
5.	1 дона бўри териси	200	600,0	300,0

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

16-жадвалдан кўринадики, бир дона қоракўл терини сотиб олиш нархи 38,0 минг сўм уни тайёр маҳсулот сифатида 118,0 минг сўм, 1ц

гўшт, 1ц жун, бир дона кўй териси мос равишда 2000,0 ва 2780,0; 800,0 ва 3478,6; 15,0 ва 225,0 минг сўм ёки қайта ишланган маҳсулот 3-4 баробар юқори нархларда сотилган.

Таҳлилар натижаси кўрсатмоқдаки, қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг 70,0-75,0 фоизи хом ашё хиссасига тўғри келишига қарамасдан олинаётган фойданинг 80,0-90,0 фоизини ўзлаштиришмокда. Бунга сабаб, сотиб олинган хом ашё бирлигини тайёр маҳсулот шаклида 3,0-4,0 баробар юқори нархларда сотилишидир. Хом ашёни ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчилар ўртасидаги номувофикаликни бартараф қилишнинг муҳим йўлларидан бири чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳудудларда уларни қайта ишлашни интеграция ва кооперация асосида ташкил этиш ҳисобланади. Қайта ишланилидиган маҳсулотлар миқдори ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони 17-жадвалда келтирилган.

Қайта ишлаш корхоналари турли мулкчилик шаклида, хусусан кооперация ва интеграция асосида босқичма-босқич шакллантириш чўл-яйлов ҳудудларида жойлашган мулкдорларнинг молиявий, тегишли мутахасисликка эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва зарур инфратузилмаларни вужудга келтириш имкониятларига мос келади. Жойларда хом ашёни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ҳудудларда меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлашга имконият яратиб беради. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига Навоий вилоятининг чўл-яйлов ҳудудларида 5100-5200 та янги иш ўринларини ташкил этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида мавжуд ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг бартараф бўлишига олиб келади.

Бозор иктисодиёти шароитида қоракўлчилик кичик маҳмуасининг барқарор ривожланишини таъминлаш кўп жиҳатдан қурай иктисодий мухит яратилишига боғлиқ. Хўжалик юритишнинг бозор механизми мамлакатга катта микдорда валюта олиб келинишини таъминлаб, республика аҳолиси турмуш даражасини қутариш билан биргаликда ижтимоий тараққиётда орқада колаётган қоракўлчилик ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг ривожланишига ҳам хизмат килади.

**Навоий вилоятида чорвачилик маңсулотларни қайта ишлаш
корхоналарига талаб**

	Навоий вилояті	Туманлар				
		Конимек	Кизилтепе	Нурота	Томди	Учкудук
Коракұл терини қайта ишлаш корхонаси:						
коракұл терилар сони, мінг дона	494,9	132,4	43,4	92,4	89,3	38,4
йиллік қайта ишлаш күvvати, дона	10000	10000	10000	10000	10000	10000
талаб қилинадиган қайта ишлаш корхонаси сони, дона	50	13	4	9	9	4
Гүштни қайта ишлаш корхонаси						
ишлаб чиқарыладиган гүшт, тонна	133159	9213	20939	17335	9986	6577
йиллік қайта ишлаш мөъєри, тонна	200	200	200	200	200	200
талаб қилинадиган корхона сони, дона	666	46	105	87	50	33
Жүнни қайта ишлаш корхонаси:						
ишлаб чиқарыладиган жун, тонна	3622	964,8	273,9	588,8	526,6	281,6
йиллік қайта ишлаш мөъєри, тонна	50	50	50	50	50	50
талаб қилина-диган корхона сони, дона	72	19	5	12	10	6
Мол терисини қайта ишлаш корхонаси :						

мол терилари сони, дона	1363914	95152	184385	238349	156937	80178
Йиллик қайта ишлеш мөъёри, дона	10000	10000	10000	10000	10000	10000
талааб корхона сони, дона	136	10	18	24	16	8
Кўй сутини қайта ишлаш корхонаси						
ишлаб чиқарила-диган сут, тонна	197,9	52,9	17,4	37,0	35,7	15,4
Йиллик қайта ишлеш мөъёри, тонна	5,0	5,0	5,0	5,0	5,0	5,0
талааб қилинадиган корхона сони, дона	39	10	3	7	7	3

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Кўп йиллик тажрибалар гувоҳлик беришча ишлаб чиқаришдан ажралган бошқарув уюшмаси маъмурӣ буйруқбозликка асос бўлиб хизмат қиласди. Мулкчиликнинг турли шакллари бўйича фоалият кўрсатиётган шароитда моддий ишлаб чиқариш бевосита бозор иқтисодиётининг асосий принципи – бозор муносабатлари субъектлари тўлиқ ўз-ўзини бошқариш яъни барқарор тизимли кредитлаш ва соликлар тўлови ёки интеграцияга биноан бирлашиш, иқтисодий маркетинг тизимида фоалият кўрсатувчи, сервис хизматини амалга оширувчи, функцияли бошқарув турида фаолият кўрсатиши ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфатдорлигини шакллантиради ва бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш дастурларини амалга оширади.

Қоракўлчилик кичик мажмуасида ўз-ўзни бошқарувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни сотувчи таркибий тузилмалар “ишлаб чиқиш, қайта ишлеш, сотиш” нинг барча бўғинларда ўзаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлари, хўжалик шартномаларига асосланган бўлиши лозим.

Шартнома ўзаро иқтисодий муносабатларда томонларнинг жавобгарлигини кучайтириб, агросаноат мажмуаси самарадорлигини оширишга хизмат қилиш билан биргаликда ҳар бир аниқ корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини талаб ва таклифга мослаштиради.

Хўжалик шартномалари режадан бутунлай фарқ қилиб, маҳсулот етказиб берувчилар ва хардорларнинг ўзаро товар-пул муносабатларини ифодалаш билан биргаликда бу муносабатларнинг барқарорлигини таъминлайди ва ишлаб чиқаришни истеъмолга мувофиқлаштиради, демак корхоналар ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ва самарадорлигини оширишга ундейди.

Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи корхоналар ўзаро хўжалик шартномаларига биноан маҳсулот етказиб бериш, марказлашган режалаштириш ва бошқарув тизимида шаклланган оралиқ босқич ҳисобланган тайёрлов тизимини кераксиз бўғинга айлантиради. Шартномага мувофиқ **маҳсулот сотиши ҳажмини бажариш** микдори эмас, балки қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш соҳаларининг ўзаро боғлиқ фаолияти самародорлигини ифодаловчи сифат кўрсаткичидир.

Тайёр маҳсулот шартномаларга биноан ва товар хом ашё биржалари орқали релизация қилинади. Куйи мажмуанинг барча бўғинларида улгуржи савдони товар хом ашё биржалари орқали амалга ошириш имконини яратади. Бунда бозор фаолияти ва маркетинг бошқаруви таъсирида қуйи мажмуанинг бозор конъюнктурасига мувофиқ ривожалниш имкониятлари кенгаяди. Шу билан биргаликда хўжасизлик, ишлаб чиқариш ва меҳнатни норационал ташкил этиш натижасида келиб чиқаётган, фойдаланилмаётган ички имкониятлар ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиниб, ишлаб чиқариш харажатлари камайишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида қоракўл тери, мол терилари, гўшт, қўй, эчки ва тужу жунлари, қўй, тужу ва бия сутлари ва бошқа чўл-яйлов

чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш асосида кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштирадиган қоракўлчилик қуи мажмуасини шакллантириш зарур. Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини максимал миқдорда қоплашга эришиш билан биргаликда турли мулк шаклларига асосланган хом ашёни қайта ишловчи корхоналарни шаклланиши ва ривожланиши ҳисобига қоракўлчилик хўжаликлари ва уларда ишловчиларнинг даромадлари қўпаяди.

Хозирда қоракўлчилик хўжаликлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти чегараланган бир вақтда, ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бу масалани маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишни ўзида мужассамлаштирадиган ҳамда даромадларнинг ва валюта тушумини чўл-яйлов худудларидан четга чиқиб кетишига йўл қўймайдиган қоракўлчилик қуи мажмуаси тизимига кирувчи иқтисодий бакувват хўжаликлар ва корхоналар амалга оширилиши мумкин.

Товарларни сотиш бозорлари ва каналарини танлаш, ташки ва ички иқтисодий ҳолатга, бозор конъюнктурасига, маркетинг ва бошқа маълумотларга боғлиқ бўлиб, уларни биргаликда ўрганиш яқин ва узоқ мақсадларни ҳисобга олган ҳолда экспорт стратегиясини ишлаб чиқариш ҳамда шундан келиб чиқсан ҳолда тактика ва ресурсларни жойлаштиришга аниқлик киритилади. Бошқача айтганда, тавсия характеристига эга бўлган 2-5 йил муддатга маркетинг режаси тузилади.

Товарларни бевоста истеъмолчиларга востачилар орқали сотиш каналарига бўлиш мумкин. Қоракўлчилик қуи мажмуасида бозор муносабатларининг иштирокчилари бўлиб маҳсулот ишлаб чиқарувчилар дехқон, фермер ва ихтисослашган хўжаликлари,

маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар ва товарлар реализацияси билан шуғулланувчи корхоналар ҳисобланади.

Чўл-яйловлар аҳолига маданий майший хизматлар кўрсатиш ўта қониқарсиз ҳолатдалиги, хўжаликлар таъминотидаги муаммолар, ишлаб чиқаришга сервис хизмати кўрсатишнинг пастлиги, қайта ишловчи корхоналарининг камлиги натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар паст баҳоларда сотилаётганлиги, бир қисми ўз хардорларини топаолмаётганлиги, ҳатто сут, жун ва мол териларининг катта қисми яроқсиз бўлаётганлиги, саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларининг номутоносиблиги, сотилган маҳсулотлар ҳакини тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари томонидан, шартномадан белгиланган муддатлардан жуда кечиктириб тўланиши, бозор инфратузлмасининг талаб даражасида шаклланмаганлиги, қоракўл қўйларининг 60 фоизи, маҳсулотларнинг асосий қисмини етиштраётган майда, йирик майдонларда тарқоқ жойлашган дехқон хўжаликларида хизмат кўрсатиш инфратузилмаси деярли шаклланмаганлиги хўжалик юритиш шакллари ва механизmlаринигина эмас, балки аҳолига ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш тизимларини ҳам тубдан ислоҳ қилишни талаб қиласди.

Чўл-яйлов чорвчилиги маҳсулотларини қайта ишловчи кохоналарни ташкил этиш мақсадида, чорвачилик билан шуғулланувчи, хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағларини бирлаштириб, маъсуляти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва бошқа шаклдаги хўжалик юритиш бирликлари ташкил қилишлари мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулк асосида фаолият кўрсатаётган эркин товар ишлаб чиқарувчигина ўз фаолияти натижаларидан максимал миқдорда фойда олишга интилувчи хўжалик юритувчи субъект бўлиш имкониятига эга бўлади. Соҳада бундай субъектлардан бири фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Фермерларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлайди ва ўз фаолиятини, йўналишларини бозор талабларидан келиб чиқкан ҳолда такомиллаштиради, қайта ташкил этади ва ўзгартиради.

Бозор муносабатлари шароитида фермер максимал миқдорда фойда олиш мақсадида талаб катта бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга ўз фаолиятини йўналтиради.

Ҳозирда деҳқон ёки чорвадор ишлаб чиқариш таркибини, мулк шаклини, қандай маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш турини ўз фойдасини кўзлаган ҳолда мустақил белгилайди.

Шу сабабли фермер хўжаликларининг ишблармонликдаги эркинлиги таъминотчилар ва истеъмолчиларни танлаш, етиштирган маҳсулотларига баҳо белгилаш ва олинган фойдани солиқ тўловлари амалга оширгандан кейин, эркин, ўз хоҳишига биноан фойдаланиш имкониятини беради. Фермер хўжаликларининг барқорар ривожланиши бевосита баҳо, талаб, таклиф, рақобат ва давлатнинг мувофиқлаштириши каби ташкилий-иктисодий механизмининг самарадорлигини белгилайдиган ва хўжалик даромадини кўпайтиришга асосий шароитни яратиб берадиган бозор элименларининг амал қилишига боғлиқ.

Лотин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон тажрибаларининг кўрсатишича, кўп тармоқли фермер хўжаликлири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш билан биргаликда тижорат, агросервис ҳамда ахолига маданий ва майший хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳам йўлга қўйганлиги сабабли юқори самарадорликка эришмоқда ва қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг етакчи бўғини бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатдорлигини ошириш ва чўл-яйлов ҳудудлари ижтимоий-иктисодий ривожланишини янада

тезлаштириш мақсадида, чорвачиликда, хусусан қоракўлчиликда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, етиширилган маҳсулотни қайта ишлаш, товарларни сотиш кабилар барқарор тизимларнинг шаклланиши билан биргаликда чўл аҳолисига сервис хизматлари кўрсатиш ҳажмларининг кескин кўпайишига ҳам олиб келади.

Чўл-яйлов ўсимликлари уруғларини етиширишга ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжаликлари яйловларини ва улардаги сув манбаларни модеринизациялаш, хашак тайёрлаш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш билан биргаликда ишлаб чиқариш бирликларига ва ҳудуд аҳолисига транспорт, механизация, техника-таъмирлаш хизмати кўрсатишни йўлга қўйиши мумкин.

Чорвачилик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи кўп тармоқли фермер хўжаликлари ўзига ва ҳудудда жойлашган хўжаликларга она молларни сунъий уруғлантириш, қўзиларни сўйиш ва қоракўл терига бирламчи ишлов бериш, зооветеринария, қўй, эчки ва тую жунини қирқишилар билан биргаликда ҳудуд аҳолисига маданий майший ва бошқа сервис хизматлари кўрсатишни ҳам ташкил этишлари мумкин. Кўп тармоқли бошқа фермер хўжаликлари эса ҳудудда етиширилган маҳсулотни қайта ишлаш ва товарни сотиш билан биргаликда қишлоқ аҳолисига сервис хизмати кўрсатиш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Тўртинчи шаклдаги кўп тармоқли фермер хўжаликлари маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ҳамда ахолига сервис хизмати кўрсатишни амалга оширишлари мумкин (18-жадвал).

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишда чўл-яйлов ҳудудларининг ўзига хос жиҳатларини, яъни, хўжаликнинг ташкилий-иктисодий имконияти, аҳоли зичлиги, инфратузилма обьектларининг ривожланганлик даражаси, жойларда маҳсулот ва хизматга бўлган талаб – таклиф ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошув мақсадга мувофиқ.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги шакллари

Яйлов ўсимликлари уруғини етиштирувчи ва техник хизмат кўрсатувчи	Кўп тармоқли чорвачилик фермер хўжалиги шакллари		
	Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи	Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи	Маҳсулот ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари шаклларининг фаолият йўналишлари

Чўл-яйлов ўсимликлари уруғлари ни етиштириш	Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш
Яйловларни ва улардаги сув манбаларини модернизациялаш	Она молларни сунъий уруғлантириш хизмати	Етиштирган маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш	Ишлаб чиқаришга сервис хизмати кўрсатиш
Хашак тайёрлаш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш	Қўзиларни сўйиш ва қоракўл терига бирламчи ишлов бериш хизмати	Қишлоқ ахолисига сервис хизмати кўрсатиши-суратхона, ҳамом, гўзалик салони, тўй ва бошқа маросимларни ташкил қилиш, умумовқатланиш шоҳобчалари, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиши, пойабзал таъмирлаш ва тикиш, телерадио ва оргтехника аппаратларини созлаш устахоналари ташкил қилиш, савдо-сотик шоҳобчалари ва ҳоказо хизматларни кўрсатиши мумкин.	Етиштирган маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш
	Кўй, эчки ва туюнни қирқиши хизмати		Қишлоқ ахолисига сервис хизмат кўрсатиши
	Худуд ахолисига маданий-майиши ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиши		

Таклиф этилаётган шаклларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантириш натижасида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш, ишлаб чиқаришга сервис хизмати кўрсатиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш хўжаликнинг ўзи томонидан бажарилиши ўзга тайёров ва қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарининг хизматларига эҳтиёж қолдирмайди ва улар томонидан ўзлаштирилаётган фойда хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида истеъмолга сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини ишлаб етиштиришни, хом ашё ва маҳаллий ресурслардан унумли фойдаланишни, янги иш ўринлари яратилишини, ахоли даромадлари кўпайишни таъминлаш билан биргаликда истеъмол бозорларига товарлар таклифининг кўпайишига ва рақаботнинг кучайишига олиб келади. Шу билан биргаликда худуд ахолисига сервис хизмати кўрсатиш ҳажми сезларли даражада кўпаяди ва сифати яхшиланади.

Агросаноат мажмуасида бозор инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишдаги қийинчиликлар ва бир қатор хом ашёларнинг нобуд бўлиши қишлоқ хўжалик корхоналари учун уларни хом ашё сифатида эмас қайта ишланган шаклда сотиш қулай ва фойдалидир. Бундай ёндашувнинг афзаллиги шундан иборатки, ривожланган ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган саноат корхоналари томонидан юқори сифатли ва кенг ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун уларнинг 20-35 % фойдаланилаётган бир вақтда етиштирилган барча маҳсулотлардан, жумладан, саноат ишлаб чиқариши талабларига жавоб бермайдиганларидан ҳам унумли фойдаланиш ва қишлоқ худудларини ижтимоий-иктисодий ривожланишини барқарорлаштириш имконияти вужудга келади. Таъкидланган муаммони ечиш ва шунингдек, қайта ишлашдаги манополияга бараҳм бериш учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишлавчиларни кооперациялашни кенг миқёсда ривожлантириш

асосида интеграциялашган тузулмаларни хусусан агрофирмаларни ташкил этиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан маҳсулотларнинг қулай ва тез сотилишига, яъни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг маркетинг фаолияти билан узвий боғлиқ. Шу сабабли кўп турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, шунингдек маҳсулотнинг асосий қисмини туман ва вилоят ҳудудидан четга сотувчи хўжаликлар ўзларига шахсий маркетинг хизматини ташкил этишлари лозим. Кам ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар эса маҳсус ихтисослашган маслаҳат (консалтинг) фирмалари хизматларидан фойдаланишгани мақсадга мувофиқ. Бунинг ҳаммаси хўжалик раҳбари ва мутахассисларини маҳсулотни талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда қаерда ва қандай баҳода қулай сотиш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди ҳамда маркетинг стратегиясини йўналишда амалга оширишга ёрдам беради.

Баҳолар номувофиқлиги (диспаритет) шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларига техника, нефт маҳсулотлари, ем-хашак, зооветеринания жиҳозлари, ветдорилар, лизингга ишлаб чиқариш воситалари олишида компенсациялар, шунингдек, имтёзли кредитлар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Давлатнинг асосий мувофиқлаштирувчи тамойили корхоналар нормал фаолият кўрсатиши учун агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш даромаддорлигини минимал даражада таъминланишига қаратилмоғи лозим. Таъкидланган тамойилни аграр соҳада олиб борилаётга баҳо, солиқ, сўғурта ва кредит сиёсатига сезиларли ўзгартиришлар киритиш орқали эришиш мумкин.

Йирик ихтисослашган хўжаликларни қайта ташкил қилиш йўли билан бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ва чўл-яйлов ҳудудлари иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган агрофирмаларга айлантириш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни саноат билан қўшиш мавсумий ишларни

муддатида ўтказиш, хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, товарларни қулай вақтда сотиш, иш кучини йил давомида бандлигини, бир маромда пул ресурслари тушиб туришини, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан бегоналашуви ва хом ашё сифатида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган худудлар доирасидан чиқиб кетишининг олди олиниши натижасида бутун мажмуа самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг 70,0-75,0 фоизи хом ашё ҳиссасига тўғри келишига қарамасдан, олинаётган фойданинг 80,0-90,0 фоизини ўзлаштиришмоқда. Юқорида таъкидланганидек, сотиб олинган хом ашё бирлигини тайёр маҳсулот шаклида 3,0-4,0 баробар юқори нархларда сотилишидир.

Шунинг учун биринчидан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни ўзгартирган ҳолда 50-60 минг бош қўй, ками билан 200 бошдан қорамол, от, тuya каби чорва молларини парваришаётган иирик ихтисослашган хўжаликлари худудида гўшт, сут, қоракўл ва мол терилари, жун ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ва товарларни сотиш бўлимини ташкил этиб, хўжаликларни агрофирмага айлантириш.

Иккинчидан, ихтисослашган қоракўлчилик хўжалигига инновация технологияларни жорий этиб, отарлардан 2500-3000 бош қўй парваришланадиган чорвачилик комплекслари ёки уларда фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳамда хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва сотишни бир корхона миқёсида бирлаштириш орқали хўжаликни агрофирмага айлантириш мақсадга мувофиқ (З-расм).

Чўл-яйлов чорвачилигига агрофирма тузилмаси



3.3. Шартнома шартлари бажарилишидаги жавобгарлик ва уни ошириш масалалари

Чўл-яйлов чорвчилигида тадбиркор-мулқдор табий, меҳнат, моддий-техниковий, молиявий ва қишлоқ хўжалиги хайвонларининг генетик ресурслари ҳамда маълум бир технологияга мувофиқликда, самарали фойдаланиб, қоракўл териси, гўшт, жун ва бошқа хом-ашё маҳсулотлари етиштиришрувчи алоҳида ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади. Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилишига хизмат қилувчи, таёрловчи, қайта ишлавчи ва савдосини ташкил этувчи ташкилотлар ўзаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августада қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни(бундан кейин матинда қонун деб ёзилади) ва “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида” Вазирлар Макамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми (бундан кейин матинда Низом деб ёзилади) бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келаётган мазмунан янги иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, шартномалар тузиш тажрибасига етарлича эга бўлмаган чўл-яйлов чорвачилиги хўжалик (маъсулияти чекланган жамият, фермер ва дехқон)лари, кичик ва ҳусусий бизнес субъектлари, ҳусусий тадбиркорларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, турли хил таъминотчи, тайёрловчи монопол корхоналар ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларда уларнинг хукуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда ушбу норматив-меъёри хужжатларнинг тутган ўрни бекиёсdir.

Демак, юқорида такидланган норматив-меъёри хужжатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатли ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларида шартномавий муносабатларни шакллантиришда бир қатор муаммолар ҳам учрамоқда.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари амалиётида қўлланилаётган омухта ем, дағал хашак ҳамда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар тегишли қонунлар ва меъёри хужжатлар талабларига жавоб бермаслиги изланишлар натижасида аниқланилди.

Маҳсулот етказиб бериш бўйича ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчилар ўзаро тузган шартномаларда шартноманинг умумий суммаси, томонларнинг хукуқлари, тайёрловчининг мажбуриятлари тўлиқ кўрсатилмаган ва тўлдрилиши лозим бўлган бандлар очик қолдрилган. Маҳсулотларни топшириш, қабул қилиб олиш пунктлари, шартноманинг тузилган жойи ва почта реквизитлари, низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқалар шартнома шаклида ўз аксини топмаган.

Қонуннинг 21-моддасида шартномалар хукуқий экспертизадан ўтказиш лозимлиги белгилаб қўйилганлигига қарамасда шартномалар хукуқий экспертизадан ва Низомнинг 22-бандига кўра эса шартнома туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилиши лозим, аммо ўтказилмаганлиги аниқланилди. Бир қатор шартномаларда юқорида такидланган камчиликлардан ташқари шартноманинг мазмуни аниқ сотилаётган маҳсулот номига мувофиқ келмайди, сифати ва ассортименти, нархлар жуннинг сифати ва турлари бўйича, хисоб-китоб тартиби, форс-мажор ҳолатлари, сотиб олувчининг мулкий жавобгарлиги белгиланмаган, шартнома тузилган жой, ва бошқалар кўрсатилмаган. Чорва молларини суғурта қилиш бўйича тузилган ва суғурта бадали тўланганлигига қарамадан суғурта компанияси шартнома шартларни бажармаган. Қиши мавсумининг ноқулай келганлиги сабабли қўйлар нобуд бўлишган, аммо суғурта пули суғурта компанияси томонидан ўлган моллар суғурталанган моллар эканлигини аниқлашнинг имконияти бўлмаганлиги важи билан тўлаб берилмаган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шартнома шакллари амалдаги конунлар ва меъёрий хужжатлар талабларига жавоб бермайди ва кўп ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг заарига тузилмоқда. Шу сабабли шартнома тузиш ҳақидаги таклиф келиб тушгандан кейин шартноманинг барча бандлари амалдаги қонун ва меъёри хужжатларга мувофиқлиги ҳамда муҳим шартлар бир тарафнинг манфаатларига зид эмаслигини аниқлиш ва ўзаро тўлиқ келишувга эришилгандан сўнг шартномани белгиланган тартибда расмийлаштириш мумкин.

Амалдаги қонунларга мувофиқ хўжалик шартномалари эркин, ихтиёрилик асосида тарафлардан бирининг таклифини иккинчи тараф қабул қилиш йўл билан тузилиши, тузилгандан кейин эса унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш икки тарафнинг розилиги билан амалга оширади ҳамда ёзма шакилда расмийлаштирилади. Шартномага бир томонлама ўзгартириш киритиш мумкин эмас. Аммо, шартномалар кўп ҳолларда юқори ташкилотларнинг кўрсатмалари орқали тузилаётганли ҳеч кимга сир эмас. Шу билан биргаликда хизмат кўрсатувчи ва таёрловчи корхоналар ўзларнинг монопол мавқеидан фойдаланишиб шартнома шартларни ўз фойдаларидан келиб чиқиб белгилашга уринишмокда. Бундай ҳолларда хўжалик тузилган шартноманинг амалдаги қонунларга зид тузилганини кўрсатиб бекор қилинишни сўраб судига, мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки қисман бажарлмаслиги оқибатида катта зарап кўриши мумкин. Ҳақ тўлаш назарда тутилган шартномаларда (ФКнинг 356 моддаси) товарлар баҳоси кўрсатилмаган ва шартнома шартлари бўйича уни белгилаш имкони бўлмаган ҳолларда “Шартноманинг баҳоси, хисоб-китоб қилиш тартиби” қисмида “товарлар (ишлар, хизматлар)га тўловлар амалга оширилаётган даврда ўша минтаقا бозорларида шаклланган ўртача бозор баҳоси бўйича ҳақ тўланиланди” деган банд ўз аксини топган бўлиши лозим. Бу банд тарафлар ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш бўйича келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ўз ўзидан барҳам топади. Шартномада мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки муддат талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, у ҳолда қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддатда бажариши шартлиги ФКнинг 242-моддасида белгилаб қўйилган.

Хўжалик шартномаларини ҳақиқий эмаслиги билан боғлик низолар келиб чиқан тақдирда, битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик ҳақидаги (ФКнинг 115 моддаси), янгилишиш таъсирида тузилган (ФКнинг 122 моддаси), алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининги иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган (ФКнинг 123 моддаси), қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган (ФКнинг 124 моддаси) битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги умумий қоидалар хўжалик шартномаларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.

Башарти, шартнома шартларини белгилаш ва уларга қўшимчалар киритиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ёки бошқа идораларнинг тазиики билан мажбуран амалга оширилган бўлса, бундай шартнома ФКнинг123 моддасига мувофиқ, ҳақиқий эмас деб топилиши масаланинг бир томони, иккинчи томони хўжалик етказиладиган маънавий ва моддий заарларни аниқлаш, уларни қоплаш механизмини ишлаб чиқиш, ўз ваколатларни суйистеъмол қилган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш лозим. Мансабдор шахслар тазиики остида тузилган шартномалардан ҳосил бўладиган барча маънавий ва моддий заарларни тазиик ўтказган шахсдан ундирилиши билан биргаликда етказилган заарларнинг 15 фоизи миқдорда молиявий жарима ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ.

Меъёри хужжатларга зид равища маҳсулот бериш, хизматлар кўрсатиш учун олдиндан тўлов тўланиши амалга оширилмаганда, бартер шартномалари тузилганда, тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилган тақдирда, бундай битимларнинг тузилишига йўл қўйган мансабдор шахслардан етказилган зарар тўлиқ ундириш билан биргаликда шартнома қиймманинг 15 фоизи миқдорида жарима ундиришни ҳам йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Қонуннинг 20-, 21-моддаларида хўжалик шартномаларининг тузилиши вақтида юридик хизмат кўрсатувчи ёки адвокат томонидан шартноманинг қонун хужжатларига мувофиқлиги текширилиб, имзоланиши, қонун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз барабаридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хulosасидан кейингина тузилиши кўрсатилган, Низоми 5-бандида эса “Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиши, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган барча турдаги шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак”, деб белгилаб қўйилган. Ушбу талабларга риоя этилмаслиги натижасида тарафларнинг қўрган маънавий ва моддий заарларини қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахслардан тўлиқ ундириш ва шартнома қиймматининг 15 фоизи миқдорда жарима солинишини

йўлга қўйиши шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқ тузилишига маъсул раҳбар ходимларнинг жавобгарлигини оширади.

Умумий қоидага кўра, қонун ҳужжатлари ва шартномада бошқача тартибда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик (шартнома интизомини бузганлик) учун Қонуннинг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик кўлланилади. Агар хўжалик шартномасида шартнома интизомини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, тарафларнинг жавобгарлиги шартномага асосан кўлланилади. Шу сабабли ва ҳар хил низолар (судга асоссиз мурожаат қилиш ва бошқа тушунмавчиликлар) келиб чиқишининг олдини олиш ва шартнома шартлари бажарилишида тарафлар маъсулиятини ошириш мақсадида ҳар иккала томоннинг жавобгарлигини шартномада аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Агар шартномада шартнома интизомини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлса, фактат шу ҳолатлар учун жавобгарлик шартномага асосан кўлланилади. Шартномада кўзда тутилмаган шартнома интизомини бузиш ҳолатлари учун эса жавобгарлик Қонуннинг 5-боби, тегишли моддаларига асосан қўллашнилиши лозим. Хусусан, шартномада товарни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилгани ҳолда сифати, ассортименти, нави лозим даражада бўлмаган товарларни етказиб берганлик, тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик, аккредитивдан фойдаланмаганлик ва бошқа ҳолатлар учун шартномада жавобгарлик белгиланмаган бўлса, шартномада кўзда тутилган шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарлик шартнома асосида, кўзда тутилмаган шартнома интизомини бузиш ҳолатлари учун жавобгарлик Қонуннинг 26-, 29- ва 30-моддаларига асосан кўлланилади.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро шартнома муносабатларини тартибга солувчи норматив-меъёрий ҳужжатлар ўзаро иктисодий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ҳукукий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан биргаликда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида уларга амал қилишда бир қатор муаммолар учрамоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар иктисодий барқарорлиги таъминланиши бевосита шартнома шартларининг муддатида ва тўлиқ бажарилишига боғлиқдир.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларига хизмат кўрсатувчи, таъминотчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан шартнома шартларини бажармаслиги оқибатида маҳсулот етишириб берувчига ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етказилмоқда.

Шу сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш жарёнларида ва шунингдек, хизматлар кўрсатиш борасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштиришда қуидаги вазиятларга асосий эътиборни қаратиш лозим:

- қишлоқ хўжалигига шартнома муносабатларини такомиллаштириш нафақат шартнома шартларининг бажарилиши устидан давлат назоратини жамоат ташкилотлари назоратларини кучайтириш билан боғлиқ, балки, қишлоқ хўжалиги корхоналарига турли хизматлар кўрсатаётган (МТП лар, зооветнринария, техник-таъмирлаш, қурилиш, маркетинг, кимё таъминоти корхоналари, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари, турли маслаҳат хизмати кўрсатиш борасидаги тузилмалар) корхоналар тизимида бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган фаолият механизмини жорий этиш, хусусан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ахамият касб этади чунки, монополистик ташкилотлар ўз монопол мавқейидан фойдаланиб кўпроқ даромад қилишади ва буюртмачининг талабларини эса кейинги ўринларга қўйяди.

- чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини етишириувчи корхоналар билан тайёрловчи, қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартномалар тузилиши биринчи навбатда шартнома предмети ҳисобланувчи чорвачилик маҳсулотлари хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Чунки, маҳсулот етишириш микдори ва сифати кўп жихатдан табиий яйловларнинг мавсумлар ва йиллар бўйича ҳосилдорлигига ҳамда чўл –яйлов чорвачилиги жойлашган ҳар бир худуднинг ўзига хос табиий иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Шунингдек, чорва молларининг ҳар хил касаликларга чалиниши, йилнинг оғир келиши ҳамда бошқа табиий оғатлар туфайли бош сонининг камайиши, олинган маҳсулотларнинг турли зааркунанда ва ҳашоратлар таъсирига мойиллиги кабилар шартномалар тузилиши чоғида асосий мезонлардан бири сифатида қабул қилиниши лозим. Томонлар ўртасида тузилган контрактация шартномалари табиий иқлим шароитининг кескин ёмонлашуви сабабли бажарилмай қолиши ёки талаб даражасида бажарилмаслиги мумкин. Бундай

маҳсулот етиштирувчи томонини айлаш ноўрин бўлади. Лекин шартномаларда бундай вазиятлар учун «Форс-мажор» шарти киритилиши кўзда тутилса-да, кўп ҳолларда контрактация шартномалари «Форс-мажор» вазиятига юзаки ёндашилган ҳолда имзоланади. Бу ҳол кўпроқ маҳсулот етиштурувчилар зарар кўради, шу жиҳатдан ҳам ушбу масала алоҳида аҳамият беришни талаб қиласди;

- чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари хусусан сут, гўшт, ширдон ва жун, мол терилари кабиларни ишлаб чиқариш ва уни сотиш борасидаги шартномаларда маҳсулотнинг тез бузулувчанлиги, сифати пасайиши ёки умуман яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкинлигини шартномалар тузиш чоғида атрофлича ҳисоб-китобларга таянувчи шартлар киритилишини таказо этади. Бунда етиштирилган маҳсулотларни буюртмачи томонидан қабул қилиш, ташиш жараёнлари, уларни сақлаш шароитлари мавжудлигини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамизда чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари билан тайёрловчи, қайта ишловчи ташкилотлар ўртасида тузилаётган шартномалардан ушбу вазиятлар деярли ҳисобга олинмайди. Шунингдек, бугунги қунда етиштирилган қоракўл териси, жун, моллар терисини қабул қилишда маҳсулот сифатини асосан қабул қилувчи ташкилот белгилайди ва бу жараёнда хўжаликлар иштироки етишмайди. Ёки ушбу жараёнга аралашиш учун хўжаликларга шароит туғдирувчи механизм мавжуд эмас.

Юқоридаги ҳолатни тез бузулувчан сут маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарга топшириш чоғида ҳам кузатиш мумкин. Бу вазиятда ҳам қайта ишловчи ташкилот монополист бўлганлиги боис маҳсулот сифатини бир томонлама белгилайди ёки маҳсулот учун баҳо белгилашда ўз шартини қўяди. Акс ҳолда хўжалик етиштирган маҳсулот қисқа вақтда бузилиб ўз сифатини йўқотиш мумкин.

Шу боис қабул қилиниши кечиктирилиши натижасида бузилган маҳсулотдан кўрилган зарарни хўжаликка тўлаб берилишини таъминловчи ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш катта аҳамиятга эга.

Чўл-яйлов чорвачилигининг муҳим хусусиятларидан бири бу худудларда асосан қоракўлчилик, эчкичилик, туячилик каби чорвачиликнинг ноёб соҳаларини ривожлантириш мумкинлиги билан қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ажralиб туришиди. Шу сабабли чўл-яйлов чорвачилиги жойлашган минтақаларда бозорбоп

юқори даромад келтирадиган маҳсулотларни бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқан ҳолда, танлов асосида етишириш имконияти чекланган. Аммо таъкидланган чорвачилик соҳаларидан олинаётган маҳсулотлар микдорини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказиш ва бозорни ташкил этиш йўли билан соҳалар самарадорлигини тубдан ошириш мумкин. Етиширилаётган маҳсулотларга нарх белгилаш ва сотиш бўйича қайси ташкилот билан шартнома тузиш юқори бошқарув органлари томонидан белгилаб кўйилмоқда. Бундай ҳолатда томонларнинг шартнома тузишдаги эркинликлари чекланилади. Шу сабабли юқори бошқарув органларининг хўжалик юритувчи субъектлар хўжалик юритиш фаолиятига, хусусан ўзаро шартномаларни тузиш жараёнига аралашувини тақиқлайдиган механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида, жумладан чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш мавсумий характерга эга. Бу эса хўжалик маҳсулотни етишириб, уни бозорга таклиф килиш учун маълум муддат қўшимча сармояларини ишлаб чиқаришга жалб қилиниши мумкинлигини тақазо этади. Чунки, бугунги кунда хўжаликда аксарият ҳолларда эркин маблағни етишмаслиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўсиқ бўлмоқда. Даромад эса фақатгина хўжалик йили якунида маҳсулот сотилгандан сўнг пайдо бўлиши, чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларини йил давомида тайёрловчи, қайта ишлаш корхоналари томонидан бўнаклар билан таъмин этиш заруриятини ёки қисқа муддатли қарз олиш учун шароит яратишни тақозо этади.

Айникса, хўжаликларни йил давомида етарли микдорда ва ўз вақтида омухта ем, дағал хашак, ёқилғи мойлаш материаллари, яйловларни сув билан таъминлаш, қўзиларни бантроверка қилиш, қўзиларни қоракўл териси учун сўйиш, молларни гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сўйиш, қоракўл ва мол териларига ишлов бериш, қўйларнинг жунини қирқиб олиш, учун зарур асбоб ускуна ва жихозлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашнинг қай даражада йўлга кўйилганлиги маҳсулот сифати ва микдори бўйича хўжаликнинг шартнома шартларини бажарилишини белгилаб беради. Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларини зарур ресурслар билан таъминловчи корхоналарнинг монопол вазиятини ҳисобга оладиган бўлсак, шартнома шартларни шу нуқтани назарда такомиллаштириш лозим.

Юқорида такдланганлардан келиб чиқиб, шартнома муносабатларини такомиллаштириш куйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларнинг доимий равишда хуқуқий билимларини ошириш йўналишдаги ўқув семинарлари, қисқа муддатли курслар ташкил этиш аҳамияти ортиб бормоқда. Республикада қабул қилинаётан хуқуқий меъёрий, хужжатлар кўплиги, улар доимий равишда такомиллашиб бораётганлиги боис, чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари раҳбарлари уларнинг борлигини билиши шарт бўлмаса-да, хўжалик раҳбари етарли даражадаги хуқуқий онгга эга бўлиши ўз ҳақини ҳимоя қилиш учун тегишли мутахассис ва идораларга мурожаат қилишига имкон туғдиради.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари билан турли ташкилотлар ўртасида пайдо бўлаётган низолар таҳлиллари кўрсатишича аксарият ҳолларда хўжалик раҳбари шартномаларни имзолаш пайтида лоқайдликка йўл қўйган, ёки шартномада кўзда тутилган шартларнинг моҳиятини охиригача англаб етишга уриниб кўрмаган ҳолда шартномаларни имзолашган. Бу эса йил сўнгида тайёрловчи ва хизмат қўрсатувчи ташкилотлар фойдасига турли низолар пайдо бўлишига олиб келади ва хўжалик судга мурожаат қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу жиҳатдан ҳам хуқуқий онг шаклланиши чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ва хусусий қишлоқ тадбиркори хисобланувчи фермер ва дехқон хўжаликлари учун катта аҳамиятга эга.

Шартномавий муносабатлар томонларнинг эркин мулоқати ва ўзаро фойдали ҳамкорилигини хуқуқий расмийлаштириш жараёни бўлиб хисобланса-да, шартнома муносабатлари ва хуқуқий онг шаклланишининг ҳозирги босқичида чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари манфаатлари доирасида шартномаларнинг наъмунавий нусхалари Республика Адлия Вазирлиги томонидан тасдиқланиб борилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, қайта ишловчи ва тайёрловчи ташкилотлар юқори малакали мутахассисларга эга, шунингдек, тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш учун чўл худудларида фаолият юритаётган хўжаликларга нисбатан қулайроқ имкониятларга эга.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари хусусан фермер ва дехқон хўжаликлари сони жуда кўплиги, ҳажми кичиклиги хўжаликлар раҳбарлари кўп ҳолларда тегишли маълумотлар ва билим савиясига

эга бўлмаган тадбиркорлар эканлиги, дастлабки вақтларда фермерлар ва дехқонлар мафаатлари химоясига алоҳида аҳамият беришни тақозо этади.

Таҳлиллар кўрсатишича шартномалар нусхалари асосан тайёрловчи, қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тайёрланиб, хўжаликларига имзолаш учун тақдим этилади ва хўжалик раҳбарлари буни эътиборсиз ҳолда имзолайди.

Чўл-яйлов чорвачилиги ривожланиши истиқболи, шартнома шартларига риоя қилишни томонлар ўзлари учун мажбурият сифатида қабул қилишига, шартнома шартларини бажармаслик катта миқдорлардаги жарималар тўлашга олиб келиши мукаррарлигига ишонч шаклланишига боғлик бўлади.

Тадқиқот натижларидан келиб чиқан ҳолда тақдлаш мумкинки, қоракўлчилик хўжаликларида мулк ва мулкий муносабатлардаги камчиликлар - мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топишига ва ундан самарали фойдаланишга йўл қўймаяпти. қоракўлчилик хўжаликларида мулкий муносабатларни такомиллаштириш ва мулқдан фойдаланувчиларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида шартномавий муносабатларни мукаммаллаштириш лозим. Хўжалик билан тузилган шартномаларни ўрганишдан аниқландики, шартнома шакллари амалдаги қонунлар ва меъёри хужжатлар талабларига жавоб бермайди ва кўп ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг зарарига тузилмоқда. Буни бартараф этиш қуидагилардан иборат:

- қоракўлчилик хўжалиги ва унга хизмат қилувчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларни мукаммаллаштирилган ва такомиллаштирилган контрактация-шартномалари асосида ташкил этиш;

- хўжалик билан унинг бўлималар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкалаш мақсадида ички хўжалик шартномаларини такомиллаштириш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Мукаммаллаштирилган ва такомиллаштирилган контрактация шартномалари амалда жорий этиш ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки, томонлар фаолиятлари иқтисодий самарадорлигининг ошишига ҳам хизмат қиласи.

3.4. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуасида иқтисодий муносабатлар

Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуаси фаолияти самарадорлиги бевосита ҳамкор корхоналарининг ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимиға боғлиқ. **Иқтисодий муносабатлар** - бу ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг натижаларини алмашиш жараёнларида корхоналарнинг иқтисодий манфаатлари амалга ошириладиган алоқаларнинг бир шакли.

Қўйи мажмуа тизимида ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, саклаш ва сотиш, билан шуғулланадиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ташкил этишнинг асосий шакли - хўжалик шартномасидир. Унинг ёрдамида ўзаро ҳамкор корхоналар ва ташкилотлар моддий ресурсларни етказиб бериш ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмлари, маҳсулот сифати, ассортименти ва етказиб бериш муддатлари, маҳсулотлар ва хизматлар баҳолари ва тарифлари, шартнома шартлари бузилганлиги учун санкция миқдорларини белгилайди. Демак, шартнома томонларнинг аниқ натижалар учун ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини тартибга солувчи иқтисодий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Аммо, чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларига омухта ем, дағал хашак етказиб бериш ҳамда етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини реализация қилиш бўйича тузилган шартномалар амалдаги қонунлар ва меъёри ҳужжатлар талабларида мутлоқа жавоб бермаслиги изланишлар натижасида аниқланилди. Масалан, “Сарибел” қоракўлчилик хўжалиги билан “Бухоро-Қоракўли-Гайрат” маъсулияти чекланган жамият ўртасида тузилган қоракўл терисини етказиб бериш шартномасида корхона шакли, тузилган жойи, шартнома(мавзуси) предмети, тарафларнинг ҳуқуқлари, маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари), шартноманинг баҳоси, ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, низоларни ҳал этиш тартиби, якунловчи қоидалар(тўлдрилиши лозим бўлган жойлар очик қолдирилган) шартномада ўз аксини топмаганлиги шартнома шартларини бажаришда бир қатор ноаниқликларни ва низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан биргаликда шартномалар хуқуқий экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш лозимлиги белгилаб қўйилганлигига қарамасда ўтказилмаган, форс-мажор шартлари ўз аксини топмаган, сотиб оловчи томонидан маҳсулот ҳақ муддатида тўлаб берилмаган. Демак шартноманинг шакли, таркиби ва мазмуни конун хужжатлари талабларига жавоб бермайди ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларнинг барқарор ривожланишига тўскилик қилмоқда.

Бошқаришнинг бозор шароитларига ўтиш билан чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларининг қайта ишлаш саноати билан ўзаро муносабатларидаги аҳвол анча ёмонлашди. Қайта ишлаш корхоналарини хусусийлаштириш чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуасида ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, уларнинг монопол ҳолатини йўқ қилишга ёрдам бермади. Қайта ишлаш корхоналарининг асосий қисми акциялаштириш вариантини танладилар, бунда бошқарув улуши уларнинг меҳнат жамоаларида қолди, қолган қисми хомашё етказиб берувчилар ўртасида тақсимланди. Шу билан бирга, чўл-яйлов чорвачилиги ишлаб чиқарувчиларига тегишли акциялар маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятларни уларга юкламайди, улар янада қулай шартларда хомашёни бошқа корхоналарга етказиб беришлари мумкин. Шундай қилиб, акцияларга эгалик уларнинг эгасини ишлаб чиқариш ривожланишдан манфаатдор шахсга айлантиrmади.

Акция эгасининг қизиқиши максимал дивиденdlарни олишdir, аммо тўловлар инқирози кўпинча ишлаб чиқариш харажатларини қоплашга ҳам имкон бермади. Шунинг учун ҳам дивиденdlар қуи мажмуа корхоналарининг ўзаро иқтисодий муносабатлари ривожланиши ва барқарорлашишига хизмат қилмади. Натижада қўплаб чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари инқрозга юз тутишди. Бу эса ўз навбатида чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини сотиш муаммосини келтириб чиқарди.

Чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси корхоналари ўртасида ўзаро иқтисодий манфаатли муносабатлар тизими яратилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмни қайта ишлаш қувватлари етишмаётганлиги, катта меҳнат ва харажатлар сарфлаб ишлаб чиқилган қўй сути, мол териси ва жун каби қайта ишлаш корхоналари учун қиммат баҳо хомашёларни ахлатга чиқариб

ташланишига, қоракўл тери, гўшт ва бошқа маҳсулотлар чукур қайта ишланмасдан асосий қисми хомашё сифатида сотилишига олиб келди. Бу эса ўз набатида чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси рақобатбардошлигини кескин пасайишга сабаб бўлди. Масалан, Навоий вилоятида гўштни қайта ишлаш 18-20 фоиздан, жунни 20-21, мол терилари 30 фоиздан ошмаяпти. Қоракўл тери қайта ишлаш ошлаш, жунни эса ювиш билан якунланмоқда холос. Улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Натижада, жуннинг товарлик даражаси 66,9 фоизни, қоракўл тери 34,7 ва мол териларики 9,9 фоизни ташкил қилган холос ва ишлаб чиқилган 2783,7 ц жун, 3649 дона қоракўл тери ва 15775 дона мол терилари ўз харидорларини топмаган.

Демак чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари барқарор ривожланишини тўсиқ бўлаётган яна бири жиддий муаммо етишириган маҳсулотларни сотишдир. Олиб борилган тадқиқотлар, ҳам ички ҳам ташқи бозорларда хом ашё эмас тайёр маҳсулотларга кучли талаб мавжудлигини кўрсатди. Бухора, Тўртқўл, Нурота шаҳарларида ва айрим хўжаликларда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларидан турли хилдаги буюмлар тайёрлаб ички ва ташқи бозорларда сотишдан хомашёга нисбатан 4-5 баробар кўпроқ даромад олишмоқда. Қўшни Қозоқистон Республикасида ҳам жунни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилганига қадар харидор топилгандагина 1 килограмм дағал жун 5 tengeda сотилган. Ҳозирда эса 1 кг. дағал жунни сотиш нархи 18 тенегача кўтарилиган.

Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларининг қайта ишланаётган қисми ҳам шаҳарларда жойлашган саноат корхоналари томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу саноат корхоналари сони камлиги ва қувватларининг етишмаслиги ҳамда монопол ҳолатдалиги чўл-яйлов чорвачилигига яратилган қиймматнинг катта қисмини ўзлаштириб олишга имкон бермоқда яъни ўзаро муносабатларда иқтисодий адолатсизлик содир бўлмоқда.

Масалан, қоракўл теридан тайёр маҳсулот тайёрлаш учун сарфланган харажатларнинг 62,4 фоизи уни ишлаб чиқариш, 37,6 фоизи қайта ишлашга сарфланган. Аммо, қоракўл терини қайта ишлашга 37,6 фоиз харажат қилган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чикувчи 86,7 фоиз фойдани ўзлаштирмоқда, маҳсулотни ишлаб

чиқарувчи эса атги 13,3 фоиз фойдага әгалик қилмоқда. Гўштни қайта ишлаш учун уни ишлаб чиқувчи 73,2 фоиз харажат сарфлаган ҳолда фойданинг фақатгина 11,2 фоизини, қайта ишловчи эса 26,8 фоиз харажат сарфлаб фойданинг 88,8 фоизни олган. Жуни қайта ишловчи олинган фойданинг 86,9 фоизини ўзлаштирган ҳолда 13,3 фоиз ишлаб чиқариш харажатларини сарфлаган холос. Демак, ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимидағи камчиликлар хусусан баҳолардаги диспаритет туфайли қайта ишловчи саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг 70-75 фоиз даромадларини асоссиз ўзлаштириб олишмоқда.

Хозирги иқтисодий қийинчиликлар кооперация ва интеграцияни такомиллаштирган ҳолда шакллантириш заруриятини кетириб чиқармоқда. Булар, авваламбор, баҳолар диспаритети (баҳолар номутаносиблиги) ва солиққа тортишнинг мураккаб тизими, маҳсулотларни сотища ва ишлаб чиқариш ресурсларини харид қилишда муккамал алоқаларнинг йўқлиги, қишлоқда мулкчилик ва ер муносабатларининг ўзгариши, чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуасида иқтисодий фаолиятни самарасиз бошқариш тизими, бозорнинг шаклланиши билан боғлиқ кескин зиддиятлардир. Ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи, хизмат кўрсатувчи ва бошқа корхоналар моддий манфаатлари бевосита қуи мажмуа якуний натижа билан эмас балик ўз фаолияти натижаси билан боғлиқлиги ўзаро иқтисодий манфаатли алоқаларни йўлга қўйилишидаги жиддий тўсиқлардан биридир.

Такидланганлар билан биргалиқда чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг мавжуд эмаслиги, илмий тадқикот ва наслчилик ишлари тизимли олиб борлимаётганлиги, маркетинг(сотиш) хизмати ташкил этилмаганли, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси ривожланмаганлиги каби йирик муаммоларни ўзаро ташкилий-иктисодий боғлиқ хусусан ишлаб чиқиш ва бозор хизматларини кўрсатувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хом ашёни қайта ишловчи, тайёр маҳсулотларни сотувчи корхоналар ва хўжаликлар фаолиятини кооперациялаш ва интеграциялаш йўли билан ечиш тақоза этмоқда.

Интеграциялашган ишлаб чиқаришга ўтиш объектив равища иқтисодий ривожланиш даражаси ва тармоқлараро алоқалар билан белгиланади. Интеграцияни ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум бир босқичида пайдо бўладиган, меҳнат

таксимоти асосида ривожланган тармоқлараро ўзаро таъсирнинг ташкилий-иктисодий шакллари етарли бўлмаганда пайдо бўладиган самарали ва иктисодий тараққиётни таъминлайди ижтимоий-иктисодий жараён деб хисоблаш мумкин.

Интеграция натижасида синергетик самарага эришилади, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, жорий харажатларнинг тежамкорлиги, маҳсулот сифатининг яхшиланиши, харидорга етказиб бериш муддатининг қисқариши ва натижада - унинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришdir. Синергетик самаранинг иктисодий кўрсаткичлари - бу ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши (ресурслар ҳажми ўзгармаган ҳолда) ва маълум ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун жорий харажатларни тежаш натижасида ялпи даромад, фойда ва рентабеллик даражаси ўсиб боради.

Маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар ҳам ва хомашёни қайта ишловчи корхоналар ҳам якка ўзлари иктисодий инқороздан чиқишлиари жуда қийин. Агар режали-маъмурий иктисодиёт шароитида чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси тармоқлари ўртасидаги муносабатлар бутунлай давлат томонидан ўрнатилган бўлса, энди бу масалалар билан корхоналар ўзлари шуғулланишлари шарт. Бундай ҳолатда чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари ичида, хомашёни қайта ишлаш ва агросервис корхоналари ўртасида келиб чиқадиган қарама-қаршиликлар ва муаммолар кооперация ва интеграция доирасида ўз ечимларини осон топиши мумкин.

Мавжуд муаммоларнинг оқилана ечимни топиш жамоавий уйғунлашувни талаб этмоқда. Барқарор тараққиётни таъминлашни таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувисиз, инновацион жараёнларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки, инновация билимлар тугал концентрациялашган интеграциялашув туфайли пайдо бўлган гоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгиланишларга асосланган тўкин ва фаровон ҳаёт, ижтимоий ва иктисодий юксалишни таъминловчи омилдир.

Маҳаллий ва хорижий тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги иктисодий алоқалар самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича интеграция ва кооперациянинг, турли хил яхлит ташкилий шаклларни ишлаб чиқиш ва кенг жорий қилиш асосида эришилганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси соҳалари ва корхоналарини интеграциялаш ва кооперациялаш жараёнларини амалга оширишда ушбу қуи мажмуанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш шарт. Хусusan чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари асосий қисми майда дехқон хўжаликларида 21,0 млн. гектардан кўп майдони эгаллаган кам ҳосили чўл яйлов майдонларида етиштирилишини, ўнлаб турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланмаганлигини, аҳоли тарқоқ жойлашганлиги, бозор механизмлари суст шакилланганлиги ва бошқалар.

Масалан, республикада урчитилаётган 6,2 млн. бош қоракўл қўйларидан 4,4 млн. боши дехқон хўжаликлари 0,5 млн. боши фермер хўжаликлари ва 1,3 млн. боши қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ёки уларнинг хиссасига мос равища 71,0 фоиз, 8,0 ва 21 тўғри келган. Мавжуд она қўйларнинг 30 фоизигина сунъий уруғлантирилган. Бу эса харажатларнинг ошиб кетишига ва маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабли чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари етиштирилаётган худудларда хомашёни чукур қайта ишлаб тайёр маҳсулот тайёрловчи, маҳсулотларни саклаш, қуи мажмуага агросервис хизматларини кўрсатувчи, моддий-техник ресурслар таъминоти ташкил этувчи ва тайёр маҳсулотлар сотилишини ташкил этувчи кохоналарни маҳсулот ишлаб чиқарувчилар мулк ва маблағларини бирлаштириш ҳисобидан исъемол кооперативлари шаклида барпо этилиши уларнинг ўзаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлайди, фаолияти самарадорлиги ошишини таъминлайди ҳамда молиявий барқарорлигини қучайтиради. Шунингдек, қуи мажмуа хўжаликлари ва корхоналарини кооперациялаш натижасида минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлади ва чўл-яйлов худудларни ижтимоӣ ривожлантириш учун ҳам имкониятлар вужудга келади.

Интеграция ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга, ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш цикли иштирокчиларининг манфаатларини яхшироқ мувофиқлаштириш зарурлигига олиб келади. Бу ерда асосий вазифа ҳар бир иштирокчининг якуний натижага кўшган ҳиссасиниadolatli аниқлашдир. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш босқичларининг teng рентабеллик принципидан фойдаланиш энг яхшисидир. Бундай ҳолда, тайёр маҳсулотни сотишдан тушадиган

пул маблағлари меъёри харажатлар ва рентабелликнинг меъёри даражаси асосида ёки пировард маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган жами харажатлар асосида (мутоносиб) тақсимланади.

3.5.Чўл-яйлов чорвачилигига кластер ва унинг аҳамияти

Чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуасида бозор механизмидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар мавжуд. Хусусан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, хизмат кўрсатиш корхоналари суст ривожланмоқда, хўжаликларнинг сервис хизматларига бўлган талаблари етарли даражада қондирилмаяпти. Ушбу соҳаларда ҳанузгача соглом рақобат муҳити шаклланмаган, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг замонавий муқобил ва нодавлат шаклларини ташкил этиш ва зарур инвестицияларни жалб қилиш талаб даражасида эмас. Ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилиши, кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтилиши каби сабаблар нафақат агросервис хизматларига бўлган талабнинг кескин ортишига, балки ушбу тизимда диверсификациялаш жараёнини такомиллаштириш заруратига олиб келмоқда. Зотан, ҳозирги шароитда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни сифатли ва арzon агросервис хизматларига бўлган талабини ўз вақтида қондириш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқдаки, бу эса ўз навбатида бозор механизмини жорий этишга ҳамда соҳанинг барқарор ривожланишига ва рақботбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бир зооветеринария пункти чорва молларнинг жойлашган ҳудуд майдонинг катта-кичиклигига қараб 8,0-12,0 минг бош шартли қўйлар ўринига 48,4 минг бош ёки 4-6 баробар кўп шартли қўйларга хизмат кўрсатмоқда. Қашқадарё вилоят зооветеринария хизматлари кўрсатишига 33,0 млн. сўмлик буюртма олган ва 27,0 млн. сўмга ёки 81,7 % га бажарган холос. Республикада бир бош шартли қўйга кўрсатилган зооветеринария сервис хизмати 15,0 минг сўм ўрнига атги 80,0 сўмни ташкил қилган. Бундан ташқари Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда истиқомат қилишига қарамай, бу ерда хизмат кўрсатиш ҳажми охирги йилда 25-27 фоиздан ошмади. Коракўлчилик тармоғи жойлашган ҳудудларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан таъминот даражаси 10-15 марта паст. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмни қайта ишлаш қувватлари етишмаётганлиги, қўй сути, мол териси ва жун каби маҳсулотлардан деярли фойдаланилмаётганли ва маҳсулотларнинг

чукур қайта ишланмасдан катта қисми хомашё сифатида сотилаётганлиги чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси рақобатбардошлигини кескин пасайишга сабаб бўлмоқда. Масалан, Навоий вилоятида гўштни қайта ишлаш 18-20 фоиздан, жунни 21-21, мол терилари 30 фоиздан ошмаяпти. Қоракўл тери қайта ишлаш ошлаш, жунни эса ювиш билан якунланмоқда холос. Улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Натижада, жуннинг товарлик даражаси 66,9 фоизни, қоракўл тери 34,7 ва мол териларики 9,9 фоизни ташкил қилган холос ва ишлаб чиқилган 2783,7 ц жун, 3649 дона қоракўл тери ва 15775 дона мол терилари ўз харидорларини топмаган. Демак чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари барқарор ривожланишини чегаралаб қўйаётган омиллардан яна бири етишириган маҳсулотларни сотиш муаммосидир. Ички бозорда ҳам ташки бозорда ҳам хом ашё эмас балик чукур қайта ишланган маҳсулотларга кучли талаб мавжудлигини олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики. Бухора, Тўртқўл, Нурота шаҳарларида ва айрим хўжаликларда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларидан турли хилдаги буюмлар тайёрлаб ички ва ташки бозорларда сотишдан 4-5 баробар кўпроқ даромад олишмоқда. Кўшни Қозоқистон Республикасида ҳам жунни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилганига қадар харидор топилгандагина 1 килограмм дағал жун 5 тенгеда сотилган. Ҳозирда эса 1 кг. дағал жунни сотиш нархи 18 тенегача кўтарилиган. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, қоракўл теридан тайёр маҳсулот тайёрлаш учун сарфланган харажатларнинг 62,4 фоизи уни ишлаб чиқариш, 37,6 фоизи қайта ишлашга сарфланган. Аммо, қоракўл терини қайта ишлашга 37,6 фоиз харажат қилган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқувчи 86,7 фоиз фойдани ўзлаштироқда, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи эса атги 13,3 фоиз фойдага эгалик қилмоқда. Гўштни қайта ишлаш учун уни ишлаб чиқувчи 73,2 фоиз харажат сарфлаган ҳолда фойданинг факатгина 11,2 фоизини, қайта ишловчи эса 26,8 фоиз харажат сарфлаб фойданинг 88,8 фоизни олган. Жуни қайта ишловчи олинган фойданинг 86,9 фоизини ўзлаштирган ҳолда 13,3 фоиз ишлаб чиқариш харажатларини сарфлаган холос. Демак, қайта ишловчи корхоналар мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида, энг муҳим монопол мавқедан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг 70-75 фоиз даромадларини асоссиз ўзлаштириб олишмоқда. Такидланганлар билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги қуйи мажмуаси учун

махсус малакали кадрлар тайёрлаш тизими шаклланмаганли, илмий тадқиқот ва наслчилик ишларининг қонқарсизлиги, маркетинг(сотиш) хизмати ташкил этилмаганли каби йирик муаммоларни ўзаро ташкилий-иктисодий боғлиқ хусусан ишлаб чиқиш ва бозор хизматларини кўрсатувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хом ашёни қайта ишловчи, тайёр маҳсулотларни сотувчи, илмий ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатувчи муасассалар, корхоналар, хўжаликлар фаолиятларини бир технологик тизимга бирлаштирувчи кластер бошқарув технологиясини жорий этиш орқали ечиш мумкин. Мавжуд муаммоларнинг оқилана ечимни топиш жамоавий уйғунлаувни талаб этмокда. Барқарор тараққиётни таъминлашни таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувисиз, инновацион жараёнларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки, инновация билимлар тугал концентрациялашган интеграциялашув туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг фаол ҳамкорлиги маҳсули, янгиланишларга асосланган тўкин ва фаровон хаёт, ижтимоий ва иқтисодий юксалишни таъминловчи омилдир. Бунинг учун чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуаси учун юқори малакали кадрлар таёйрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, дунё стандартлари даражасидаги замановий талабларга мос зооинженерқоракўлчи, ветеринар, инжнер-технологик, инжнер-техник мутахассислар билан биргаликда ўрта махсус мутахассисларини етиштириш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича барқарор тизим яратилиши лозими. Иқтисодиётда кластер бу нафақат рақобат, балки мавжуд муаммоларнинг ечимини жамоавий ёндошувда, мавжуд хом ашё, энергия ва меҳнат заҳираларидан самарали фойдаланиб, фаол билимлар алмашинувига асосланган турғун ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва ўзаро ишончли ҳамкорликда бир технологик тизимга бирлашган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари гурухи шаклланиши демакдир. Ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминловчи, ахоли турли қатламларининг бандлигини, реал даромадларини изчил оширувчи, ноёб тармоқ-чўл-яйлов чорвачилигига маҳсулот етиштиришдан бошлаб чукур қайта ишлашгача бўлган тизим, қуи мажмуани янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака, билимларини мужассамлаштиручи кластер бошқарув технологиясини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бухоро вилоятида “Komteks pposy” МЧЖ

шаклида ташкил этилаётган, маҳаллий ҳокимлик томонидан бошқарилувчи қўй жунини саноат усули асосида қайта ишлайдиган кластерга киритилаётган сармоя асосан мавжуд йигириш, тўкув ва тикув-трикотаж қувватларини жойида йириклаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилади. Бу мажмуа ички ва ташки бозорга йилига 1,5 млн. дона тайёр маҳсулот, 2,5 минг тонна калава ип, қарийб 4 млн. погоно метр тўқима маҳсулотлари етказиб бериш имконини яратади. Аммо, қоракўл қўйларидан жун билан биргаликда унинг асосий маҳсулоти бўлган ноёб қоракўл тери, гўшт, қўй терилари, сут ва бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Алоҳида маҳсулот тури бўйича эмас балик чўл-яйлов чорвачилиги қуи мажмуасини битта кластерига қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Бунга сабаб биринчидан, қоракўл тери, жун, гўшт, сут ва қўй терилари қоракўл қўйларидан олиниши билин биргаликда эчкичилик, қорамолчилик, туючилик, йилқичилик, паррандачик каби соҳалардан ҳам маҳсулотлар олинади, иккинчидан, фақат бир маҳслот тури бўйича кластер ташкил этиш эса бошқа маҳсулот турларини чуқур қайта ишланиб тайёр товар маҳсулотга айланишини таъминламайди, учинчидан, каластер ташкил этилган маҳсулот турига иқтисодий ресурсларнинг асосий қисми йўналтирилиши оқибатида ишлаб чиқариш технологиясининг муқаррар бузилишига олиб келади. Кластерни бошқариш юқори малакали мутахассислардан шакллантирилган маҳсус мувофиқлаштурувчи кенгашни томонидан амалга оширилади. Бу кенгаш кластер ҳудудида тайёрланадиган ҳар бир тайёр маҳсулот тури бўйича гурухлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Кенгаш “Чўл-яйлов чорвачилиги кластери”нинг истиқболда барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг амалда бажарилишини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Кластер қамраб олган ҳудудда юқори самарадорли техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, илмий-амалий муаммолар ечимлари билан тегишли илмий-тадқиқот муассалари, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий ва ўрта маҳсус таълим муассалари томонидан амалга оширилиши ташкил этилади. Чўл-яйлов ўсимликлари уруғларини етиштирувчи ва инновацион технологияларни қўллаш асосида яйловлар ҳосилдорлигини (2,5-3,0 ц/га ўрнига) 20-25 ц/га қўтарилишни таъминлаш ҳамда сув таъминоти тизимини шакллантирувчи, озуқа тайёрловчи уни қайта ишловчи, зооветеринария хизматларини амалга оширувчи, қўйлар жунини

киркувчи, кўзиларни коракўл тери учун сўйувчи, гўштни, жуни, коракўл терини, мол териларини, кўй ва бошқа моллар сутини қайта ишловчи ва тайёр товар маҳсулотлари тайёрловчи ҳамда уларни сотиши билан шуғулланувчи корхоналарни барпо этишни тақоза килади. Натижада минглаб янги иш ўринлари яратилади, олинаётган даромад эса 4-5 баробарга кўпаяди яъни ҳудуднинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун имкониятлар вужудга келиши билан биргаликда чўл-яйлов чорвачилиги куйи мажмуаси рақобатбардошлиги кучайишини таъминлайди. Бошқаришнинг кластер технологияси жорий этиш юқори қўшимча қиймматга эга бўлган маҳсулотларни тайёрлашнинг таъминланиши ўз навбатида мажмуанинг барча бўғинларини ақли машиналар тизими ёрдамида бошқариш, ишлаб чиқариш харажатларини кескин қисқартирадиган сувдан ўта арzon (1 л. сувдан олинган энергия билан автомашина 1400 км масофани босиб ўтган ёки 1 сўм харажатга 300 сўм даромад олиш мумкин) энергия олиш, биогаз ишлаб чиқариш ва шунга ўхшащ бошқа технологияларни хард қилиш ва жорий қилиш имкониятини яратади. Натижада олинадиган фойдани яна бир неча баробарга оширади ва мажмуа рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлайди.

3.6. Агросаноат мажмуасида баҳолар диспаритети ва уни бартараф қилиш йўллари

Агросаноат мажмуасининг турли корхоналари ўртасидаги баҳолар даражасининг мақбул нисбати қишлоқ хўжалиги соҳасини самарали ишлаши учун асосий мезон ҳисобланади.

Жаҳон амалиёти кўрсатдики, саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ишлаб чиқариш воситалари нархлари ва кўрсатиладиган хизматлар тарифлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозоридаги баҳоларга нисбатан бир неча баробар тез ўсиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасида баҳолар диспаритети муаммоси алоҳида долзарбликни касб этмоқда. Ҳар қандай мамлакат иктисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим элементи баҳолар ҳисобланади. Давлат баҳолардан иктисодий восита сифатида фойдаланиб, устувор тармоқлар ва ишлаб чиқариш ривожланишини рағбатлантириши ёки нокулай шароитда катта миқдорда моддий харажатлар ва ишчи кучи талаб қиласидиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни секинлаштириши мумкин.

Баҳолар агросаноат мажмуасининг алоҳида бўлимлари, соҳалари рентабеллик даражасини, уларнинг ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларининг мағфатли асосда ривожланишини, ривожланиш шартларини, ишчи ва ходимларни моддий рағбатлантириш даражасини белгилайди.

Агросаноат мажмуаси корхоналари маҳсулотларига баҳолар ва кўрстидаги хизматларга тарифларни белгилаш механизми илмий тадқиқотлар учун муҳум аҳамиятга эга. Асосий эътибор, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларининг эквивалент тармоқлараро алмашинувини асослашга, харид баҳоларининг асосий даражасини белгилашда объектив иқтисодий омилларни ва баҳоларда маҳсулот сифати тўлиқ ҳисобга олинишга қаратилиди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги тармоқлари маҳсулотларга самардорли баҳони шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти туғилиди.

Шу билан бирга, айни пайтда кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари мувозанатли баҳо сиёсатини ишлаб чиқиша етарли тажрибага эга эмаслар, бу эса баҳолар диспариетнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вактда мамлакат иқтисодиётда баҳо белгилашнинг асосий усули бозор усули ҳисобланади. Маълумки, бозор баҳоси - бу харажатлар, тўловга қодир талаб, эркин рақобат, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солниш даражаси, тармоқларнинг монополлашиш даражаси ва бошқа каби кўплаб кўрсаткичларнинг мажмуасидир. Дарҳақиқат, ҳозирги шароитда аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳо белгилашда бу усул қўлланилмайди, чунки сотилган маҳсулотлар таркибида заарига сотиладиган маҳсулотлар улуши юкори.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун реал бозор баҳоси аҳолининг паст тўловга қодир талаби, маҳсулот сотиши учун маданийлашган бозорнинг йўқлиги, турли воситачиларнинг фаол таъсири, қайта ишлаш корхоналарининг монополияси шароитида шакилланмоқда.

Шундай қилиб, бозор баҳолари ўзининг классик моҳиятига асосланган ҳолда мамлакатимиз агросаноат мажмуаси корхоналарида аслида қўлланилмайди.

Ҳозирги шароитда бозор баҳоларини давлат томонидан жиддий қўллаб-куvvatланмасдан амалда қўлланилиши қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларининг тўлиқ зарар билан ишлашига

олиб келади, чунки қишлоқ хўжалиги корхоналари манфаатлари асосида шаклланган таклиф баҳолари эркин бозордаги талаб баҳоларидан сезиларли даражада ошиб кетади.

Агросаноат мажмуасининг турли корхоналари ўртасидаги баҳолар даражасининг мақбул нисбати мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғининг самарадорли ишлаши учун асосий восита ҳисобланади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларидаги диспаритет қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг жадал иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Баҳолар диспаритети икки шаклда намоён бўлади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган товар ва хизматлар баҳолари харажатлардан юқори белгиланиши;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид баҳоларини харажатларни қоплаш даражасидан пастроқ белгилаш. Шу билан бирга, бир қатор иқтисодчилар бозор муносабатларига ўтиш билан баҳолар нисбати янгидан шаклланади деб баҳоларнинг тенгсизлигини инкор этмоқдалар.

Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибий қисмлари ривожланишида номутаносибликлар мавжуд. Масалан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳоларида диспаритет. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги баҳолар саноат корхоналари товарлари, ишлаб чиқариш ва техник, транспорт ва қурилиш хизматлари нархларига нисбатан секинроқ суръатларда ўсмоқда, бу эса баҳолар диспаритетини келтириб чиқаради.

Бозор муносабатларининг ушбу салбий ҳодисаси давлат назорати остида бўлиши керак. Бундай вазиятда давлат ҳам истеъмолчилар, ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳоларни тартибга солиши керак. Баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш паритет концепциясига асосланган бўлиши керак.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайдиган агросаноат мажмуасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатларнинг номутаносиб улушкини давлат ўз зиммасига олишга мажбур. Бунга бозор иқтисодиётининг салбий томонлари, хусусан, аҳолининг турли қатламларининг номутаносиб даромадлари, инфляция ва ишилизикнинг юқори даражалари ва бошқалар кўшилади.

Баҳо диспаритети муаммоси асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўzlари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти

бозор конъюнктурасини ўрганмайдилар ва нима бўлишигини кутишади. Кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар баҳоларни шакллантиришнинг асосий усули сифатида энергия ресурслари, қишлоқ хўжалиги техникаси, уруглар, ем-хашак нархларининг кутилаётган кўтарилишини ҳисобга олиб, маҳсулот танинархидан фойдаланадилар ҳамда баҳоларни белгилашди.

Шу билан бирга, қайта ишлаш корхоналари ва йирик улгуржи ташкилотлар агросаноат мажмуаси маҳсулотлари баҳолари шаклланиши ва даражасига ўз манфатларидан келиб чиқиб кучли таъсир кўрсатмоқда. Давлат тузилмаларининг баҳолар шаклланишдаги роли(галла ва пахтадан ташқари) эса минималдир. Бундай вазиятда корхоналарининг жуда кам қисми ўз маҳсулотларига баҳоларни шакллантириш учун зарур бўлган рентабеллик даражасидан фойдаланади.

Кўпгина ҳолларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва сотиб олиш бўйича битимлар тасодифий характерга эга бўлиб, бу шерикларни топиш, шартномаларни бажариш ва маркетинг маълумотларини ўрганиш учун юқори транзакция харажатлари билан боғлик. Шу билан бирга, баҳолар диспаритети пайдо бўлиши бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига боғлик бўлмаган бир қатор сабаблари ҳам мавжуд. Асосий сабаб - сотиб олиш баҳоларининг пастлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчилар яъни рақобатчилар камлиги билан изоҳланади. Натижада, қайта ишлаш корхоналари сотиб олиш баҳоларини монополистик тарзда белгилашди.

Бундай ҳолатнинг юзага келишига асосий сабаб амалдаги конунчиликдир. Унга кўра агросаноат мажмуаси маҳсулотларига баҳолар маҳаллий бозор конъюнтураси ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Бозор баҳоларини аниқлаш усуллари қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан муваффақиятли ўзлаштирилган ва қўлланилганига қарамай, маҳсулот сотиши ва сотиб олиш бўйича шартномалар бевосита мустақил воситачилар томонидан тузилади. Бу кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳаллий монополист таъсирида бўлишига олиб келади.

Буларнинг барчаси худуддаги қишлоқ ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига баҳолар шаклланишининг амалдаги тизими расман бозорга асосланганligини келтириб чиқаради. Амалиётда эса баҳоларни шакллантириш асосан харидорларнинг манфаатларидан

келиб чиқкан холда амалга оширилади ва қишлоқ ишлаб чиқарувчилари манфаатлари ҳисобга олинмайди.

Худуднинг эркин озиқ-овқат бозорида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари импорт маҳсулотни етказиб берувчилар билан ҳам ва ишлаб чиқариш шароитлари қулай бўлган бошка миңтақалардан олиб келинадиган маҳсулотлар билан ҳам рақобатлашиш имкониятига эга эмаслар, сабаби тегишли равишда худуднинг ўртача ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган холда ҳисобланган таклиф баҳоларидан ва меъёри рентабеллик даражасидан фойдаланишларири.

Бинобарин, давлат даражасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш каналларини тақомиллаштириш бўйича чоралар кўриш зарур, бу ҳам баҳолар диспаритетини камайтиришнинг самарали усули ҳисобланади. Акс холда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш каналлари тизими агросаноат мажмуасининг энг заиф бўғини бўлиб қолаберади. Бундан ташқари, сотиш каналлари самарадорлиги пастлиги маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш ва саклаш жараённида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сезиларли даражада йўқотилишига олиб келади, ҳамда маҳсулот етказиб бериш ва хомашё билан таъминланишнинг мавсумийлиги туфайли янада ортади.

Агросаноат мажмуаси сотиш каналлари самарадорлигини ошириш учун жаҳон амалиётида муваффақиятли қўлланиладиган куйидаги принциплардан фойдаланиш мумкин:

-ёпиқ савдо циклини ташкил этиш маҳсадида агросаноат мажмуаси корхоналарини интеграциялаш. Бу эса ўз набатида воситачилар сонини камайтиради;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи савдо шаклларини фаол ривожлантириш орқали соҳадаги баҳолар даражасига монополиянинг таъсирини сезиларли даражада камайтиришга эришилади;

-давлат буюртмалари амалиётидан фойдаланиш;

-ички бозорни тартибга солиш механизми сифатида агросаноат мажмуаси корхоналарини интеграциялаш услубларини тақомиллаштириш ва улардан фаол фойдаланиш.

Агросаноат мажмуасида баҳолардаги диспаритетни камайтириш бўйича такидланган йўналишларнинг самарадорлигига ички озиқ-овқат бозори ташки бозорлардан ажратилган тақдирдагина эришиш мумкин бўлади. Бизнинг фикримизча, агросаноат мажмуаси соҳалари ўртасидаги мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари ва

уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари ишлаб чиқариши кучларнинг баркарор ва динамик ривожланишига йўл бермаяпти.

Агросаноат мажмуаси базоридаги иқтисодий муносабатлар тизимида баҳо механизми тубдан такомиллаштиришга муҳтож. Аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид баҳолари ва саноат корхоналари маҳсули бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи баҳолари нисбатида ҳам, динамикасида ҳам баҳолар паритетни таъминлаш зарур.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларининг улгуржи баҳоларининг ҳар кандай ўсиши ушбу маҳсулотларни харид баҳолари кўтарилиши билан тўлиқ копланиши керак. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларининг чакана баҳоларига келсак, улар харид баҳолари даражасидан пастроқ бўлиши мумкин ва ўртадаги фарқ эса давлат ёки маҳаллий бюджетлар томонидан копланиши зарур.

Шунингдек, давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ташки савдо шартларини ва уларнинг ташки бозорларга кириб боришини соддалаштириш зарур.

Мамлакат агросаноат мажмуасидаги баҳолар диспаритетини бартараф этиш учун республика ва унинг худудлари миқёсида куйидаги чораларни кўриш зарур: - республика агросаноат мажмуасининг замонавий моддий-техника базаси яратиш ва қишлоқ хўжалиги бозорининг инфратузилмасини шакллантириш; - импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини демпинг баҳоларда республика бозорига киришини олдини олиш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқиш; - қишлоқ хўжалиги ҳом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ижтимоий аҳамиятга эга турларига баҳоларнинг максимал даражасини белгилаш; - маҳсулотлари қайта ишлаш учун сотиб олинадиган агросаноат мажмуаси корхоналари учун бюджет маблағлари ҳисобидан баҳолардаги фарқни қоплаш.

3.7. Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва унинг иқтисодий самарадорлиги.

Чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликларида етиштираётган маҳсулотлар тайёрлов ва қайта ишлаш, умумий овқатлаши ва савдо корхоналарига, хусусий тадбиркорларга, аҳолига ва дехқон бозорларга сотиш учун етказиб берилмоқда. Бу маҳсулотлар ҳом ашё

шаклида сотлаётганлиги ва қайта ишловчи монопол ҳолати ҳамда кувватларнинг етишмаслиги сабабли арzon нархларда сотилмоқда.

19-жалвалдан кўринадики, 1 ц. гўштни сотиш баҳоси ўрганилаётган даврда 88,0 фоизга кўтарилиган ва 728,8 минг сўмни ташкил қилган, жунники эса аксинча 23,4 фоизга камайган ва 785,9 минг сўмга тенг бўлган.

19-жадвал

Навоий вилояти “Қоракўл” бирлашмаси тизимидағи ширкат хўжаликлари маҳсулотларини сотиш баҳолари

Кўрсаткичлар	Йиллар			2015й. 2013йилга нисбатан,%
	2013	2014	2015	
Маҳсулот бирлиги сотиш баҳоси, минг сўм:				
1 ц. гўшт (тирик вазнда)	387,6	672,8	728,8	188,0
1 ц. жун	1025,8	1011,9	785,9	76,6
1 дона қоракўл тери	20,2	25,2	27,4	35,6

Манба: Навоий вилояти “Қоракўл” бирлашмаси маълумотлари асосида.

Бир дона қоракўл терининг баҳоси 20,2 минг сўмдан 27,4 минг сўмгача 35,6 фоизга кўтарилиган. Лекин қайта ишлаш кувватлари етишмаслиги сабабли ишлаб чиқарилган қоракўл териларнинг 9279 донаси ёки 26,2 фоизи сотилмасдан қолган. Республикада ягона бўлган “Бухоро қоракўл” заводи 1990 йилларда 1100,0 минг дона қоракўл терини қайта ишлаган ва бир дона қоракўл терини ўртacha 10,0-13,0 доллардан, 2001 йилга келиб донасини 2604,5 сўмдан олиб, 168,1 минг дона қоракўл тери қабул қилган ва бир донасини ўртacha 10,1 доллардан экспорт қилган. Давр талабига жавоб бера олмаганилиги учун завод ўз фаолиятини тўхтатган. Ҳозирги кунда қоракўл терини қайта ишлаш билан бир неча ўнлаб кичик корхоналар шуғулланишмоқда.

Қораколпогистон республикаси Тўрткўл шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси 31- уйда яшовчи якка тадбиркор Нурииддин Итжонов фаолиятини ўрганиш нажижасида аникландикӣ, йилига 180-200 дона қоракўл териларни бозордан сотиб олади ва терини ошлаш ҳамда бош

күйимлар тикиб сотиши билан шуғулланади. 90-95 дона терини ошлаб сотса, 105-110 дона теридан бош күйимлар тайёрлаб сотишни йўлга қўйган. Ўн кунда тадбиркор томонидан 20-30 дона тери ошланади ва икки кунда бир дона телпак тикади.

20- жадвалдан кўринади, ўтган йили тадбиркор томонидан хард қилинган 211 дона қоракўл терилардан 98 донасини хард қилиш ва ошлаш учун 15462,0 минг сўм сарфлаган ва уларни сотишдан 24675,0 минг сўм даромад олган. Ошланган бир дона қоракўл териниг ўртacha таннархи 157,8 минг сўм ва унинг ўртacha сотиш нархи 251,8 минг сўмни ташкил қилган. Ўртacha бир донадан яъни 94,0 минг сўмдан жами 9212,0 минг сўм фойда кўрган.

Қолган 113 донасини қайта ишлаб бош күйимлар тайёрлаш учун 19174,0 минг сўм харажат қилган ва тайёр маҳсулотларни сотишдан 41230,5 минг сўм келиб тушган. Бош күйимлар тайёрланган бир дона қоракўл терининг ўртacha таннархи 169,7 минг сўм ва сотиш нархи 364,9 минг сўмга teng бўлган. Бир дона қоракўл теридан ўртacha 195,2 минг сўм ёки ошланган терига нисбатан 2,1 марта кўп фойда олган.

Тадбиркор 211 дона қоракўл териларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот шаклига келтириш учун 34636,0 минг сўм харажат қилган ва уларни сотишдан 65905,5 минг сўм даромад олган. Бир дона қоракўл терининг ўртacha таннархи 164,2 минг сўм, сотиш нархи эса 312,3 минг сўмни ташкил қилган. Натижада бир дона қоракўл теридан олинган фойда 148,1 минг сўмни ва жами тадбиркор томонидан олинган фойда 31269,5 минг сўмни ёки рентабеллик даражаси 90,3 фоизни ташкил қилган.

**Коракўл териларни қайта ишлаш харажатлари ва улардан
олинган даромадлар**

T/p	Коракўл тери турлари	Оштаниб сотилган терилар, минг сўм			Телпак тайёрланган терилар, минг сўм			Жами қайта ишланган терилар		
		Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари	Сотишдан олинган даромад	Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари	Сотишдан олинган даромад	Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари	Сотишдан олинган даромад
1.	Шамчироқ жакет 1-нав	4	3	8	7	6	7	14	Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари
2.	Шамчироқ жакет 2-нав	302,0	376,5	684,0	1158,5	1233,0	1823,5	4977,0	Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари
3.	Шамчироқ ясси 1-нав	460,0	600	760,0	1750,0	2400,0	2940,0	8400,0	Сотишдан олинган даромад	Микдори, дона
4.	Шамчироқ ясси 2-нав	8	5	11	4	8	5	17	Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари
5.	Шамчироқ қовурғасимон 1-нав	1224,0	632,5	951,5	666,0	1652,0	1307,5	6145,5	Микдори, дона	Сотишдан олинган даромад
6.	Шамчироқ ясси 1-нав	4000,0	1750,0	1650,0	1200,0	4000,0	2350,5	11900,0	Сотишдан олинган даромад	Микдори, дона
7.	Шамчироқ ясси 1-нав	12	8	19	11	14	12	31	Микдори, дона	Ишлаб чиқариш харажатлари
		1526,0	1009,0	1635,5	1824,5	2885,0	3131,0	11122,5	Микдори, дона	Сотишдан олинган даромад
		4460,0	2350,0	2410,0	2950,0	6400,0	5290,5	20300,0	Ишлаб чиқариш харажатлари	Микдори, дона

8.	Пўлати жакет 1-нав						
9.	Пўлати жакет 1-нав						
10.	Кора ясси 1-нав						
11.	Кўк жакет 1-нав						
12.	Кора жакет 1-нав						
13.	Шамчироқ-коракўлча						
14.	Кўк - коракўлча						
	Жами						
	Ўртача бир дона тери	98	4	5	7	6	14
157,8	15462,0	162,0	227,5	248,5	633,0	231,0	2317,0
251,8	24675,0	320,0	375,0	420,0	1020,0	330,0	3500,0
	113	8	6	-	6	8	18
169,7	19174,0	664,0	558,0	-	639,0	328,5	1408,5
364,9	41230,5	1120,0	900,0	-	1500,0	960,0	2700,0
	211	12	11	7	12	14	16
164,2	34636,0	826,0	785,5	248,5	1272,0	559,5	2497,0
312,3	65905,5	1440,0	1275,0	420,0	2520,0	1290,0	4100,0
							10700,0

Манба:Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, коракўл териларни чукур қайта ишлаш сердаромад ва катта фойда келтирувчи фаолият ҳисобланади. Тадбиркор оддий (колок) технология асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этганлигига қарамасдан бир ойга ўртача 2605,8 минг сўмдан соғ даромад олган. Бу кўрсаткич 2014 йил республикада ахоли жон бошига ишлаб

чиқилган саноат маҳсулоти миқдори (2444,7 минг сўм)дан 6,6 фоиз юқори.

21- жадвалдан кўринадики, тадбиркор Н. Итжонов томонидан хард қилинган қоракўл терилар нархи ранги, нави, сатҳи ва рангбаранглигига қараб бир-биридан кескин фарқ қиласи. Масалан, қоракўл терининг барра типи, ўлчами, сифати, харидоргирлигидан келиб чиқиб тадбиркор сатҳи бўйича катта ўлчамдаги “Шамчироқ жакет” 1-навли терини ўртacha 350,0 минг сўмдан, “Шамчироқ яssi” 1-навлинни 200,0 ва “Шамчироқ қавурғасимон” 1-навли терини 80,0 минг сўмдан хард қилган ёки жакет тери яssi терига нисбатан 1,75 марта, қавурғасимон терига нисбатан эса 4,4 марта юқори нархлада сотиб олган. “Шамчироқ яssi” катта ўлчамли терилар ўртacha 200,0 минг сўмдан, ўртacha ўлчамлилар 120,0 ва майда ўлчамли терилар эса атиги 70,0 минг сўмдан сотиб олинган ёки катта ўлчамли териларга нисбатан мос равишда 80, 0 ва 130,0 минг сўм паст нархларда хард қилинган. “Пўлати жакет” 1-навли катта ўлчамли териларни ўртacha 160,0 минг сўмдан олган бўлса, ушбу барра типидаги ўрта ўлчамли териларни 150,0 минг сўмдан ёки 6,3 фоиз паст баҳода хард қилган. Катта ўлчамли “Шамчироқ жакет” 1-навли 2- навли терилардан 37,3 фоиз, “Шамчироқ яssi” 1-навли терилар 2-навли терилардан 25,0 фоиз юқори нархларда сотиб олинган. Катта ўлчамли қора рангли яssi 1-навли қоракўл териларни 30,0 минг сўмдан, кўк рангли жакет 1-навли териларни 100,0 ва пўлати жакет 1-навли сур териларни 160 минг сўмдан ёки пўлати жакет сур терилар кўк териларга нисбатан 1,6 баровар ва қора рангли териларга нисбатан эса 5,3 баровар юқори баҳоларда сотиб олинган.

Тадбиркор хард қилган қоракўл териларини қайта ишлаган ва катта ўлчамли шамчироқ жакет 1-навли ошланган териларни ўртacha 600,0 минг сўмдан 2-навли териларни 420,0, яssi 1-навли териларни 400,0, 2- навлиларини 250,0 минг сўмдан харидорларга сотган ва мос равишда 244,5, 159,5, 194,5, 84,5 минг сўмдан фойда олган. Катта ўлчамли шамчироқ яssi 1- навли териларни ошлаб 400,0 минг сўмдан, ўрта ўлчамлиларини 200,0, майда ўлчамлиларини 115,0 минг сўмдан сотган ва тегишли равишда 194,5, 74,5, 39,5 минг сўмдан фойда олган. Тадбиркор 98 дона қоракўл териларни бир донасини

ўртача 151,7 минг сўмдан хард қилган, ошлагандан кейин эса 251,8 минг сўмдан ёки 66,0 фоиз юқори нархда сотган.

Демак, қоракўл терилар ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш самарадорлиги кўп жиҳатдан терининг ранги, барра типи, ўлчами, нави ва бошқа сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқ. Шу сабабли қоракўлчиликда селекция-наслчилик ишларини тубдан такомиллаштириш ва юқори натижа берадиган селекцион-технологик усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда замонавий технологияларга асосланган хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган корхоналарини қоракўл қўйлари урчитилаётган ҳудудларнинг ўзларида ташкил этиш лозим.

Қоракўл терилардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ошланган териларга нисбатан ҳам кўп даромад келтиришни 22-жадвал маълумотларида кўриш мумкин. Катта ўлчамли шамчироқ жакет 1-навли терини ошлаб сотган тадбиркор бир донасидан ўртача 244,5 минг сўм фойда олган бўлса, ушбу теридан телпак тайёрлаб сотишдан 338,5 минг сўм ёки 38,4 фоиз кўп фойда олган. Катта ўлчамли шамчироқ жакет 2-навли терини ошлаб сотишдан 159,5 минг сўм, ундан бош кийим тикиб сотишдан 208,5 минг сўм 30,7 фоиз фойдани кўп олган. Деярли шундай ҳолат бошқа турдаги қоракўл терилардан тикилган тайёр бош кийимлар бўйича ҳам кузатилди. 98 дона ошланган ва сотилган терилардан бир донасидан ўртача 94,0 минг сўм, тайёр бош кийимдаги бир дона теридан 195,2 минг сўм ёки 2,1 марта кўп фойда олган.

**Коракўл териларини қайта ишлашнинг иқтисодий
самарадорлиги**

T/p	Коракўл тери турлари	Ўлчами	Сотиб олинган коракўл терилар сони, дона			Коракўл тери бир донаси ўртача, минг сўм		
			Сотиб олиш нархи	Ошланган танинархи	Ошланган тери сотилиган нархи	Олинган фойда	Рентабел-лик дараражаси, %	
1.	Шамчироқ жакет 1-нав	катта	32	12	8	19	11	14
2.	Шамчироқ жакет 2-нав	катта	160	70	120	80	160	200
3.	Шамчироқ ясси 1-нав	катта	165,5	75,5	125,5	85,5	165,5	205,5
4.	Шамчироқ ясси 2-нав	катта	250	115	200	95	250	400
5.	Шамчироқ қовурғасимон 1- нав	катта	845	39,5	74,5	9,5	845	194,5
6.	Шамчироқ ясси 1-нав	ўрта	51,1	52,3	59,4	11,1	51,1	94,6
7.	Шамчироқ ясси 1-нав	майда	160	70	120	80	160	200
8.	Пўлати жакет 1- нав	катта	32	12	8	19	11	14

9.	Пўлати жакет 1-нав	ўрта	12	11	7	12	14	16
10.	Қора ясси 1-нав	катта	35	40	30	100	30	150
11.	Кўк жакет 1-нав	катта	40,5	45,5	35,5	105,5	35,5	155,5
12.	Қора жакет 1-нав	ўрта	80	75	60	170	55	200
13.	Шамчироқ-коракўлча	майда	39,5	29,5	24,5	64,5	19,5	5
14.	Кўк -коракўлча	майда	97,5	64,8	69,0	61,1	54,9	28,6

Эслатма: катта ўлчамли бир дона теридан 57-59 размерли битта телпак, ўрта ўлчамли теридан 54-55 размерли бир дона ва майда ўлчамли икки дона терида 57-59 размерли бир дона телпак тайёрланилади.

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

**Коракүл териларидан буюм (теппак) тайёрлашыннинг
самарадорлиги**

Т/Р	Коракүл тери турлари	Үлчами	Бир дона теппак тайёрлаш харажатлари, минг сүм			Бир дона теппак, минг сүм
			Тери, дона	Коракүл тери сотиб олиш нархи	Ошлаш за материаллар	
1.	Шамчиrok жакет 1-нав	катта	1	1	6,5	Жами
2.	Шамчиrok жакет 2-нав	катта	1	255	350	Сотиш нархи
3.	Шамчиrok ясси 1-нав	катта	1	200	261,5	Даромад (Фойда)
4.	Шамчиrok ясси 2-нав	катта	1	160	208,5	
5.	Шамчиrok ковургасимон 1-нав	катта	1	166,5	361,5	
6.	Шамчиrok ясси 1-нав	ўрта	1	300	470	
7.	Шамчиrok ясси 1-нав	майда	1	500	700	
			2	80,9	142,1	Рентабеллик даражаси, %
			140	80	133,5	
			13	6,5	293,5	
			153,0	86,5	338,5	
			500	150	500	
			347	70	79,7	
			226,8	176,7	93,6	

8.	Пўлати жакет 1-нав	катта					
9.	Пўлати жакет 1-нав	ўрта					
10.	Кора ясси 1-нав	катта					
11.	Кўк жакет 1-нав	катта					
12.	Кора жакет 1-нав	ўрта					
13.	Шамчироқ-коракўлча	майдада					
14.	Кўк -коракўлча	майдада					
		2	2	1	1	1	1
		70	80	30	100	30	160
		13,0	13,0	6,5	6,5	6,5	6,5
		83,0	93,0	36,5	106,5	36,5	166,5
		140	150	120	250	120	400
		57,0	57,0	83,5	143,5	83,5	143,5
		68,7	61,3	228,8	134,7	228,8	91,7
							140,2

Манба:Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишланиш даражаси

23-жадвал

Коракўл териси ва унинг қайта ишланиш даражаси самарадорлиги

T/p	Кўрсаткичлар	Суммаси, минг сўм
1.	Бир дона коракўл терини ўртача сотиб олиш нархи	151,7
2.	Бир дона ошланган коракўл терининг ўртача сотилган нархи	251,8
3.	Буюмга айлантирилган бир дона коракўл терининг ўртача сотилган нархи	364,9
4.	Бир дона ошланган коракўл теридан олинган даромад (фойда)	100,1
5.	Буюмга айлантирилган бир дона коракўл теридан олинган даромад (фойда)	195,2
6.	Бир дона ошланган коракўл тери рентабеллик даражаси,	63,4

	%	
7.	Буюмга айлантирилган бир дона қоракўл тери рентабеллик даражаси, %	115,0

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Қоракўл терининг қайта ишланиш даражаси самардорлиги тўғрисидаги маълумотлар 23-жадвалда келтирилган. Бир дона ошланган қоракўл теридан олинган даромад 100,1 минг сўм бўлса, тайёр маҳсулот шаклида сотилганини 195,2 минг сўмга, рентабеллик даражаси эса мос равишда 63,4 фоиз ва 115,0 фоизга тенг. Демак, қоракўл терини тайёр маҳсулот шаклида сотишнинг иқтисодий самараадорлиги юқори.

Р. Бекчановнинг оиласиий хусусий корхонаси йилига 9500-10000 дона қоракўл териларни қайта ишлаш билан биргаликда қўй ва бўри териларидан ҳам тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда сотишни йўлга кўйган тадбиркорлардан ҳисобланади.

Тадбиркорнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари тури ва ассортименти ҳамда тайёр маҳсулотларнинг иқтисодий самараадорлиги 24-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Юқорида такидланганидек, республикада хусусан чўл-яйлов чорвачилигига тўлиқ фойдаланилмасдан келинаётган муҳим даромад манбаларидан бири қўй ва бошқа зотли чорва моллари териларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришидир.

Тадбиркор кўй терисининг бир донаси ўртача 15,0 минг сўмдан хард қилиб, бир дона туркман пўстинини тайёрлашга 92,0 минг сўм сарфлаган. Унинг бир донасини ўртача 225,0 минг сўмдан сотган ва 133,0 минг сўм фойда олган. Туркман пўстининг рентабеллик даражаси 144,6 фоизни, бўри терисидан тайёрланган аёллар жакетиники эса 120,6 фоизни ташкил қилган.

Чўл-яйлов чорвачилиги ички резервларидан унумли фойдаланиш мақсадида чўл худудларида замонавий ихчам технологиялар билан жиҳозланган мол териларини қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил этиш, агросаноат мажмуаси ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

**Р. Бекчановнинг оиласвий хусусий корхонаси томонидан
коракўл ва бошқа терилардан тайёрланган буюмлар иқтисодий
самарадорлиги**


№	Кўрсаткичлар	Буюм номлари			
		Туркман пўстини тайёрлашга сафланган коракўл терилар ранги	Кора	Сур	Камбар
1	Буюмга сафланган коракўл тери, дона	1277,5	175	52,5	1050
2	Буюмга сафланган коракўл тери [*] харажатлари, м. сўм	4427,5	175	52,5	4200
3	Буюмга сафланган териларни ошланаш харажатлари, м. сўм	3727,5	175	52,5	3500
4	Бошқа харажатлар (материал, клиши, тутма, цетипон, ип, электро энергия ва бошқалар), минг сўм	1443	110	33	1300
5	Буюмга сафланган жами харажатлар (минг сўм)	620,5	85	25,5	510
		1022	140	42	840
		37,5	6	1,5	30
		411,3	9	2,3	400
		357,5	6	1,5	350
		227,5	6	1,5	220
		272	42	30	200
		92	47	30	15

6	Сотилған буюмлар микдори, (дона)					
7	Жами буюмга айлантирилгандырылған тери- лар, (дона)					
8	Бир дона буюмни сотиши нархи, (минг сүм)					
9	Буюмларни сотищдан олинган даромад, (млн. сүм)					
10	Олинган фойда, (минг сүм)					
11	Рентабелик даражасы, %					

* шундан 2 донаси сур терилад.

Манба: Муаллифлар тадқикотлари асосида ишлаб чиқылған.

Буюмга айлантирилгандырылған тери ранглари ва турлари иктисодий самарадорлыги тұғрисидаги мәлімдемелер 25-жадвалда көлтирилған. Қора коракүл теридан тайёр маҳсулоти тайёрлаш учун корхона бир донасига 43,9 минг сүм харажат сарфлаган, шу жумладан қорақүл териини хард қилиш харажатлари 37,4 минг сүмни ёки 85,2 фойзни ташкил қылған, сур ва қамбар қорақүл терилер хамда бүри ва қүй териларига мос равишда 140,9, 134,3, 95,3 ва 83,6, 77,1, 92,2 хамда 272,0, 200,0, 73,5 ва 92,0, 15,0, 16,3 теңг.



Күй терисидан тайёранган туркман пустини

25-жадвал

**Р. Бекчановнинг оиласий хусусий корхонасида буюмга
айлантирилган тери ранглари ва турлари иқтисодий
самарадорлиги**

Т/р	Кўрсаткичлар	Тери ранглари ва турлари				
		Кора коракўл	Сур коракўл	Камбар коракўл	Бўри териси	Кўй териси
1.	Бир дона териини кайта ишлашга ўртacha сарфланган харажатлар, (минг сўм)	43,9	140,9	83,6	272,0	92,0
	Шу жумладан: тери сотиб олиш	37,4	134,3	77,1	200,0	15,0
	ошлиш ва ранглаш	1,5	1,5	1,5	30,0	30,0
	бошка харажатлар	5,0	5,1	5,0	42,0	47,0
2.	Буюмга айлантирилган бир дона тери сотилиш нархи: (минг сўм)	122,9	409,1	158,3	600,0	225,0
3.	Буюмга айлантирилган бир дона теридан олинган даромад (фойда), (минг сўм)	78,8	268,2	74,7	328,0	133,0

4.	Рентабеллик даражаси, %	179,5	190,3	89,4	120,6	144,6
----	-------------------------	-------	-------	------	-------	-------

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тайёр маҳсулотга айлантирилган бир дона қора қоракўл теридан олинган даромад 78,8 минг сўмни, сурдан 268,2, қамбардан 74,7, бўриникидан 328,0 ва қўйникидан 133,0 минг сўм олган ва рентабеллик даражаси тегишли равишда 179,5, 190,3, 89,4, 120,6, ва 144,6 фоизга тенг бўлган.

Бухоро шаҳрида жойлашган “Мехавая Мода” маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) қоракўл териларни қайта ишлашнинг такомиллаштирилган технологиясини қўллаётган кичик корхоналардан бир ҳисобланади. Бу корхона 321254,7 минг сўмлик асосий воситаларга эга бўлиб, қоракўл териларни қуриладиган ва тозолайдиган айвон, уларни сақлайдиган омбор, ошлаш ва тикиш цехлари ҳамда тайёр маҳсулотларни сақлайдиган омбордан ташкил топган. Корхонада 5 киши иш билан банд ва йилига 10000 дона қоракўл терини қайта ишлаш кувватига эга. Хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги мукаммаллашган технологияларни жорий этиш меҳнат унумдорлигини 8-10 марта ошириш имконини берди. МЧЖ қайта ишланган қоракўл териларнинг 50-55 фоизидан 20 турдан ортиқ эркак ва аёллар устиди кийимлари ҳамда 15 турдан ортиқ бош кийимлар ишлаб чиқаради ва колган қисмни ошланган шаклда ички ва ташки бозорларда сотилишини амалга оширади. Тайёр маҳсулотларни ва ошланган қоракўл териларни Россия, АҚШ, Хитой, Озорбайжон каби мамлакатларга экспорт қилмоқда. Ошланган терилар бир донасини ўртача 11,0 долларда экспорт қилган ҳолда Авғонистондан авғон кўк қоракўл териси бир донасини 20,0 доллардан хард қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, авғон қоракўл териси сифати юқорлиги ҳисобига деярли икки баробар юқори сотилмоқда. Демак, ўзбек қоракўлчилигида наслчилик ва селекция ишларини тубдан яхшилаш лозим акс ҳолда жаҳон бозорларидаги кучли рақоботга бардош бералмасдан инқрозга учраши мумкин.

Олинган маълумотлар натижасига кўра бугунги кунда қоракўл териларни қайта ишлаш билан Бухоро вилоятида 100-105 та якка

тадбиркор, жисмоний шахс ва кичик корхоналар шуғуланишмокда. Улар томонидан 250,0-300,0 минг дона қоракўл териilar оддий (қолок) технологияларда қайта ишланмоқда.

“Мехавая Мода” МЧЖда қоракўл теридан тайёр буюмлар тикишга сарфланган харажатлар ва уларни сотишдан олган даромадлари тўғрисидаги мальумотлар 26-жадвалда келтирилган. Масалан, “Ира”номли шуба тайёрлаш учун 25 дона қора қоракўл териilarни ишлатилган ва 950,0 минг сўмни ташкил этган. Қоракўл териilarни ошлашга 250,0 минг сўм ва уни тикиш учун сарфланган бошқа харажатлар 150,0 минг сўм, шубага сарфланган жами харажатлар эса 1350,0 минг сўмга teng. Тайёр маҳсулот тайёрлашига сарфланган харажатларнинг 70,4 фоизи хом ашё яъни қоракўл териilar, 18,5 фоизи териilarни ошлаш, 11,1 фоизи иш ҳаки ва моддий харажатлар ҳиссасига тўғри келган. “Ира”номли шубаларнинг 120 донасини сотишдан корхона 354000,0 минг сўм даромад ва 192000,0 минг сўм фойда олишга мувофиқ бўлган. Рентабеллик даражаси 118,5 фоизни ташкил этган. Эркаклар костюмини тайёрлаш учун 18 дона қора қоракўл териilar сарфланган ва 668,0 минг сўмни, уларни ошлаш харажатлари 180,0 минг сўмни, иш ҳаки ва моддий харажатлар 108,0 минг сўмни ёки жами харажатдаги улушлари мос равишда 69,9 фоиз, 18,8, ва 11,3 фоизни ташкил қилган. 10 дона эркаклар костюмини сотища 31336,0 минг сўм даромад ва 21776,0 минг сўм фойда олган ва рентабелик даражаси 127,8 фоизни ташкил этган. Кўк қоракўл теридан тайёрланган шубанинг рентабелик даражаси 93,0 фоизни, сур қоракўл теридан тайёрланган буюмники эса 275,0 фоизга teng бўлган.

**“Мехавая Мода” МЧЖда қоракүл теридан тикилган
буюмларга сарфланган харажат ва даромадлар**

Т/р	Күрсаткичла р	Буюм номлари					
		Кора қоракүл теридан тайёрланган буюмлар					
1.	Буюмга сарфланган коракүл тери, дона		250	950	25 “Ира” номли шуба		
2.	Буюмга сарфланган коракүл тери харажатлари, (минг сўм)		270	997	27 “Весна” шуба	номли	
3.	Буюмга сарфланадиган ошлиш харажатлари, (минг сўм)		90	329	9 Без рукавка		
4.	Бошка харажатлар (солик ва бошка мажбурий тўловлар, иш хаки, материал, клипци, тугма, цетипон, ип, электро энергия ва бошқалар), (минг сўм)		180	668	18 Эррак костюми		
5.	Буюмга сарфланган жами харажатлар, (минг сўм)		20	80	2 Казирок Жариновский		
6.	Сотилган буюмлар микдори, (дона)		20	80	2 Кепка Безболка		
						Сур қоракүл теридан тайёрланган устки кийим (Безрукобка)	
							Кўк қоракүл теридан тайёрланган шуба
21	120 0	420*	195	585	13		
32	233 2	132	220	1980	22		

7.	Бир дона буюмни сотиш нархи. (минг сўм)		2950				
8.	Буюмларни сотищаан олинган даромад, (минг сўм)	354000	140400	3510			
9.	Олинган фойда, (минг сўм)	19200 0	83240	1111	6345	595	
10.	Рентабелик даражаси, %	118,5	145,6	20,4	127,8	31336 31336	3133,6

*Писез-махсус мўйнали хайвон терисидан 300,0 минг сўм сарфанилади.

Манба: Муаллифлар тадқикотлари асосида ишлаб чикилган.



Бухора сур қоракўлидан тайёрлаган шуба ва аёллар сумкачаси

“Мехавая Мода” МЧЖда коракүл териларидан тайёрланган ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги мълумотлар 27-жадвалда келтирилган.

27-жадвал

“Мехавая Мода” МЧЖда буюмга айлантирилган қоракүл тери иқтисодий самарадорлиги

Т/п	Кўрсаткичлар	Буюмлар номи		
		“Ира” номли шуба	Шуба	Безруковка
1.	Бир дона қоракүл терига сарфланган харажатлар, (минг сўм)	54	106	92,3
	Шу жумладан: тери сотиб олиш	38	90	45
	ошлиш ва ранглаш	10	10	15
	бошқа харажатлар	6	6	32,3 *
2.	Буюмга айлантирилган бир дона қоракүл тери сотилиш нархи, (минг сўм)	118	204,5	346,1
3.	Буюмга айлантирилган “Ира” номли шубага сарфланган бир дона қоракүл теридан олинган фойда, (минг сўм)	64	98,5	253,8
4.	Рентабелик даражаси, %	118,5	93,3	275,0

*23,1 минг сўми маҳсус мўйна учун сарфланган.

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

27-жадвалдан кўринадики, корхона кора рангли қоракүл терининг бир донасини ўртача 38,0 минг сўмдан хард қилган ва улардан “Ира” номли шуба тайёрлаб бир донасини ўртача 118,0 минг сўмдан ёки 3,1 марта юкори баҳода сотишга мувофиқ бўлган. Натижада буюмга айлантирилган бир дона қоракүл теридан ўртиача 64,0 минг сўм фойда олган ва унинг рентабелик даражаси 118,5 фоизни ташкил этган. Буюмдаги кўк қоракүл териларнинг бир донаси уни сотиб олиш нархига нисбатан деярли 2,3 марта ва сур эса деярли 7,7 марта юкори нархларда сотилган. Бу омил ўз навбатида бир дона

буюмлаштирилган күк қоракүл теридан ўртача 98,5 минг сүм ва сур



Сур териларидан тайёрланган шуба

Демак, қоракүл терини жойларда қайта ишлаш хўжалик юритувчи субъектларга 2,5-3,0 баробар кўп даромад ва фойда келтиради. Бу худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишини

тезлаштирувчи ва шаҳарлар даражасига тенглаштириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мүккарар.

“Нурота ҳолол гўшт” хусусий корхонаси чорва молларини сўйиш қайта ишлаш гўшт ва гўшт маҳсулотлари хусусан колбаса ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланади. Корхонада қушхона, гўштни қайта ишлаш ва сақлаш омборлари, колбаса тайёрлаш цехи ва тайёр маҳсулотни сақлаш омборларидан ташкил топган. Корхона колбаса ишлаб чиқариш учун қорамол, кўй ва парранда гўштлари ишлатади. Молларни Нурота тумани “Истиклол” ва А. Навоий ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва деҳқон бозорларидан сотиб олади ҳамда ўзининг деҳқон хўжалигига парваришиланган моллардан фойдаланади. Хўжаликлардан гўштни 18-20 минг сўмдан хард қиласи. Кўй терисини 2,0 минг сўмдан, мол терисини 20-30 минг сўмдан сотади.

28-жадвал

“Нурота ҳолол гўшт” хусусий корхонаси ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Миқдори		Шундан: гўшт, ц
		Бир кунда, кг	Бир йилда, ц	
1.	Ишловчилар сони, киши	6	6	
2.	Ишлаб чиқариладиган колбаса	600	173	86,5
	Шу жумладан:			
	кайнатилган	250	73	36,5
	дудлатилган	250	72	36,0
	сосиска	100	28	14,0
3.	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар, (минг сўм)			
	Шу жумладан:			
	кайнатилган	14	102200	73000,0
	дудлатилган	15	108000	72000
	сосиска	13	36400	22400
	Жами	14,25	246600	167400
	Маҳсулотни сотиш			

	нархи, (минг сўм)			
	Шу жумладан:			
	қайнатилган	20	146000	104200,4
	дудлатилган	25	180000	120000,6
	сосиска	15	42000	25800,0
	Жами	21,27	368000	240300,0
5.	Махсулотни сотищдан олинадиган фойда, (минг сўм)			
	Шу жумладан:			
	қайнатилган	6	43800	31200,4
	дудлатилган	10	72000	48000,6
	сосиска	2	5600	3400,0
	Жами	7,02	121400	82700,0
6.	Рентабеллик даражаси, %			
	Шу жумладан:			
	қайнатилган	142,9	142,9	142,8
	дудлатилган	166,7	166,7	166,7
	сосиска	115,4	115,4	115,2
	ўртча	149,2	149,2	149,4

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

“Нурота ҳолол гўшт” хусусий корхонаси ишлаб чиқариш ва иктиносидий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 28-жадвалда келтирилган. Корхона йилига 86,5 ц. гўштни қайта ишлаб, 173,0 ц қайнатилган, дудлатилган колбаса ва сосиска тайёрламоқда.

Корхона бир йилда 368000,0 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарган ва 121400,0 минг сўм фойда олган, рентабеллик даражаси 149,2 фоизни ташкил қилган.

29-жадвал

“Нурота ҳолол гўшт” хусусий корхонасида тайёрланган мол терилари ва турлари

	Чорва моллари	Сўйилган моллар сони, бош	Қайта ишланган гўшт микдори, ц	Тайёрланган мол терилари, дона
1.	Қўй	305	61	305
2.	Қорамол	11	22	11
3.	Парранда	315	5	-

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

29- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 305 бош қўй, 11 бош қорамол ва 315 бош парранда сўйилган ва 316 дона мол терилари тайёрланган ҳамда 88,0 ц гўшт қайта ишланган. Қоракўлчиликка ихтисослашган Нурота тумани худудида мол териларини чукур қайта ишлашни ташкил этиш мумкин.

30-жадвал

**Колбасага айлантирилган гўштнинг иқтисодий
самарадорлиги (минг сўм)**

Т\р	Колбаса турлари	1 кг колбасада гўшт	1кг колбасага айлантирилган гўштнинг сотилиш нархи	1 кг колбасага айлантирилган гўштдан олинган фойда	Рентабеллик даражаси,%
1.	Қайнатилган	10	28,6	18,6	186,0
2.	Дудлатилган	10	33,4	23,4	234,0
3.	Сосиска	8	23,0	15,0	187,5
4.	Ўртача	9,7	27,8	18,1	186,6

Манба: Муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Колбаса шаклида қайта ишланган гўштнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар 30-жадвалда келтирилган. Қайта ишланиб, дудлатилган колбаса шаклида сотилган 1 кг гўштнинг сотилиш нархи 33,4 минг сўм, қайнатилганинику 28,6, сосиска шаклида сотилганинику 23,0 минг сўмни ташкил қилиб, гўшт шаклида сотилганига нисбатан 39,0 фоиз юқори. Колбаса шаклида сотилган 1 кг гўштдан олинган ўртача фойда 18,1 минг сўмни, рентабелик даражаси 186,6 фоизни ташкил қилган.

“Истиқлол” НШХ тирик вазнда кўйларнинг 1центнерини 683,6 минг сўмдан, гўштга шаклида 2000,0 минг сўмдан сотилган. “Нурота ҳолол гўшт” хусусий корхонаси тайёрлаб 2780,0 минг сўмдан соттан. Натижада гўштдан ва калбосадан олинган фойда миқдори тирик вазнданагига нисбатан мос равишда 4,3 ва 7,9 марта кўп бўлган (31-


жадвал). Шу билан биргаликда корхонанинг жойларда магазинлари бўлмаганлиги истеъмолчи субъектлар билан шартномалар тузмаганлиги сабабли тайёрланган колбасаларни релизация қилишда бирмунча қийинчиликлар мавжуд.

31-жадвал

Гўштни қайта ишланнинг иқтисадий самарадорлиги

Т/р	Кўрсаткичлар	“Истиқлол” НШХ		Колбаса шаклида	Тирик вазнга нисбатан, %	
		Тирик вазнда	Гўшт шаклида		Гўшт	Колбаса
1.	Миқдори, ц	2759	1379,5	86,5	-	-
2.	Сўйиладиган кўйлар, бош	7260	-	416	-	-
2.	1 ц танинхри, м. сўм	454,5	1014,1	970,0	223,1	213,4
3.	1 ц сотиш нархи, м. сўм	683,6	2000,0	2780,0	292,6	406,7
4.	1 ц олинган фойда, м. сўм	229,1	985,9	1810,0	430,3	790,0
5.	Рентабеллик даражаси, %	50,4	97,2	186,6	46,8 банд	139,2 банд

Манба: Муаллифлар тадқикотлари асосида ишлаб чиқилган.



3-диаграмма. Хом ашё ва қайта ишланган маҳсулотлар рентабеллиги

Манба: Муаллифлар тадқикотлари асосида ишлаб чиқилган.

Коракүл күйлари жундан турли ўлчамдаги гиламлар, бош кийимлар, устки кийимлар, лайпок ва құлпоклар, оёқ кийимлар, күржин, от ва уловлари учун жавдуқ ва арқонлар ҳамда қурилишда утепления материалари ишлаб чиқиш мумкин. Тозоланган жунга ва ундан тайёрланган буюмларға ички ва ташки бозорларда хардорлар күплигига қарамасдан хом ашёни қайта ишлаш имконияти чекланғанлығы сабабли етиштирилған жуннинг катта қисми истроф бўмоқда. Жундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бошқа турдаги хом ашёларни қайта ишлаш каби юқори самара беришини бир қатор корхоналар тажрибаси кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилояти, Кумкўргон тумани, “Сайхан” НШХ қошидаги “Кийгиз”босиш цехи иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар 32-жадвалда келтирилган.

32-жадвал

Кигиз ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Микдори
1.	Бир дона кигизни ишлаб чиқариш учун сарфланиладиган жун, кг	14
2.	1 кг жуни сотиб олиш нархи, сўм	800
3.	Бир кийгизга сарфланиладиган харажат, минг сўм шундан: жунни сотиб олиш харажатлари	24,4
	сув, электр энергия, иш ҳаки ва бошқалар	11,2
4.	Бир дона кигизни сотиб нархи, минг сўм	13,3
5.	Бир дона кигиздан олинадиган фойда, минг сўм	48,7
6.	Рентабеллик даражаси,%	24,3
7.	Буюмга айлантирилган жуннинг сотиб нархи, минг сўм	99,6
8.	Буюмга айлантирилган 1 кг жуннинг сотиб нархи, сўм	22,3
9.	Буюмга айлантирилган 1 кг жуннинг таннархи, сўм	3478,6
10.	Буюмга айлантирилган 1 кг жундан олинган фойда, сўм	1742,9
11.	Рентабелик даражаси, %	1735,7

Манба: Муаллифлар талқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Бир дона ($2 \times 1,8$ м.) кигиз тайёрлаш учун 14 кг ювилмаган жун ишлатилган ва унинг таннархи 247,4 минг сўмни ташкил қилган.

Кигизнинг бир донасидан олинган фойда 24,3 минг сўм, рентабеллик даражаси 99,6 фоизни тенг бўлган. Коракўлчилик маҳсулотлари ва ундан тайёрланган товарлар рентабелик даражаси 3-диаграммада келтирилган.

33- жадвал

Жунни қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлиги (минг сўм)

T/p	Кўрсаткичлар	“Сайхан” НШХ	Буюмга айлантирилган жун	Буюмга айлантирилган жуннинг хом ашёга нисбати, %
1.	1 ц жуннинг танинхи	773,9	1742,9	225,2
2.	1 ц жунни сотиш нархи	800,0	3478,6	434,8
3.	1 ц жундан олинган фойда	26,1	1735,7	66,5 барабор
4.	Рентабеллик даражаси %	3,4	99,6	96,2 банд

Манба: Муаллифлар тадқикотларни асосида ишлаб чиқилган.

33-жадвал маълумотларидан кўринадики, тайёр маҳсулот шаклидаги 1кг жуннинг сотилиш нархи 800,0 сўм ўрнига 3478,6 сўмга кўтарилилганлиги натижасида олинган фойда 26,1 сўмдан 1735,7 сўмгача ёки 66,5 мартаға ошган.

Чўл-яйлов чорвачилик худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлаштириш ва аҳоли турмуш фарованилигини оширишнинг муҳим маблағ манбай бўлиб қишлоқ хўжалиги хусусан чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни жойларда ташкил этиш хисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 68,0 фоизи дехқон хўжаликлари, 27,8 фоизи фермер хўжаликлар қолган 4,2 фоизи эса қишлоқ хўжалик корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. Дехқон хўжаликларида тайёрланаётган маҳсулотларнинг 48,5 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этмоқда. 92,4 фоиз чорвачилик маҳсулотлари республикада дехқон хўжаликлари, 4,4 фермер хўжаликлари ва 3,2 фоизи эса қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида. Республикада етиштирилаётган гўштнинг 91,4 фоизини, сутнинг 94,5 фоизини, жуннинг 85,0 фоизини, коракўл терининг 83,9 фоизини ва тухумнинг 61,9 фоизини дехқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг атиги 2,7 фоизи, жуннинг 4,5 ва коракўл терининг 7,1 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи ихтисослашган корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. Майда шохли молларнинг 80,6 фоизи ёки 18091,3 минг боши дехқон хўжаликларида, фермер хўжаликларида 13,5 фоизи ёки 3032,2 минг боши ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга ошрувчи корхоналарида 5,9 фоизи ёки 1335,3 минг боши бўқилмоқда.

2. Республикада ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг етишмаслиги, мавжудларининг эскирганлиги ва тўла қувват билан ишламаслиги оқибатида хом ашёнинг катта қисми қайта ишланланмасдан қолмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига етказувчи енгил саноат корхоналари ососий фондларининг эскириш даражаси 32,6 фоизни, саноатда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарники эса 60,3 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш йилдан-йилга кўпайиб барётганлигига қарамасдан пахта хом ашёсининг 34%, меванинг 17%, сабзвотнинг 12%, полиз экинларининг 7%, узумнинг 25%, терининг 28%, жуннинг 17%, гўштнинг 27%, сутнинг 7% саноатда қайта ишланмоқда холос.

3. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи соҳа корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари таркибида хом ашё харажатлари 86-87 фоиз бўлган ҳолда рентабеллик даражаси 47-48 фоизни ташкил килса, қишлоқ хўжалигиники атиги 18,7 фоиз ёки деярли 3 барабор паст. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланиладиган харажатларнинг 65-75 фоизи хом ашё етиштирувчилар ҳиссасига тўғри келган ҳолда олинадиган даромаднинг атиги 35-40 фоизига эгалик қилишмоқда. Бошқача айтганда, хом ашё етиштрувчилар ўз маҳсулотларини яrim нархидан ҳам арzon баҳоларда беришга мажбур бўлишмоқда.

4. Ишлаб чиқилаётган жуннинг 20 фоизи саноат корхоналари томонидан қайта ишланади, чўл-яйлов ҳудудларида маҳаллий аҳоли томонидан 18-20 фоиз жун қайта ишланиб гилам, гилам маҳсуллари, тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 60 фоиз атрофида жун қайта ишланмасдан қолади. Жунни қайта ишлаб сотишни ташкил этиши жунни хом ашё сифатида сотишдан кўра 2,5-3,0 марта кўп даромад келтиради. Навоий вилоятида барча тофадаги хўжаликларда 116530 тонна гўшт ишлаб чиқарилган саноат асосида қайта ишлангани 30024,9 тоннани ёки атига 25,8 фоизни ташкил қилган. Коракўлчилик туманларида ишлаб чиқарилган гўштни қайта ишлаш ҳатто 0,5 фоиздан ҳам ошмайди, айрим туманларда умуман қайта ишланмайди, яъни моллар гўштга тирик ҳолда сотимоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқарувчилар олиниши мумкин бўлган даромадларининг 60-70 фоизидан маҳрум бўлмоқдалар. Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган жуннинг 21,4 фоизигина, бир қатор туманларда эса қайта ишлаш умуман мавжуд эмас. Республикада ҳар йили барча тофадаги хўжаликлар томонидан 12,0 млн. дона тери хом ашёси олиниб, бундан 7,5 млн. донаси майдада ва 4,5 млн. донаси йирик шохли мол терисидир. Коракўлчилик хўжаликларида эса 1,7-1,8 дона майдада шохли моллар териси етиштирилмоқда. Териларни қайта ишлаш 30,0 фоизда ошмаяпти. Ҳозирги кунда 1,1-1,2 млн. бош, кўзиллари қоракўл терига сўйилган. Она марри қўйлардан йилига 55-60 минг тонна кўй сути согиб олиш ва қайта ишлаб юқори сифатли қимматбаҳо сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Аммо, сутни

қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришининг имконияти бўлмаганлиги сабабли соғишдан воз кечилмоқда.

5. Барча товарлар бўйича аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси шаҳарларда 2844,1 минг сўм, қишлоқ жойларда атти 901,7 минг сўмни, шу жумладан, мос равишда озик-овқат 1333,9 ва 427,4 ҳамда нозик-овқат 1510,2 ва 474,3 минг сўмни ташкил қилган ёки товар айланмаси қишлоқ жойларда 3 баробардан кўпроқка паст. 2010 йил республикада аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш 275,1 минг сўмдан 2014 йилда 728,0 минг сўмга етган ёки 2,6 баробарга кўпайган. Шу билан биргаликда аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш худудлари бўйича кескин фарқ қилиб, деярли иккига тенг. Аҳоли жон бошига майший хизмат кўрсатиш шаҳар жойдагига нисбатан қишлоқ жойларда 8,3 минг сўм ёки 11,1 фоиз кам. Республика шаҳарлари бўйича бу кўрсаткичнинг фарқи 5 баробардан, қишлоқ жойларида эса 8 баробардан ортиқ.

6. “Навоий қоракўл” бирлашмаси тизимидағи ширкат хўжаликларида маданий майший ва коммунал хўжалигида хизмат килувчи ходимлар 2013 йилда 5 кишини ташкил этган. Кейинги йилларда бу турдаги хизматларга барҳам берилган. Умумий овқатланиш ва савдо хизмати билан 2 киши шуғулланмоқда. Хўжалик ичида қурилишда шуғулланувчилар таҳлил қилинаётган даврда 61 кишидан 45 кишигача ёки 26,2 фоизга камайган. Иморат ва иншоотларни таъмирлаш амалга оширилмаган ва болалар боғчаси фаолият кўрсатмаган. Ҳозирги кунда чўл-яйлов чорвачилиги куйи мажмуаси тизимидағи ишлаб чиқаришда иштирок этаётган кишилар 80-83 фоизни, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи, маҳсулотни қайта ишловчи, савдо ва таъминот вазифасини бажарувчи кишилар 17-20 фоизни ташкил этади. Куйи мажмууда бу кўрсаткични босқичма-босқич тегишли равишда 70:30; 60:40; 50:50; 40:60; 30:70 даражага етказишиш шарт.

7. Қоракўлчилик хўжаликларида кўзиларни коракўл терига сўйиш, терини тузлаш, ёғдан ажратиш ва тозолаш, қўй жунини кирикиш, қўйларни гўштга сўйиш ва терисига дастлабки ишлов бериш кабилар маҳсус сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил

этилмаганлиги сабабли қўл меҳнати билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилмоқда.

8. Сервис тузилмалари билан ўзаро муносабатларда нималар қониқтирмаслиги ҳақида сўралганда респондентларнинг 100 % хизмат кўрсатиш баҳоларининг юқорилиги, 73,6 % шартнома шартларининг номукаммаллиги, 66,3 % хизмат кўрсатиш сифатининг қониқарсизлиги, 55,9 % ишларни ўз вақтида бажармаслиги, 52,3 % хизматлар тур ва сон жиҳатидан етарли эмаслиги, 42,5 % хизмат кўрсатиш кўламининг торлиги ва зарур моддий-техника воситаларининг этишмаслигини эътироф этгандар.

9. Бир зооветеринария пункти томонидан кўрсатиладиган ўртacha шартли қўйлар сони 43,2 минг бошдан 48,4 минг бошга ёки 12,0 фоизга кўпайган. Бир зооветеринария пункти чорва моллари жойлашган худуд майдонининг катта-кичиклигига қараб 8,0-12,0 минг бош шартли қўйлар ўринига 48,4 минг бош ёки 4-6 баробар кўп шартли қўйларга хизмат кўрсатмоқда. Бир бош шартли қўйга кўрсатилган зооветеринария сервис хизмати 71,4 сўмдан 79,8 сўмгача ёки 11,8 фоизга ошган бўлса-да, хизмат кўрсатиш ҳажми (915,0 минг сўм) ўта пастлигидан далолат беради.

Республикамизда 383 та қушхоналар фаолият кўрсатмоқда бир туманга ўртacha 2,4 та қушхона тўғри келиб, бир қушхона 197,6 минг аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

10. Таклиф этилаётган инновацион технология бўйича отарда табиий ёғин-сочин ҳисобига 150 га кўп компонентли, юқори ҳосилли (25 ц/га) яйлов агрофитоценози яратилса, агрофитоценозлардан 374 тонна, қолган 164 га табиий яйловдан 49 тонна, жами 423 тонна яйлов озуқасини олиш мумкин. Демак, бу ҳолда ҳайвонларни яйлов озуқаси билан таъминланиш даражаси 50-55 фоиз ўрнига 105,7 % га етади.

11. Яйловни ҳимояловчи саксовул ихотазорларини барпо қилиш технологияси ҳамда юқори ҳосилли яйлов агрофитоценозларидан мавсумий фойдаланиш технологиясини 1500 га табиий яйлов майдонига жорий этишнинг ўзи 1200,0 га суғориладиган майдонни ва 6600000 м^3 сувни тежаш имконини беради. Текалиши мумкин бўлган ер ва сувдан озик-овқат экинларининг бошка турларини

парваришлашда фойдаланиш имконияти вужудга келади. Щу билан биргаликда факат озука харажатларининг 540,0 млн. сўмга тежалиши ва коракўлчилик маҳсулотларининг хусусан ўстиришга қолдириладиган кўзилар сонини 275 бошдан 1375 бошга, коракўл терини 225 донадан 1125 донагача, тирик вазндаги гўшт етиштиришни 81,0 центнердан 377,0 центнерга, жунни 12,2 центнердан 63 центнерга, барра гўштини 225 донадан 1125 донага ва кўй сутини 135 центнердан 675,5 центнерга кўпайтириш мумкин бўлади. Маълумки, ҳом ашёга иисбатан уни тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш хўжалик юритувчи субъектга 2-2,5 баровардан кўп даромад келтиради. Таклиф қилинаётган технология бўйича 1500 га яйлов майдонидан олиниши мумкин бўлган маҳсулотларни кайта ишлаб тайёр маҳсулот даражасига етказилса, жорий баҳоларда хисобланилганда 468,5 млн. сўм ўрнига 936,9-1171,2 млн. сўмгача кўпайтириш имконини туғдириш билан биргаликда маҳсулотларни кайта ишлаш хисобга 12-15 та янги иш ўринлари ташкил этилишига олиб келади.

12. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳозирги ҳолати тахлили кўрсатмоқдаки, ширкат хўжалиги отарларида бокилаётган кўйларнинг сони 500-600 бошдан кўп эмас. Масалан, “Сахобаота” наслчилик ширкат хўжалигида ўртacha 230 бош кўйлар парваришланаётган отарлар 7 foiz, 363 бош – 15,8, 470 бош – 37 бош, 543 бош – 21, ва 717 бош урчитилаётган отарлар – 19 foiz, Ўргача бир отарда бокилаётган кўйлар 499 бошни ташкил этмоқда. Фермер хўжаликлари 66, 2 foiz, 411 бош – 22,5, 666 бош – 5 ва 1200 ва ундан кўп бош парваришкаётганлари 6,3 foiz. Дехкон хўжаликларида ўртacha 50 бош кўйга эга бўлганлар 72,3 foiz, 206 бош – 20,7 ва 400 ва ундан кўп бош кўйларни парваришлайтганлар 7,0 foiz.

Инновацион технологияларни жорий этиш йўли билан ширкат хўжаликларидағи отарлардан 2500-3000 бош парваришлайдиган чорвачилик комплекслари ташкил этиш, фермер хўжаликлари ҳажмини 2500-3000 бошгача йириклиштириш ва дехкон хўжаликларида бокиладиган кўйларни ками билан 300 бошга етказиш массадга мувофик. Ишлаб чиқариш бирликлари ҳажмини оптималлаштириш, хизмат кўрсатиш обьектларини тургун ҳолда

кўйларни яйловдан яйловга ўтказиб боқиши жараёнида кўчма чўпон уйидан фойдаланиш, майда хўжаликлар ва старлар учун 2500-3000 бошга хизмат кўрсатувчи кўй жунини қирқиши, сунъий қочириши, кўзиларни коракўл тери учун сўйиш, лаборатория ва күшхоналарни кўчма ҳолда ташкил қилиш иқтисодий нуқтаи назардадан ўзини оқлади. 500 бош кўйни озука билан таъминлаш учун 1500 га табиий яйловлар талаб қилинади. Ушбу майдонга яйловларда фойдаланишнинг инновация технологиясини жорий килиб, яъни бир бош қўйга 0,28-,029 га юқори ҳосили сунъий яйловлар яратиб, кўйлар сонини ширкат хўжаликлари бирламчи ишлаб чиқариш бирликларига ва фермер хўжаликларида 2500 бошга ва дехқон хўжаликларида 300-500 бошга етказиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш имконини бериш билан биргаликда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишни ва маҳсулотларни қайта ишлашни шакллантириш ҳисобига чўл ҳудудларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига муҳим маблағ манбаи бўлиб хизмат қиласи.

13. Ҳар 8000-12000 бош кўйлар мавжуд ҳудудда битта зооветеринария хизматини кўрсатувчи шаҳобча, ҳар 3500-4000 бош она қўйга битта тургун ёки кўчма сунъий қочириш пункти, ҳар 18000-20000 она қўйи мавжуд ҳудудда кўзи сўйиш ва кўйлар жунини қирқиши пунктлари, 700-800 бош марри қўйга 5 та соғиши аппаратидан иборат соғиши майдончаси, 250,0-260,0 минг бош қўйга эга бўлган ҳудудда битта гўштни ва қўй териларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш лозим.

14. Ҳудудларда йилига 10000 донағача қоракўл терини, 200 тонна гўштни, 50 тонна жунни, 10000 дона мол терисини ва 5 тонна қўй сутини қайта ишлайдиган мини заводларни ишга тушириш чўл-яйлов чорвачилиги ҳудудлари барқарор иқтисодий ижтимоий ривожланишига хизмат қиласи.

15. Бозор иқтисодиёти шароитида қоракўл тери, мол терилари, гўшт, жун, қўй сути ва бошқа чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш асосида кенг ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ўзида мужассамлаштирадиган коракўлчилик кичик мажмуасини

шакллантириш зарур. Чўй-ялов чорвачилиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини максимал миқдорда қоплашга эришиш билан биргаликда турли мулк шаклларига асосланган ҳом ашёни қайта ишловчи корхоналарни шаклланиши ва ривожланиши ҳисобига коракўлчилик хўжаликлари ва уларда ишловчиларнинг даромадлари кўпаяди.

Чўл-ялов чорвачилиги қути мажмуасида ўз-ўзни бошқарувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни сотувчи таркибий тузилмаларнинг ўзаро ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлари, “ишлаб чиқиш-қайта ишлаш-сотиш” барча бўғинларда хўжалик шартномаларига асосланган бўлиши лозим.

Ўзаро иқтисодий муносабатларда томонларнинг жавобгарлигини кучайтириб, агросаноат мажмуаси самарадорлиги оширишга хизмат килиш билан биргаликда ҳар бир аник корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини талаб ва таклифга мослаштиришга хизмат киласди.

16. Чўл-ялов хўжаликларида мулкий муносабатларни такомиллаштириш ва мулждан фойдаланувчиларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида шартномавий муносабатларни мукаммаллаштириш лозим. Хўжалик билан тузилган шартномаларни ўрганишдан аниқландикси, шартнома шакллари амалдаги қонунлар ва меъёрий хужжатлар талабларига жавоб бермайди ва кўп ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг зарарига тузилмоқда. Буни бартараф этиш қуйидагилардан иборат:

- хўжаликлар молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик карзлар кўпайшилига йўл қўймаслик мақсадида сотиладиган маҳсулот ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлаб бериш шартини шартномага киритиш;

- «Форс-мажор» шартларини коракўлчилик худудларининг табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва шартномага киритиш;

- ихтисослашган хўжалик ва унга хизмат килувчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларни мукаммаллаштирилган ва

такомиллаштирилган контрактация-шартномалари асосида ташкил этиш;

- ихтисослашган билан унинг бўлиمالар ўртасидаги иқтисодий муносабатларини мустаҳкалаш мақсадида ички хўжалик шартномаларини такомиллаштириш ва амалда кўллаш мақсадга мувофиқдир.

17. Қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқариш харажатларининг 70,0-75,0 фоизи хом ашё ҳиссасига тўғри келишига қарамасдан, олинаётган фойданинг 80,0-90,0 фоизини ўзлаштиришмоқда. Бунга сабаб, сотиб олинган хом ашё бирлигини тайёр маҳсулот шаклида 3,0-4,0 баробар юқори нархларда сотилишидир. Шунинг учун биринчидан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни ўзгартирган холда 50-60 минг бош кўй, ками билан 200 бошдан қорамол, от, тuya каби чорва молларини парваришилаётган хўжаликлар худудида гўшт, сут, қоракўл ва мол терилари, жун ва чорвачилик маҳсулотларини чукур қайта ишловчи объектларни ва товарларни сотиш бўлимини ташкил этиб, хўжаликни агрофирмага айлантириш.

Иккинчидан, қоракўлчилик хўжалигига инновация технологияларни жорий этиш ҳисобига отарлардан 2500-3000 бош кўйни парваришиланадиган чорвачилик комплекслари ёки улардан фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳамда хом ашёни чукур қайта ишлаш ва сотишни бир корхона миқёсида бирлаштириш орқали хўжаликни агрофирмага айлантириш максадга мувофиқ.

18. Куйи мажмуа соҳалари ва корхоналарининг ўзора иқтисодий муносабатларидаги муаммоларни яъни яйловларни модеринизациялаш (ўртacha ҳосилдорликни гектарига 2,5 центнердан 20-25 центнергача ўшириш), чорва молларини бўрдоқилаш ва қоракўлча ишлаб чиқариш хўжаликлараро корхоналарни, озуқа тайёрлаш заводларини, хомашёни чукур қайта ишловчи корхоналарни, агросервис корхоналарини, тайёр маҳсулотларни сотишни ташкил этувчи муасассаларни чўл-яйлов чорвачилиги хўжаликлари мулк ва маблағларини бирлаштириб истъемол кооперативлари шаклида ташкил этиш йўли билан ечиш мақсадга мувофиқ.

19.Истемол кооперативлари чўл-яйлов чорвачилиги куйи мажмуаси таркибига кирувчи хўжалик ва корхоналарнинг ўзаро иқтисодий муносабатларидағи зиддиятларига барҳам беради.

20.Маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш жараёнларининг истемол кооперативлари шаклида уйгунлашиши қайта ишлаш корхоналари томонидан даромаднинг асоссиз ўзлаштирилишига барҳам беради ва ўзаро иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлайди ҳамда иқтисодий адолатни тиклади.

21.Ишлаб чиқарилаётган хомашёнинг аксарият қисми чукур қайта ишланади ва тайёр масулотга айлантирилади натижада эса чўл-яйлов худудларида хўжалик юритувчи субъектлар даромадни 4-5 баробар кўпайтирилишига эришилади.

22.Ташкил этиладиган кооператив корхоналарида минглаб янги иш ўринлари барпо этилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси учун ўта жиддий муаммоси ҳисобланган ишсизликнинг камайишига олиб келади ҳамда чўл-яйлов чорвачилиги худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суъратлари тезлашади ҳамда баркарорлашади.

23.Чўл-яйлов чорвачилигини баркарор ривожланишини таъминловчи кластер бошқарув технологиясини жорий этиш мақсадга мувофиқ, яъни:

-алоҳида маҳсулот тури бўйича эмас балик чўл-яйлов чорвачилиги куйи мажмуасини битта кластерига қамраб олиниш;

-кластерни бошқариш юқори малакали мутахассислардан шакллантирилган маҳсус мувофиқлаштурувчи кенгаши томонидан амалга оширилиши;

-олинган фойда кластер таркибига кирувчи корхоналарнинг тайёр маҳсулотга қўшган ҳиссасига мос равишда тақсимлашни тавсия қиласиз.

24.Мамлакат агросаноат мажмуасидаги баҳолар диспаритетини бартараф этиш учун республика ва унинг худудлари миқёсида куйидаги чораларни кўриш зарур:

- республика агросаноат мажмуасининг замонавий моддий-техника базаси яратиш ва қишлоқ хўжалиги бозорининг инфратузилмасини шакллантириш;

- импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини демпинг баҳоларда республика бозорига киришини олдини олиш бўйича самарали усувларни ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ижтимоий аҳамиятга эга турларига баҳоларнинг максимал даражасини белгилаш;

- маҳсулотлари қайта ишлаш учун сотиб олинадиган агросаноат мажмуаси корхоналари учун бюджет маблағлари ҳисобидан баҳолардаги фарқни қоплаш.

25. Тадбиркор 211 дона қоракўл териларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот шаклига келтириш учун 34636,0 минг сўм харажат қилган ва уларни сотишдан 65905,5 минг сўм даромад олган. Бир дона қоракўл тери ўртача таннархи 164,2 минг сўм, сотиш нархи эса 312,3 минг сўмни ташкил қилган. Натижада бир дона қоракўл теридан олинган фойда 148,1 минг сўмни ва жами тадбиркор томонидан олинган фойда 31269,5 минг сўмни ёки рентабелик даражаси 90,3 фоизни ташкил қилган. Бир дона телпак тайёрлаш учун ўртача 1,11 дона қоракўл тери сарфланган, тери харажатлари 180,1 минг сўм, терини ошлаш ва материал сарфлари 7,9 минг сўм жами харажатлар 188,0 минг сўмни ташкил қилган. Бир дона телпакни ўртача 404,2 минг сўмдан сотган. Олган даромади 216,2 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 115,0 фоизни ташкил қилган. Тайёр маҳсулот шаклида сотилган бир дона қоракўл тери 404,2 минг сўмни ташкил қилиб, ошланганига нисбатан 39,3 минг сўм ёки 10,8 фоизга киммат сотган.

26. 98 дона ошланган ва сотилган терилардан бир донасидан ўртача 94,0 минг сўм, тайёр бош кийимдаги бир дона теридан 195,2 минг сўм ёки 2,1 марта кўп фойда олган. Демак, қоракўл терини тайёр маҳсулот шаклида сотишининг иқтисодий самарадорлиги юкори.

27. Кўй терисининг бир донасини ўртача 15,0 минг сўмдан хард қилиб, бир дона туркман пўстнини тайёрлашга 92,0 минг сўм сарфлаган. Унинг бир донасини ўртача 225,0 минг сўмдан сотган ва

133,0 минг сўм фойда олган. Туркман пўстинининг рентабеллик даражаси 144,6 фоизни, бўри терисидан тайёрланган аёллар жакетиники эса 120,6 фоизни ташкил қилган.

28. Кора қоракўл теридан тайёрланган Ира номли шубада бир дона тери 54,0 минг сўм харажат қилган ҳолда ўртача 118,0 минг сўм сотилган ва 64,0 минг сўмдан фойда олинган, рентабелик даражаси 118,5 фоизни ташкил қилган. Сур теридан безруковка ва кўк теридан шуба мос равишда 92,3, 346,1, 253,8, 275,0 ва 106,0, 204,5, 98,5, 93,3 тенг бўлган.

29. “Истиқлол” НШХ тирик вазнда қўйларнинг 1 центнерини 683,6 минг сўмдан, гўштга шаклида 2000,0 минг сўмдан сотилган. “Нурота ҳолол гўшт” хусусий корхонаси тайёрлаб 2780,0 минг сўмдан пуллаган. Натижада гўштдан ва калбосадан олинган фойда миқдори тирик вазнагига нисбатан мос равишда 4,3 ва 7,9 марта кўп бўлган.

30. Тайёр маҳсулот шаклидаги 1кг. жуннинг сотилиш нархи 800,0 сўм ўрнига 3478,6 сўмга кўтарилилганлиги натижасида олинган фойда 26,1 сўмдан 1735,7 сўмгacha ёки 66,5 марта ошган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Конун. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси – Тошкент, Ўзбекистон, 1999. –16 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси
3. Конун. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги қонуни. “Халқ сўзи”. -1998. 1 май.
4. Конун. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида” ги Конуни. “Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар”. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992.-19 б.
5. Конун. Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида” ги қонуни. «Ўзбекистон овози». 10 январь 1992 йил.
6. Конун. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. «Солиқ тўловчининг журнали», -Тошкент, 1998. № 7-8. –Б. 12.
7. Конун. Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонуни.//Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. -№7-8. –Б. 21-25.
8. Конун. Ўзбекистон Республикасининг Дехкон хўжалиги тўғрисида ги қонуни. //Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. -№7-8. –Б. 22-26.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон.
- 10.“Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингни олиб бориш тартиби тўғрисида” Низом. Тошкент-2003 й.
- 11.Ўзбекистон Президентининг «Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 14.03.2018 йилдаги ПҚ-3603-сонли қарори.
- 12.Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси.

14. Абдурахмонов К., Боев Х. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклларининг ривожланиб бориши. –Тошкент: Фан, -1992. -36 б.
15. Асамов С.А. Получение баранины и каракульчи на промышленной основе. Т. 1988 г.
16. Аскаров Н. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича хориж тажрибалари ва улардан фойдаланишининг асосий йўналищлари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» Ж. 2016 йил, 10-сон. 456.
17. Lin L.Y. The Quest for Prosperity. Princeton University Press. Princeton. 2012. P. 369. (ЛинДжастин. Стремление к процветанию).
18. Кашин В. А. О новой модели развития для России. // «Мир перемен», 2015, №3-С.47-62.
19. Татаркин А.И. Саморазвитие территориальных социально-экономических систем как потребность федеративного обустройства России. // «Экономика регионов», 2013, №4.- С.9-26.
20. Тангиров А.Э., Совершенствование продажи продукции пустынно-пастьбищного животноводства и модернизация отрасли. //Формирование и развитие сельскохозяйственной науки в XXI веке//с. Соленое Займище-2016. С.509-514.
21. Тангиров А.Э. ва бошқа. Чўл-ялов чорвачилиги бошқарувини такомиллаштириш. Агроим, Ж. 2-3(34-35) сон, 2015. 41-42
22. Тангиров А.Э., Раббимов А. Пути повышения эффективности использования пастбищ в пустынно-пастьбищном животноводстве. // Современные тенденции развития аграрного комплекса.с. Соленое Займище -2016. С.1320-1323.
24. Тангиров А.Э., Чўл-ялов чорвачилигига хўжалик юритиши шакллари. // AGROILM№2[40]-SON,2016. 25-276.
25. Тангиров А.Э., Нурманов Ш.Х. Баҳо шаклланишининг назарий масалалари. //Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалий таҳсилоти ишларини оидиятга оғизлабораторияси таҳсилоти тадқиқоти - Самарқанд, 2020 йил 408-410 бет.

26. Тангиров А.Э., Нурманов Ш.Х. Қишлоқ хўжалиида баҳо шаклланишиниг хусусиятлари. //Ветеринария ва ҷорҷараликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалиёт ва инновацион технологиялар республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Самарқанд, 2020 йил 428-431 бет.
27. Ж. Шеров, Ф. Раббимов, Р. Суяров. “Қоракўлчилик самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари”. «Зооветеринария» Ж. 8 2013 й. 39-40 б. Тошкент.
28. Маматов М. Қишлоқ инфратузилма корхоналарини инновацион ривожлантириш масалалари. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» Ж. №2, 2016. 446.
29. Носиров У. ва бош. Чорвачиликда модернизация истиқболлари. «Зооветеринария» Ж. №10, 2011. 44–456.
30. Ибрагимов Ю. Канада чорвачилиги, бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. «Зооветеринария» Ж. №2, 2012. 38–436.
31. Каюмов Ф.К. и др. О росте цен на сельскохозяйственную технику и мерах по совершенствованию метода определения договорной цены // Журнал. Механизация хлопководства, 1990, № 12. С. 1–3.
32. Каюмов Ф.К. и др. Каракулеводческий подкомплекс и его роль в формировании конъюнктуры рынка. Т. «Узинформагропром». 1993 г.
33. Нурумбетов Т.Я. Каракулеводческий подкомплекс: состояние и основные пути развития (АПК: экономика, управление. 1990 г. № 11).
34. Папцов А.П. Современные направления развития сельскохозяйственной кооперации в экономике развитых странах // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2010. № 3. –С.79-82.
35. Хушматов Н. Эффективность формирования дехканских (фермерских) хозяйств и совершенствование их взаимоотношений с другими предприятиями: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. –Тошкент: ЎзБИИТИ, 1994. – 22 б.

36.Хушматов Н., Файзуллаева Т. Грек ёнгоги етиштиришда баҳо шаклланиши ва бозорнинг ўзгарувчанлик хусусиятлари. //AGRO ILM журнали. – Тошкент, 2019. №5. 105-107 бет.

37. Фармонов Т.Х. Ўзбекистон республикасида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2005. -32 б.

38. Экономический потенциал пустынь и полупустынь Узбекской ССР и пути его реализации. Ответственные редакторы: академик АН УзССР К. И. Лапкин, член-корреспондент АН УзССР К. Н. Бедринцев. Ташкент. Издательство «Фан» Узбекской ССР 1987. 198с.

39. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент -2018.

40. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги статистик тўплами. Тошкент - 2021.

41. Материалы сайта Информационного центра молочной промышленности Канады. Материалы сайта Канадской молочной сети.

42. Материалы сайта Канадской ассоциации генетики крупного рогатого скота.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-боб. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуаси ривожланишининг хози холати.....	5
1.1. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуаси ривожланишининг хозирги холати.....	5
1.2. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуасида маҳсулотларни қайта ишлашнинг ҳозирги холати.....	14
II- боб. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуаси инфратузилмаси ва уни ривожлантириш.....	30
2.1. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуаси инфратузилмаси ва уни ривожлантириш.....	30
2.2. Сервис хизмати кўрсатиш ва чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш.....	51
III- боб. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ва уларни такомиллаштириш	69
3.1. Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотлари сотиш тизимини такомиллаштириш ва тармоқни модеринизациялаш.....	69
3.2. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуаси ташкилий-таркибини оптималлаштириш.....	77
3.3. Шартнома шартлари бажарилишидаги жавобгарлик ва уни ошириш масалалари.....	97
3.4. Чўл-яйлов чорвачилиги қўйи мажмуасида иқтисодий муносабатлар.....	107
3.5. Чўл-яйлов чорвачилигига кластер ва унинг аҳамияти.....	113
3.6. Агросаноат мажмуасида баҳолар диспаритети ва уни бартараф қилиш йўллари.....	117
3.7. Чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва унинг иқтисодий самарадорлиги.....	122
Хулоса ва таклифлар.....	151
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	162

А.Э. Тангиров, Ш. Х. Нурманов

Модернизациялаш самарадорликни ошириш асоси

Монография

Муҳаррир: Бободустов З.Н.

Мусаххих: Мелиев З.

© «FAN BULOG’I» нашриёти, Самарқанд

ISBN: 978-9943-8335-2-4

Нашриёт лицензияси:

№ 4341-5160-642c-944b-ab74-5062-3969

Босишига рухсат этилди: 10.06.2022 й.

© «FAN BULOG’I» нашриёти, Самарқанд ш.

С. Бухорий кўчаси, 1-11 уй.

14.06.2022 yil nashr etildi.

Qog’oz bichimi A5, Ofset qog’ozi.

“Times New Roman” garniturası

Nashr bosma tabog’i 10,25

Buyurtma № 047A. Adadi 35 nusxa

**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo’limida chop etildi.**

11.04.2022 y. LICENSE № 025316

REESTR № X-119112

Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.

ТАНГИРОВ АБДУХОЛИК ЭГАМОВИЧ



Иктисоли фанлари номзоди, доцент, қатор йиллар давомида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш Давлат қўмитасининг Самарқанд вилоят худудий бошкармаси бошлиғи ўринбосари, Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат килиши Марказининг Самарқанд вилояти худудий бошкармаси бошлиғи, Самарқанд Агротадбиркорлик касб-хунар коллежи директори, Коракўлчиллик ва чўл экологияси илмий -тадқикот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келган. 2021 йилдан Самарқанд иктисолиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси доценти бўлиб ишлаб келмоқда.

Илмий ишларининг асосий йўналиши иктисолиётнинг реал тармокларини модернизациялаш ва уларнинг иктисолий самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишиланган. 5 монография, 12 илмий-амалий тавсиянома, 7 ўкув услубий-кўлланма ва 107 илмий маколлар муаллифи.

НУРМАНОВ ШЕРЗОД ХУЖАЯРОВИЧ



Ассистент, Самарқанд Иктисолиёт ва сервис институти Иктисолиёт кафедраси кабинет мудири, Самарқанд Давлат Чет тиллар институти академик лицей уқитувчisi, Самарқанд Кишлок хўжалик институти Кишлок хўжалиги иктисолиёти ва маркетинг кафедраси ассистенти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти АгроЯктисолиёт ва бухгалтерия хисоби кафедраси ассистенти, 2021 йилдан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “Чорвачиликда иктисолий самарадорлик ва бухгалтерия хисоби” кафедраси ассистенти бўлиб ишлаб келмоқда.

Илмий ишларининг асосий йўналиши иктисолиётнинг реал тармокларини модернизациялаш ва уларнинг иктисолий самарадорлигини ошириш муаммоларига бағишиланган. 8 илмий маколалар муаллифи.

ISBN: 978-9943-8335-2-4



978-9943-8335-2-4